

821.512

2.45

Тимч Эльбом

# МОРРИНИНГ СЕШАНБА ДАРСЛАРИ

Үлишни ўрганган күнинг яшашни хам ўрганасан



Мич Элбом

МОРРИНИНГ  
СЕШАНБА  
ДАРСЛАРИ

"Yosh kuch"  
ТОШКЕНТ 2021

**УЎК: 811.111.09**

**КБК: 83.3 Англ**

**Э - 45**

**Мич, Элбом**

**Моррининг сесанба дарслари / Мич Элбом, инглиз тилидан Мақсуд Саломов, Гулсанам Розиқовалар таржимаси.  
Тошкент, "Yosh kuch" 2021. 164 бет.**

**ISBN 978-9943-7083-1-0**

**Таржимонлар  
Мақсуд Саломов  
Гулсанам Розиқова**

Ушбу китоб инсонни умрнинг ҳар лаҳзасидан унумли фойдаланишга, ўзгаларга меҳр улашишга, ҳар бир ўзгариш ва хатти-ҳаракатдан ҳикмат қидиришга, бир сўз билан айтганда, шунчаки яшамасликка ўргатади.

Ёзувчи ёзиқлари орқали руҳ тетикилиги ҳар нарсага қодирлигини, руҳият кучли бўлса, инсон табиатини ҳам гўзаллаштириб боришини кўрсатиб ўтади.

Мазкур асар орқали китобхон яқинларининг қадрини, соғлиқнинг нақадар зарурлигини, умрнинг қанчалик бебаҳолигини англайди ва ҳаётига ўзгача кўз билан қарай бошлайди.

**УЎК: 811.111.09**

**КБК: 83.3 Англ**

**ISBN 978-9943-7083-1-0**

## Ўқув дастури

Кекса профессорим ҳаётининг сўнгги дарслари унинг кўйида, у миттигина ҳибискус бутасининг пушти барглари тўкилишини томоша қилиши мумкин бўлган кабинет деразаси ёнида ҳафтасига бир марта ўтиларди. Синф сешанба кунлари йиғилар ва дарс нонуштадан кейин бошланарди. Фанимиз “Ҳаёт мазмуни” деб аталар эди. Унда профессор бошдан кечирган ҳаётий сабоқлар ўқитиларди.

Баҳо қўйилмасди, лекин ҳар ҳафта оғзаки имтиҳонлар олинар, сиздан саволларга жавоб беришингиз ва ўзингиз ҳам саволлар тузишингиз талаб этиларди. Ўқтин-ўқтин профессорнинг бошини кўтариб, ёстиқقا қулайроқ жойлаштириш ёки тушиб кетган кўзойнагини бурнининг устига яхшироқ қўндириш каби жисмоний машқларни ҳам бажаришга тўғри келарди. Хайрлашув чоғида уни ўпид қўйиш орқали қўшимча балл ишлаб олиш мумкин эди.

Ҳеч қандай ўқув қўлланмаларидан фойдаланилмасада, муҳаббат, иш, жамият, оила, кексайиш, кечиримлилик ва ниҳоят, ўлим каби кўплаб мавзулар муҳокама қилинарди. Сўнгги маъруза лўндагина, бор-йўғи бир нечта сўздан иборат бўлди.

Битирув оқшоми ўрнига дафн маросими ўтказилди.

Якуний назорат имтиҳонлари олинмаса-да, берилган сабоқлар хусусида узун тадқиқот иши ёзиш талаб этиларди. Қўйида ўша тадқиқот иши билан танишасиз.

Кекса профессорим ҳаётининг сўнгги дарсларида бор-йўғи бир нафар талаба қатнашганди.

Ўша талаба менман.

1979 йилнинг кеч баҳори, иссиқ ва дим шанба оқшоми...

Юзлаб талабалар бош кампуснинг майсазорига қатор қилиб терилган ийғма ёғоч курсиларда ёнма-ён ўтирибмиз. Мовийнейлон ридоларни кийиб олганмиз. Узундан-узақ нутқуларни сабрсизлик билан тинглаймиз. Маросим якунлангач бош кийимларимизни осмонга улоқтиришимиз билан расман олийгоҳ – Массачусетс штати Үолтҳам шаҳри Брандэйс университетининг охирги босқич битирүвчиларига айланамиз. Кўпчилигимиз учун ҳозиргина болалик даври ўз ниҳоясига етди.

Маросимдан кейин севимли профессорим Морри Шварсни топиб, ота-онам билан танишираман. У гўё кучли шамол исталган пайтда осмонга учириб кетадигандек майда қадамлар билан юрадиган кичик жуссали киши. У битирув оқшоми ридосида инжил пайғамбари ва Мавлуд элфи қиёфалари қоришмасидан ҳосил бўлган кўринишда эди. Унинг кўзлари кўкишишил рангда, сийраклашиб бораётган кумушранг сочлари пешонасига тушиб турар, қулоқлари катта, бурни учбурчак шаклга эга, тутам-тутам қошлари эса оқара бошлаган. Тишлари эгри. Пастки тишлари кимдир мушти билан ичкарига киргазиб юборгандек орқа томонга қийшайганлигига қарамасдан, кулганида ўзингизни унга ер юзидағи илк ҳазилни айтиб бергандек ҳис қиласиз.

У ота-онамгаунинг барча дарсларига қолдирмай қатнашганимни айтади. “Ажойиб ўғлингиз бор, бошқаларга ўхшамайди”, дейди профессорим уларга. Уялганимдан ерга қарайман. Кетишимиздан олдин профессорга аталган совғамни бераман: олд томонига профессор исм-шарифининг бош ҳарфлари туширилган жигарранг портфель. Совғани бир кун олдин савдо марказидан харид қилганман. Профессорни унутиб юборишни хоҳламасдим. Балки у мени унутишни хоҳламагандирман.

“Мич, сен яхши инсонсан”, дейди у, портфелни мамнуният билан күздан кечирапкан. Кейин у мени бағрига босади. Белимда унинг нимжон қўлларини ҳис қиласман. Бўйим унукидан новчароқ бўлгани сабабли мени бағрига босганда, ўзимни ғалати, ундан каттароқ сезаман, гўёки мен ота, у эса фарзандимдек туюлади. У мендан хабарлашиб туришни сўрайди, мен ҳеч иккиланмасдан: “Албатта”, деб жавоб қайтараман.

У орқага тисарилганда кўзлари ёшлиганини кўраман.

## Ўқув режаси

**К**екса профессор 1994 йилнинг ёзида ўлаётганидан хабар топди. Ўтмишга назар ташлар экан, Морри қандайдир кўнгилсизлик яқинлашаётганини анча олдин сезганини ёдга олади. Буни рақс тушишни тўхтатган куниёқ англаб етганди.

Кекса профессорим доим рақс тушишга иштиёқманд бўлган. Унга қандай мусиқа қўйилишининг фарқи йўқ эди. Рок-н-роль, биг бенд, блюз. Ҳаммаси ёқарди. У кўзларини юмар ва масъуд табассум илия хаёлидаги мақомга монанд йўрғалай бошларди. Ҳаракатлари ҳар доим ҳам чиройли кўринмасди. Морри шерикка муҳтожлик сезмасди. У ёлғиз рақс тушарди.

Ҳарчоршанба оқшому Ҳарвард майдонидаги черковда ўюстириладиган “Бепул рақсга туш” номли қандайдир кечага бораарди. Оқ футболка ва қора иштон кийиб, бўйнига сочиқча ташлаб олган Морри милтироқ чироқлар ва овоз кучайтиргичлар билан жиҳозланган, асосан талабалар билан гавжум хонада айланиб юрар ва қандай мусиқа қўйилса, шунисига ўйнаб кетаверарди. Жими Ҳендрис ашуласи қўйилса, линди рақси ҳаракатларини бажаарарди. Амфетаминдан кайфи ошиб қолган дирижордек қўлларини силкитар, жиққа терга ботмагунича эшилиб-букиларди. У ерда ҳеч ким унинг йиллаб тажрибага эга университет профессори ва бир нечта эътиборга молик китоблар ёзган атоқли жамиятшунослик фанлари доктори эканини билмасди. Шунчаки эси оғиб қолган чол деб ўйлашарди.

Бир куни у ўзи кўтариб келган танго мусиқаси ёзилган кассетани қўйдирди. Кейин эса даврани эгаллаб, эҳтиросли испан ошиғидек хона бўйлаб хиром айлай

бошлади. Рақсини якунлаганда ҳамма қарсак чалиб юборди. У шу лаҳзаларда бир умр қолишни истарди!

Бироқ тез орада рақс тушишдан воз кечишига түғри келди.

Морри олтмишдан ошганда күксов касаллигини орттириб олди. Нафас олиши қийинлашды. Бир куни Чарльз дарёси бўйида сайд қилиб юрганида тўсатдан турган совуқ шамолдан нафаси қайтиб, бўғилиб қолди. Уни зудлик билан шифохонага олиб кетиб, адреналин уколи ёрдамида қутқариб қолишиди.

Бир неча йилдан сўнг юриши ҳам қийинлашди. Бир дўстининг туғилган кун базмида бесабаб қоқилиб, йиқилиб тушди. Бошқа бир кечада театр зинапоясидан йиқилиб, ёнида турганларни чўчитиб юборди.

— Унга ҳаво етишмаяпти! Ҳаво керак! — дея бақириб юборди кимдир.

Бу пайтга келиб у етмиш ёшни уриб қўйганди, шу сабабли одамлар “Қариликда...” деб шивирлаганча унинг оёққа туришига кўмаклашишди. Аммо ички аъзоларининг ҳолатини биздан кўра яхшироқ ҳис қилган Морри муаммо қариликда эмаслигини биларди. Қариликдан ташқари яна нимадир бор эди. У ўзини мунтазам ҳорғин сезар, ухлашга қийналарди. Тушларида ўлаётганини кўриб чиқарди.

Морри шифокорларга қатнай бошлади. Кўп шифокорларга учради. Улар Моррининг қонини текширишди. Пешобидан намуналар олишди. Орқа тешигидан мўралаб, ичакларини кўздан кечиришди. Охир-оқибат ҳеч нарса топилмагач, бир шифокор Моррининг болдиридан кичкина бўлакча кесиб олиб, мушаклар биопциясига юборди. Таҳлил натижалари неврологик муаммо борлигини кўрсатди. Моррини яна бошқатдан текширувлар ўтказишга олиб кетишиди. Шундай кўрикларнинг бирида Моррини электр курсига ўхшаш махсус мосламага ўтқизиб, электр токи юбориш орқали неврологик реакцияларини ўрганишди.

– Чуқурроқ текширишимиз керак, – деди шифокор натижаларга күз югуртиаркан.

– Нега? – сўради Морри. – Нима дард экан ўзи?

– Ҳали аниқ билмаймиз. Реакцияларингиз суст.

Реакцияси суст? Бу нима дегани бўлди?

Ва ниҳоят, 1994 йил, иссиқ ва нам август кунларининг бирида Морри хотини Шарлотта билан невролог ҳузурига борди. Шифокор янгиликни айтишдан аввал улардан ўтириб олишларини сўради. Моррида ён амиотрофик склероз (ALS), асаб тизимининг бешафқат хасталиги – Лу Гериг кассаллиги аниқланибди.

Ҳали бу касалликнинг давоси топилмаганди.

– Бу дардни қандай орттиридим? – сўради Морри. Ҳеч ким буни билмасди.

– Касаллик ўлимга олиб борадими?

– Ҳа.

– Демак, ўламан?

– Ҳа, – деди шифокор. – Жуда ҳам афсусдаман.

У деярли икки соат давомида сабр билан Морри ва Шарлоттанинг саволларига жавоб берди. Хайрлашиш чоғида шифокор уларга ALS ҳақида маълумотлар ёзилган митти брошюраларни берди. Улар банқда ҳисоб рақами очишда тақдим этиладиган брошюрачаларни эслатарди. Ташқарида қуёш чараклар, одамлар ўз ташвишлари билан югуриб юрарди. Ана, бир аёл автотураргоҳ ҳисоблаги奇ига танга ташлашга ошиқмоқда. Бошқаси эса бозор-ўчарини елкалаб олган. Шарлоттанинг хаёлида минглаб ўйлар тужғон ўйнарди: “Қанча вақтимиз қолди экан? Энди нима қиласми? Қандай кун кўрамиз?”

Кекса профессорим эса бу пайтда атрофда ҳаёт бир маромда давом этаётганидан ҳайратда эди. “Ҳаёт тўхтаб қолиши керакмасми? Наҳотки одамлар менга нима бўлганидан бехабар бўлишса?”

Бироқ ҳаёт тўхтаб қолмади, у Моррининг аҳволига эътибор ҳам бергани йўқ. Морри мадорсиз қўллари билан

машина эшигини очар экан, ўзини тубсизлик қаърига қулаётгандек ҳис қилди.

– Энди нима бўлади? – ўйлади у.

Кекса профессорим саволларига жавоб излар экан, касаллик уни тобора енгиб борарди: кундан-кун, ҳафтама-ҳафта... Бир куни эрталаб машинасини гараждан олиб чиқаётib, тормоз педалини босишни зўрға уддалади. Шу билан машина ҳайдашдан ҳам воз кечилди.

Ҳадеб қоқилавергач, ҳасса сотиб олди. Шу тарзда мустақил юришга ҳам якун ясалди.

У мунтазам Ёш насронийлар жамиятига сузишга қатнарди, лекин энди мустақил ечинишни ҳам эпломай қолди. Илк марта шахсий ёрдамчи ёллашига тўғри келди. Тони исмли илоҳиёт фанлари талабаси унинг сув ҳавзасига тушиб-чиқиши ва сузиш кийимини кийиб-ешишига ёрдам берадиган бўлди. Ечиниш хонасидаги сузувлар ўзларини уларга қарамаётгандек тутар, бироқ барibir томоша қилишдан тийила олмасди. Шу билан ҳётини бегона кўзлардан яшириш имкони ҳам бой берилди.

1994 йилнинг кузида Морри Брандейс кампусига университетдаги сўнгги курсини ўтиб беришга келди. Келмаса ҳам бўларди. Университетдагилар тушунишарди. Шунча одамнинг кўз ўнгидаги азоб чекиб нима қиласан? Уйда ўтириш. Битмаган ишларингни якунига етказ. Аммо Морри ишдан кетишни хаёлига ҳам келтирмасди.

Морри ўттиз йилдан ортиқ унга иккинчи уй вазифасини ўтаган аудиторияга оқсоқланиб кириб келди. Ҳасса ёрдамида юргани сабабли курсисига етиб олишга бир мунча вақт кетди. Ниҳоят курсига жойлашиб олди ва кўзойнагини тушириб, унга жимгина тикилиб ўтирган ёш чеҳраларга қаради.

– Дўйстларим, барчангиз бу ерга ижтимоий психология фанини ўрганиш учун йиғилгансиз деган фикрдаман. Мен йигирма йилдан бери шу фандан дарс бериб келаман ва бугун биринчи марта бу курсга ёзилиш таваккалчилик

эканини айтиб қўйиши лозим топдим, чунки тузалмас дардга чалинганман. Умрим семестрни якунлашга етмай қолиши мумкин. Буни муаммо деб ҳисоблаганларнинг дарсларимга қатнашишдан воз кечиш истаги бўлса, тушунаман.

У жилмайди. Шу билан унинг дардга чалингани ҳам ортиқ сир бўлмай қолди.

ALS ёнаётган шамга ўхшайди: асаб толаларингизни эритиб, танангизни бир уюм мум ҳолига келтиради. Кўпинча у ишни оёклардан бошлайди ва секин-аста юқорилаб боради. Аввалига сон мушакларингиз ўзингизга бўйсунмай қўяди ва тик туриш қобилиятидан маҳрум бўласиз. Кейин эса бутун тана мушакларингиз назоратини йўқотасиз ва ўтириш бахтидан ҳам мосуво бўласиз. Алалоқибат, агар шунда ҳам тирик бўлсангиз, томоғингизни тешиб ўрнатилган найча орқали нафас оласиз, ҳали мутлақо үйғоқ руҳингиз эса ўз танаси ичидаги қолган илмий-фантастик фильм қаҳрамонлари каби киприк қоқиши ёки тилни қимирлатишга зўрға ярайдиган мажруҳ қобиқ ичидаги тутқунликда қолади. Мазкур дардга йўлиққанингиздан беш йил ўтар-ўтмас шу ҳолатга тушасиз.

Шифокорлар Моррининг яна икки йилча умри қолганини тахмин қилишди. Морри эса икки йилдан камроқ вақти қолганини биларди.

Кекса профессорим қатъий қарорга келган, бу қарор у ўлими муқаррарлигидан хабар топиб, шифокор қабулидан чиқаётганидаёқ етила бошлаганди. “Жимгина сўлиб, йўқ бўлиб кетавераманми ёки қолган вақтимдан унумли фойдаланиб қоламанми?” – дея ўзига савол берди.

У сўлмайди. У ўлаётганидан уялмайди. Аксинча, ўлим унинг сўнгги лойиҳаси – қолган саноқли кунларининг марказий нуқтаси бўлади. Ўлим ҳамманинг ҳам бошида бор экан, унинг тажрибаси бошқалар учун ўта аҳамиятли бўлиши мумкин, шундай эмасми? Унинг ўзи тадқиқот обьекти бўлади. Жонли ўқув қўлланмаси.

Секин-аста сўниб боришимни тадқиқ қилинг. Менга нималар бўлаётганини кузатинг. Биргаликда ўрганамиз.

Морри ҳаёт-мамот ўртасидаги кўпприкни босиб ўтаркан, сўнгги сафари ҳақида ҳикоя қилиб боришга қарор қилди.

*Кузги семестр бир нафасда ўтиб кетди. Дорилар сони кўпайди. Муолажалар эса кундалик ҳаётнинг бир қисмига айланди. Ҳамширалар профессорнинг уйига қатнай бошлади. Мушаклар фаоллиги йўқолмаслиги учун унинг жонсизланиб бораётган оёқларини ҳаракатлантириш, қудуқдан сув торттаётгандек кўтариб-тушириш, букиш машқларини бажартириш зарур эди. Уқалаш мутахассислари уни мунтазам азоблаётган мушаклар увишишидан халос этиш учун ҳафтада бир марта ташриф буюарарди. У медитация мураббиylари билан учрашар, кўзларини юмиб, бутун борлиғи фақатгина нафас олишга қаратилмагунича хаёлидаги ўйларни бирма-бир ўчириб чиқарди: нафас оламиз-чиқарамиз, оламиз-чиқарамиз.*

Бир куни Морри ҳассаси ёрдамида пиёдалар йўлакчасига чиқаман деб, йўл юзига йиқилиб тушди. Шундан сўнг ҳасса тўрт оёқли тиргак билан алмаштирилди. Танаси заифлашиб бораркан, ҳожатхонага бориб-келиш ҳам унинг тинка-мадорини қуритадиган бўлди. Морри тувакка ўтиришга одатланди. Бироқ шуни ҳам мустақил бажаришга ҳоли йўқ эди. Кимдир унга тувакни тутиб туришига тўғри келарди.

Кўпчилигимиз бундай ишлардан хижолат чеккан бўлардик, айниқса, Моррининг ёшида. Аммо Морри кўпчилигимизга ўхшамасди. Яқин ҳамкаслари уни кўргани келганда Морри улардан: “Менга қара, ҳожат чиқаришум керак. Ёрдамлашиб юбормайсанми? Малол келмайдими?”, деб сўрарди.

Меҳмонлар кўпинча уларга бу иш малол

келмаслигидан ўзлари ҳам ҳайрон қоларди.

Уни кўргани келувчилар оқими ошиб борар, у эса мёҳмонлар кўнглини овлашдан мамнун эди. Ўлим, унинг асл моҳияти, одамлар ўлимнинг нима эканини англамай азалдан ундан қўрқиб яшашлари борасида фикр юритиш учун муҳокама гуруҳлари тузиб олганди. Морри дўстларидан агар улар чиндан ҳам ёрдам бермоқчи бўлсалар, унга ачиниш кўзи билан қарамасликларини, аксинча, ташрифлари, телефон сұхбатлари, одатдагидек муаммоларини Морри билан бўлишиш орқали уни хурсанд қилишларини сўради, чунки у ҳар доим ажойиб тингловчи бўлган.

Дард кучайиб бораётганига қарамасдан, унинг жарангдор овози ҳали ҳам ўзига тортар, хаёлида эса минглаб ўйлар чарх урадди. “Ўлим” тушунчаси “кераксиз” сўзи билан маънодош эмаслигини исботлашга бел боғлаганди.

Янги йил ҳам ўтди. Ҳали ҳеч кимга айтмаган бўлсада, Морри бу йил умрининг сўнгги йили эканини билиб турарди. Бу пайтга келиб, у ногиронлар аравачасига михланган, қадрли инсонларининг барчасига айтиши лозим бўлган гапларни айтиб қолишига улгуриш учун вақт билан курашаётганди. Брандейсдаги ҳамкасбларидан бири кутимагандада юрак хуружидан вафот этганда Морри унинг дағн маросимига борди. Уйга тушкун ҳолда қайтди.

— Эсиз, — деди у. — Келганлар у ҳақида шунча яхши гапларни айтса-ю, Ирев буларнинг ҳеч бирини эшиитмаса.

Кутимагандада Моррининг хаёлига ажойиб фикр келди. У бир нечта дўстларига қўнғироқ қилди. Керакли санани танлади. Совуқ якшанба кунларининг бирида “жонли дағн маросими”ни ўтказиш учун уникида оила аъзолари ва дўстларидан иборат кичик жамоат тўпланди. Уларнинг ҳар бири сўзга чиқиб, кекса профессоримга ўз ҳурматини изҳор қилди. Баъзилар кўзига ёш олди.

*Кулганлар ҳам бўлди. Бир аёл шеър ўқиди:*

*Севимли ва азиз жигарим...*

*Ҳаёт сўқмоқлари оралаб,*

*Замон оша кезарсан танҳо.*

*Абадий навқирон юрагинг –*

*Барҳаёт секвойядир гўё.*

*Морри ҳам уларга қўшилиб кулди, йиғлади. Одатда азиз инсонларимизга айтишга журъатимиз етмай, қалбимиз тубида қолиб кетадиган гапларнинг ҳаммасини айтиб олди ўша куни. Унинг “жонли дафн маросими” муваффақиятли ўтди.*

*Фақат... Морри ҳали ҳаёт эди.*

*Бунинг устига, профессор ҳаётининг энг ҳайратланарли даври энди бошлананаётганди.*

## Талаба

**Ш**у ерда мен учун қадрли ва доно профессоримни охирги марта бағримга босган ва у билан хабарлашиб туришга вайда берган кунимдан бери бошдан кечиргандаримни ҳикоя қилиб бераман.

Унданқайтихабаролмадим. Аслида эсауниверситетда мен билган кишиларнинг аксарияти, жумладан, пивоҳур ҳамшишаларим ва илк марта тонгда қўйнимда уйғонган аёл билан ҳам алоқаларимиз узилди. Битирув оқшомидан сўнг мен ўз истеъодини дунёга намойиш этиш мақсадида Нью-Йоркка йўл олган такаббур битирувчи йигитчадан, йиллар давомида тобланган бутунлай бошқа бир инсонга айлангадим.

Бироқ мен кашф этган дунё истеъодимга заррача қизиқиш билдирамади. Эндинга йигирма ёшдан ошган йилларим ижара ҳақини тўлаш, иш ҳақидаги эълонларни ўқиш ҳамда омад менга кулиб боқмаётганлиги сабаблари ҳақида бош қотириш билан ўтди. Менинг орзум машҳур мусиқачи бўлиш эди (пианино чалардим), бироқ зимзии ё ва бўм-бўш тунги клубларда ўтган бир неча йиллар давомида қуруқ ваъдалар, нуқул тарқаб кетаверадиган мусиқий гуруҳлар ва мендан бошқа ҳаммага қизиқиш билдирадиган продюсерлар туфайли орзум ўз аҳамиятини йўқотди. Умримда биринчи марта муваффакиятсизликка юз туваётгандим.

Айнан шу даврда, биринчи марта жиддий равиша ўлим тушунчаси билан юзма-юз келдим. Мусиқага меҳр қўйишимга сабабчи бўлган, менга машина ҳайдашни ўргатган, нуқул қизлар ҳақидаги ҳазиллари билан жиғимга тегадиган, мени футболга олиб кирган суюкли тоғам – онамнинг укаси қирқ тўрт ёшида ошқозоности

бези саратонидан вафот этди. Мен болалигимдан унга тақлидан, “Катта бўлсам, худди у каби бўламан” деб аҳд қилгандим. У қалин мўйлови ўзига ярашган, паст бўйли, хушбичим киши эди. Мен у билан бир уйда, шундоққина у яшайдиган хонадоннинг пастки қаватида турганим сабабли ҳаётининг сўнгги йилларида унинг ёнида бўлдим. Мен унинг бақувват жисми аввалига турشاқдек қотиб, кейин эса пуфақдек шишиб боришини кузатар, ҳар тун азоб чекишини, кечки овқат устида кучли оғриқдан лаблари буришиб, кўзлари юмуқ ҳолда ошқозонини чангллаганча букчайиб қолишига гувоҳ бўлардим.

– Эй, Худойи-и-им”, – инграрди у. – Эй, Худо!

Қолганлар – келинойим, уларнинг икки нафар ўғилчаси ва мен кўзимизни ундан олиб қочиб, жимгина овқатимизни ейишда давом этардик.

Ҳеч қачон ўзимни ўша вақтдагидек ожиз ҳис қилмаганман. Май ойи тунларидан бирида мен ва тоғам унинг балконида ўтиргандик. Илиқ шабада эсиб турарди. У уфққа термилганча бўғиқ овозда кейинги йил фарзандларининг мактабга чиқишини кўра олмаслигини айтди. Мендан болаларига кўз-қулоқ бўлиб туришимни сўради. Мен унга бундай тушкун гапларни гапирмаслигини айтдим. У эса ғамгин тикилиб қолди.

Бир неча ҳафтадан кейин тоғам оламдан ўтди. Дағн маросимидан сўнг ҳаётим бутунлай ўзгарди. Бирданига вақт жўмракдан оқиб тушаётган сув каби бебаҳо неъматга айланган, мен эса уни исроф қилмасликка жон-жаҳдим билан ҳаракат қилишим кераклигини англаб етгандим. Ярими бўш тунги клубларда мусиқа чалишни тўхтатдим. Барibir ҳеч ким эшитмайдиган қўшиқларни ёзишни йигиштирдим. Журналистика соҳасида магистрлик даражасини қўлга киритишим билан илк иш таклифини қабул қилиб, спорт мухбири сифатида фаолият юрита бошладим. Машҳурликка интилишдан воз кечиб, шоншүҳрат оптидан қувиб юрган спортчилар ҳаётини

ёритардим. Бир пайтнинг ўзида ҳам газеталарда ишлардим, ҳам журналлар учун мақолалар ёзид турардим. Вақт ва меъёрни унутиб, ақлга сиғмас шиддат билан меҳнат қиласадим. Тонгда уйғонишм билан тишимни ювар ва кийимларимни ҳам алмаштирумасдан ёзув машинкаси олдига ўтирадим. Тоғам умр бўйи бир корпорацияда ишлаган ва кунлари бир хил ўтгани учун ишидан нафратланарди. Менинг қисматим уникидек якун топмайди, дея аҳд қилгандим.

Нью-Йорк ва Флорида ўртасида саргардон юришдан чарчаб, Детройтга кўчиб ўтдим ва “Детройт Пресс” нашрида колумнист сифатида ишлай бошладим. Шаҳарнинг спортга бўлган қизиқиши чексиз эди. У ерда профессионал футбол, баскетбол, бейзбол ва хоккей жамоалари борлиги шуҳратпастликка бўлган чанқоғимни бемалол қондиради. Бир неча йилдан кейин мен нафақат газетага мақола ёзаётгандим, балки бир нечта спортга оид китоблар ва радиоэшиттиришлар муаллифига айлангандим ҳамда телевидениедаги мунтазам чиқишлиаримда бой футболчилар ва иккюзламачи университет спорт дастурлари ҳақидаги фикрларимни билдириб борардим. Мен ҳозирда мамлакатни қамраб олган оммавий ахборот воситалари бўронининг бир қисмига айлангандим. Ижодимга талаб юқори эди.


Ижарама-ижара юришларим ниҳоясига етди. Орқа-олдимга қарамай ҳамма нарсани сотиб ола бошладим. Тепаликда жойлашган уй олдим. Машиналар харид қилдим. Биржа акцияларига сармоя киритиб, қимматли қофозлар эгасига айландим. Энг юқори тезликни ёқиб олгандим, қиласиган ишларимнинг барчаси учун муддат белгилар ва шу муддат ичида тугатардим. Телбаларча жисмоний машқулар билан шуғулланар, машинани учириб ҳайдардим. Бунча кўп пул топишим тушимга ҳам кирмаган. Жанин исмли қора соч аёлни учратдим, у тиғиз кун тартибим ва деярли уйда бўлмаслигимга қарамасдан,

негадир мени севарди. Етти йил учрашиб юрганимиздан кейин түрмуш құрдик. Түйдан бир ҳафта үтиб ишга қайтдим. Мен Жанинни, шу билан бирга, үзимни ҳам куни келиб у орзу қылған фарзандларни дунёга келтиришимиз ва рисоладагидек оила қуишимизга ишонтирдим. Аммо бу күн ҳеч келай демасди.

Юқорироқ марраларни забт этиш үчүн яна ишга шүнғидим. Эришган ютуқларим менга ҳамма нарсани назоратда ушлаш имконини беришига ишонардим: тоғам каби хасталикка юз тутиб, нариги дунёга риҳлат қилишдан олдин ҳаётдан борини олишим, бахтнинг сүнгги томчиларини ҳам сиқиб ичишга үлгuriшим керак эди. Ылим бу қисмат эканини тушуниб етгандым.

“Морри-чи?” деяётгандирсиз-а? Баъзи-баъзида хаёлим үнга кетар, “одамийлик” ва “ўзгалар ҳақида қайғуриш” каби тушунчаларни менга сингдирганини эслардим, аммо буларнинг бари үзоқ ўтмишда қолиб кетган, худди бошқа ҳаётда содир бўлгандек туюларди. Ушбу йиллар давомида Брандейс университетидан келган барча хатларни тўғри ахлат челагига улоқтиардим. Ўзимча, уларга мендан фақат пул керак, деб ҳисоблардим. Шу сабабли Моррининг хасталигидан бехабар қолдим. У ҳақида менга хабар бериши мумкин бўлган кишилар аллақачон унутилган, уларнинг телефон рақамлари чордоқдаги кераксиз буюмлар солинган қутиларда чанг босиб ётарди.

Бир тун телевидение каналларини алмаштираётганимда қулоғимга чалинган овоз эътиборимни тортмаганида барчаси ўз ҳолича давом этаверган бўларди...



## Кўргазмали қуроллар

**1** 995 йилнинг мартада ABC TV каналининг “Тунги хабарлар” кўрсатуви бошловчиси Тед Коппел ўтирган лимузин Массачусетс штатининг Фарбий Ньютон шаҳарчасида жойлашган уй олдида, қор босган йўлакда тўхтади.

Бу пайтга келиб Морри бутунлай ногиронлар аравачасига михланган, шахсий ёрдамчиларининг уни оғир қопдек кўтариб, ётоқдан аравачага ва аравачадан ётоққа олиб ўтишларига ўрганаётганди. Овқатланаётгандан уни йўтал тутар, оғзидағи нарсани чайнаш ҳам оғир ишга айланганди. Оёқлари тамоман ишдан чиққан, эндиликда умуман юра олмасди.

Шундай бўлса-да, у тушкунликка тушишдан бош тортарди. Морри фикрлар ўчогига айланди. Фикрлар қўйилиб келар, профессор уларни тўғри келган жойга ёзив кетаверарди: ён дафтарчалар, конвертлар, папкалар, қоғоз бўлаклари ёзувларга тўлиб кетганди. Ўлим кўланкаси остидаги ҳаёт ҳақида фалсафий мулоҳазаларини ёзив бораарди: “Баъзи ишлар имкониятингиздан ташқарида эканини, ҳамма нарса ҳам қўлингиздан келмаслигини тан олинг”, “Ўтмишни ўтмишлигича қабул қилинг: уни рад этишга ёки ўзгартиришга уринманг”, “Ўзингизни ҳам, бошқаларни ҳам кечиришга ўрганинг”, “Ҳеч қачон бирор ишни бошлашга кеч қолдим деб ҳисобламанг”.

Морри фақат дўстлари билан бўлишадиган бундай “ҳикматли сўзлар”нинг сони тез орада эллиқдан ошди. Улардан жуда таъсирланган Брандейс университетидаги ҳамкасларидан бири Мори Штейн “ҳикматли сўзлар”ни “Бостон Глоуб” нашри мухбирига юборди. Мухбир Морри билан учрашиб, у ҳақида катта мақола ёзди. Мақола

“Профессорнинг сўнгги маъruzалари ўз ўлими ҳақида бўлади” сарлавҳаси остида чоп этилди.

Мақола “Тунги хабарлар” кўрсатуви продюсерларидан бирининг эътиборини тортди ва у Коппелга кўрсатиш учун газетани Вашингтон Д.С.га кўтариб келди.

— Мана буни бир кўргин, — деди продюсер.

Ҳаш-паш дегунча Моррининг хонаси операторлар билан тўлган, Коппелнинг лимузини эса уй ташқарисида турарди.

Моррининг оила аъзолари ва дўстларидан бир нечтаси Коппел билан учрашиш учун уникида тўпланишди. Ушбу машҳур инсон уйга кириб келганида хонада ҳаяжонли ғала-ғовўр кўтарилди, фақат Морригина хотиржамликни йўқотмай, аравачасида Коппелнинг олдига чиқиб, чимирилган қошлари остидан унга қаради. Унинг баланд ва жарангдор овози шовқин-суронни бўлди:

— Тед, бу суҳбатга розилик беришдан аввал сени бир синаб кўришим керак.

Бир муддат хонага ўнғайсиз жимлик чўқди. Кейин эса иккаласи кабинет томон йўл олди. Эшик маҳкам ёпилди.

— Урди Ҳудо, — шивирлади эшик ташқарисида қолган дўстлардан бири бошқасига. — Ишқилиб, Тед Моррига юмшоқроқ муносабатда бўлсин-да.

— Аксинча, Морри Тедга шафқат қилсин, ишқилиб, — деди иккинчиси.

Кабинетга киргач Морри Тедга курсига ўтиришни ишора қилди. Қовуштирилган қўлларини тиззасига қўйиб, табассум қилди.

— Сиз қалбингиз тубида асрайдиган нарсалар ҳақида гапириб беринг.

— Қалбим тубида?

Коппел қарияга синовчан нигоҳ ташлади.

— Майли, — деди у эҳтиёткорона ва фарзандлари ҳақида сўзлай бошлади.

Ахир фарзандлари доим қалбида-ку, шундай эмасми?

— Яхши, — деди Морри. — Энди менга эътиқодингиз тўғрисида гапириб беринг.

Коппел бироз ўнғайсизланди.

— Одатда мен бундай мавзуларни эндиGINA танишган одамларим билан муҳокама қилмайман.

— Тед, мен ўляпман, — деди Морри, кўзойнак устидан ўнга тикилиб. — Жуда кам вақтим қолган.

Коппел кулиб юборди. Майли. Демак, эътиқод. У Аврелий Марқдан ўзининг қарашларини акс эттирадиган парча ўқиб берди. Морри жимгина бош ирғади.

— Энди мен савол берсам, — деди Коппел. — Ҳеч мен олиб борадиган кўрсатувни томоша қилганимисиз ўзи?

Морри елкасини учирди.

— Адашмасам, икки марта.

— Икки марта? Икки мартагинами?

— Ранжишга шошилманг. “Опра”ни бир мартагина кўрганман.

— Ҳўп, кўрсатувимни икки марта кўрганингизда қандай холосага келгансиз?

Морри бироз сукут сақлади.

— Ростини айтайми?

— Ҳа.

— Ўзига бино қўйган одамдек кўрингансиз менга.

Коппел қаҳ-қаҳ отиб кулиб юборди.

— Ўзимга бино қўйиш учун жуда бадбашаралик қиласман, — деди кейин.

Тез орада меҳмонхонадаги камин олдида суратга олиш жараёни бошланди. Коппел астойдил дазмолланган кўк костюм-шимда, Морри эса кенг кулранг свитер кийиб олганди. У сұҳбат учун уст-бошини чиройлисига алмаштиришдан ҳам, пардоз қилдиришдан ҳам бош тортди. Профессор фалсафасига кўра, ўлим уяладиган нарса эмасди, демак, юзига упа суришга ҳам ҳожат йўқ.

Морри ногиронлар аравачасида ўтирганлиги сабабли унинг жонсиз оёқлари камерага тушмади. Ҳали

қўлларини ҳаракатлантира олгани учун Морри доим қўлларини силкитиб гапиради, қандай қилиб ўлимни мардонавор қарши олиш мумкинлиги ҳақида эҳтиросга тўлиб сўзлашини кўришимиз мумкин эди.

– Тед, – деб гап бошлади у. – Мен бу ғалвалар бошлангандаёқ ўзимга бошқаларга ўхшаб тарки дунё қилайми ёки имкони борича ҳаётдан баҳра олиб яшайми, дея савол бердим ва яшашга қарор қилдим. Ҳеч бўлмаганда, қадр-қиммат, жасорат, яхши кайфият ва хотиржамликни сақлаган ҳолда ўзим истагандек яшашга уриниб кўришга аҳд қилдим. Йиғлаб уйғонган тонгларим ҳам бўлиб туради. Ўзимга ўзим аза тутиб, кўзёш тўкаман. Баъзида эса ғазабга тўлиб уйғонаман. Лекин бундай ҳолатлар узоқ давом этмайди. Ўзимга бироз ачиниб олганимдан сўнг ўрнимдан туриб, “Мен яшашни истайман” дея таъкидлайман. Ҳозирча буни үддалаяпман. Яна шундай давом этиш қўлимдан келадими? Буни билмайман. Менимча, қўлимдан келади.

Коппел уни бутун вужуди билан тингларди.

– Ўлимнингяқинлиги одамни камтарликка ундейдими?  
– деб савол берди у.

– Қандай тушунтирсам экан сенга буни, Фред, – деб юборди тўсатдан Морри ва тезгина хатосини тўғрилади, – Тед демоқчи эдим...

– Мана буни камтарликка ундаш деса бўлади, – деди Коппел кулиб.

Улар ўлимдан кейинги ҳаёт тўғрисида суҳбатлашишди. Моррининг тобора бошқалар ёрдамига муҳтоҷ бўлиб бораётгани ҳақида гапиришди. Унга овқатланиш, ўтириш, бир жойдан иккинчи жойга ўтиш учун ҳам кимнингдир ёрдами зарур эди.

– Сездирмасдан, секинлик билан жисмингизни емириб бораётган жараённинг сиз учун қўрқинчли жиҳати нимада? – сўради Коппел.

Морри бироз жим қолди. Кейин эса бу нарса ҳақида

телевидение орқали гапириш ўринлимикан, деб сўради.

– Албатта, гапираверинг, – ундали Коппел.

Морри Америкадаги энг таниқли телебошловчининг кўзларига тик қаради.

– Нима ҳам дердим, яқин кунларда кимдир орқамни артиб қўйишига ҳам муҳтож бўлишим аниқ.

Кўрсатув жума куни тунда эфирга узатилди. Уни Вашингтонда ёзув столи олдида ўтирган Тед Коппелнинг залварли овози бошлаб берди.

– Морри Швартс ким? Ва нима сабабдан оқшом якунига қадар кўпчилигингиз учақида яқин инсонингиздек қайғура бошлайсиз?

Вашингтондан минглаб чақирим узоқлиқда, тепалиқдаги уйимда одатдагидек каналларни алмаштириб ўтирадим. Телевизор қутисидан жаранглаган “Морри Швартс ким?” деган сўзларни эшитиб, қотиб қолдим.

1976 йилнинг баҳори, Морри бизга ўтган биринчи дарс. Моррининг кенг хонасига киришим билан девор бўйлаб жойлаштирилган жавонларнинг токчалари саноқсиз китобларга тўлиб ётгани диққатимни тортади. Жамиятшунослик, фалсафа, дин ва руҳшуносликка оид китоблар. Хонанинг паркет полига катта гилам тўшалган, деразадан кампус йўлаги кўриниб турибди. Синфда ўн иккитача талаба дарслар режаси ва дафтарларини титкилаб ўтиришибди. Кўпчилигининг устида жинси шим ва катакли фланел кўйлак, оёқларида эса малларанг пойабзал. Гуруҳдаги талабаларнинг ҳаммаси шу бўлса, дарс қолдираши осон бўлмайди, деган фикр хаёлимдан ўтади. Балки бу фандан воз кечганим яхшидир.

– Митчел, – дейди давомат варақасини ўқиётган Морри. Қўлимни кўтараман.

– Мич деб чақираверайми ёки Митчел яхшироқми?

Ҳали бирор марта ўқитувчилар менга бундай савол бермаган. Бўйни узун сариқ жемфер ва чийдухоба шим

кийиб олган, кумушранг соchlари пешонасига тушиб турған одамчага диққат билан тикиламан. Ужилмаяди.

– Мич, – деб жавоб қайтараман. – Дүстларим мени шундай чақиради.

– Майли, Мич бўлақолсин унда, – дейди Морри гўёки келишувни якунлаётган кишидек. – Айтганча, Мич?

– Лаббай?

– Бирор кун мени ҳам дўст деб биласан деган умиддаман.

## Учрашув

**Б**остон ташқарисида жойлашган сокин ғарбий Ньютон шаҳарчасида ижарага олинган машинани Моррининг кўчасига бурар эканман, бир қўлимда қаҳва финжонини тутиб, қулоқ ва елкам орасига эса қўл телефонимни қистириб олгандим. Телефон орқали продюсер билан телевидение учун биргаликда тайёрлаётган кўрсатувимиз ҳақида гаплашаётгандим. Бир кўзим машинанинг рақамли соатида (бир неча соатдан кейин ортга учишим зарур эди), иккинчиси эса икки четига қатор дараҳтлар экилган кўча бўйлаб тизилган почта қутиларининг рақамларида эди. Машина радиоси янгиликлар тўлқинига созланганди. Ҳаётим шу тарзда кечарди: бир вақтнинг ўзида бешта ишни бажаардим.

— Тасмани орқага айлантир, — дедим продюсерга. — Шу қисмини яна бир эшишиб кўришим керак.

— Ҳозир, — жавоб берди у. — Бир сония.

Кутилмаганда Моррининг уйига етиб келганимни англадим. Тормозни кескин босдим ва тиззамга қаҳва тўкилди. Машина тўхтарэкан, баланд қизил заранг дарахти ва унинг яқинидаги йўлақда ўтирган уч кишига кўзим тушди. Ёш йигитча ва ўрта ёшлардаги аёл ногиронлар аравачасидаги қариянинг икки ёнида ўтиришарди. Морри.

Нигоҳим кекса профессоримга тушиши билан музлаб қолдим.

— Алло? — қулоғимда продюсернинг овози жарангларди. — Қаерга йўқолиб қолдинг?

Уни ўн олти йилдан бери кўрмагандим. Юзлари сўлғин, соchlари сийраклашиб, оқлари кўпайибди. Бирданига ҳали у билан учрашишга тайёр эмаслигимни

англадим. Биринчидан, телефондаги ишимни ҳал қилишим зарур эди. Иккинчидан, Морри келганимни сезмади деган умидда шу атрофдаги маҳаллада бир-икки айланиш қилиб, ишларимни битириб олмоқчи, баҳонада, учрашувга руҳан тайёргарлик кўрмоқчи эдим. Бироқ Морри – мен бир вақтлар яқиндан таниган одамнинг сўниб бораётган нусхаси машинага қараб жилмаяр, қовуштирилган қўлларини тиззасига қўйиб, машинадан чиқишимни кутарди.

– Ҳой? – чақириди продюсер яна. – Шу ердамисан?

Бирга ўтган дамларимиз, ёш пайтим Моррининг менга кўрсатган меҳри ва яхшиликлари ҳурмати учун ҳам телефонни ўчириб, машинадан чиқишим, югуриб бориб қучоқлашиб кўришишим керак эди. Бунинг ўрнига эса моторни ўчириб, худди ниманидир излаётгандек ўриндиқ остига энгашдим.

– Ҳа, ҳа, шу ердаман, – шивирладим мен ва то ишимиз якунланмагунча продюсер билан гаплашишда давом этдим.

Яна охирги йилларда уста бўлиб кетган ҳунаримни кўрсатдим: ишимни ҳамма нарсадан устун қўйдим, ҳатто умри тугаб бораётган профессоримнинг майсазорда мени интизор кутиб тургани ҳам мени бундан қайтара олмади. Ҳозир бу қилмишимдан жуда уяламан, албатта, лекин ўша куни ўзимни айнан шундай тутдим.

Беш дақиқалардан сўнг, Морри мени қучоқлаб кўришаётганди, унинг сийраклашиб қолган соchlари юзимга тегиб турарди. “Тушиб кетган калитимни қидираётгандим, шунга машинадан чиқишим қийин бўлди” деб айтдим ва уни маҳкамроқ бағримга босдим, худди шу билан кичкина ёлғонимни эзғилаб ташлай оладигандек. Баҳор қуёши илиқ нур таратиб турган бўлса ҳам, Морри устига енгил куртка кийиб, оёқларини ёпинчиқ билан ўраб олганди. Ундан бироз ачимсиқ ҳид келарди, одатда, куни дори-укол билан ўтаётган кишилардан

шундай ҳид тараплади. Юзи юзимга яқын келганида үнинг нафас олиши ҳам қийинлашиб қолганини сездим.

· — Қадрдон дўстим, — шивирлади у. — Ва ниҳоят қайтдинг-а!

Морри томон эгилиб туарканман, у мени ҳеч қўйиб юборгиси келмас, билакларимдан тутиб оҳиста чайқаларди. Шунча йиллар ўтиб кетган бўлса ҳам профессорнинг мени бунчалик илиқ қарши олишидан бироз шошиб қолдим: ўтмишим ва ҳозирим ўртасига қурилган тош девор туфайли бир пайтлар қанчалик яқин бўлганимизни бутунлай унтиб юборгандим. Битирув оқшоми, чарм портфель, хайрлашаётганимизда үнинг кўзлари ёшлангани ёдимга тушди ва бўғзимга нимадир тиқилгандек ютиниб қўйдим, чунки мен ортиқ у билган содда, иқтидорли талаба йигитча эмаслигимни ичимдан ҳис этиб турардим.

Яқин бир неча соат ичидаги ўзгариб кетганимни пайқамайди, деб умид қиласардим.

Уйга киргач овқатланиш хонасидаги ёнғоқ дараҳтидан бўлган стол ёнига ўтирдик. Деразадан қўшнининг уйи кўриниб турибди. Морри аравачасида типирчилаб, қулайроқ жойлашиб олишга уринди. Одатдагидек у мени таом билан сийламоқчи бўлди, рад этолмадим. Ёрдамчиларидан бири, Конни исмли бақувват итальян аёл нонни кесиб, помидор тўғраб берди. Бир нечта идишда товуқли салат, хумус ва табули келтирди. Кейин эса бир қанча ҳапдориларни олиб келди.

Морри дориларга қараб, чуқур хўрсинди. Унинг кўзлари анча чўккани, озиб кетганидан ёноқ суяклари бўртиб қолгани эътиборимни тортди. Бу ўзгаришлар уни янада қарироқ ва дағалроқ қилиб кўрсатарди. Фақат у табассум қилганида осилиб қолган ёноқлари пардадек йиғилиб, дағаллик қаергадир йўқоларди.

— Мич, — деди у. — Ўлаётганимдан хабаринг бор, деб ўйлайман.

Албатта, бундан бохабар эдим.

– Нима ҳам дердим, – Морри ҳапдориларни ютиб, қоғоз стаканни столга қўйди ва чуқур тин олди. – Сенга бу ҳақида гапириб берайми?

– Нима ҳақида? Ўлиш қандайлиги ҳақидами?

– Ҳа, – деди у.

Шу тарзда профессор билан сўнгги фандан дарсларимиз бошланган, фақат ҳали мен бундан бехабар эдим.

*Университетда биринчи курсман. Моррининг ёши университетимиз профессорларининг кўпчилигиникидан улуғроқ, меники эса мактабни бир йил эртароқ битирганим учун курсдошларимни кидан кичикроқ. Ёшимни яшириш мақсадида эски кулранг жемферлар кияман, спортзалда бокс билан шуғулланаман, чекмасам-да, доим лабимга ёқилмаган сигарет қистириб юраман. Тўкилиб қолган “Меркурий Кугар” машинамнинг ойналарини тушириб, мусиқани баланд қўйиб ҳайдайман. Мен ўзлигимни дағалликдан изласамда, Моррининг юмшоқфөълилиги мени ўзига тортади. У менга ёш боладек муносабатда бўлмагани учунми, унинг ёнида ўзимни хотиржам сезаман: каттароқ кўринишга уринмайман.*

У бизга дарс берган фан ниҳоясига етгач, мен яна у дарс берадиган бошқа фанга ёзиламан. Морридан баҳо олиш осон, чунки баллар уни қизиқтирмайди. Айтишларича, у бир йили – Ветнам уруши даврида барча эркак талабаларга А(аъло) баҳо қўйиб, уларни армия чақирувидан қутқариб қолган экан.

Мен Моррига “Мураббий” деб мурожаат қила бошладим, мактабда жисмоний тарбия ўқитувчимни шундай чақирадим. Моррига бу лақаб ёқди.

– Мураббий – тақрорлайди у. – Нима ҳам дердим, энди мураббийинг бўламан. Сен эса менинг ўйинчим бўласан. Ҳаётнинг мен қарилек қиласиган мўъжизакор

жабҳаларида ўрнимга тўп суришинг мумкин.

Баъзида университет ошхонасида бирга овқатланамиз. Моррининг мендан баттар қўполлиги кўнглимга таскин беради. У чайнашни ўрнига жағи тинмай гапиради, оғзини катта-катта очиб қулади, тухумли салатга тўла оғзи билан жўшқин нутқлар сўзлайди, бу пайтда тишлари орасидан сарғиши тухум бўйлакчалари ҳар ёққа сочилаётганига заррача эътибор берса қани.

Унинг бу қиликлари жуда ғашимни келтиради. Танишганимиздан бери мени нуқул икки истак таъқиб қиласди: уни қучоқлаб олиш ва қўлига сочиқча тутқазиши.

## Синфхона

**О**вқатланиш хонаси деразасидан тушаётган қүёш нурлари паркет полни ёритиб турарди. Биз деярли икки соатдан бери суҳбатлашаётгандик. Телефон қайтакайта жиринглади ва Морри ёрдамчиси Коннидан гўшакни кўтаришини сўради. У Моррининг қора рангли кичик учрашув қайдлари дафтарчасига қўнғироқ қилувчиларнинг исмларини ёзаётганди. Дўстлари. Медитация мураббийлари. Муҳокама гуруҳи. Унинг суратини журналида чиқармоқчи бўлган мухбир. Кекса профессоримдан хабар олишга ошиқаётган битта мен эмаслигим аён бўлди: “Тунги хабарлар”даги суҳбат уни машҳур қилиб юборганди. Бироқ Моррининг бунчалик сердўстлиги мени ҳайратга солди, балки бироз ҳасад ҳам қилгандирман. Талабалик йилларимизда атрофимда гирдикапалак бўлган “ошна”ларимни эсладим. Қани ҳозир улар?

- Биласанми, Мич, ўлим тўшагига михланганимдан бери одамлар менга кўпроқ қизиқиш билдириб қолди.
- Сиз ҳар доим қизиқарли инсон бўлгансиз.
- О, – жилмайди Морри. – Жуда илтифотлисан. “Ҳечам илтифотли эмасман”, хаёлимдан ўтказдим.
- Гап шундаки, – давом этди Морри, – одамлар менга кўприк сифатида қарашади. Ҳозирги аҳволимда мени тирик деб аташ қийин, лекин ҳали ўлганим ҳам йўқ. На у ёқлик ва на бу ёқликман.

Уни йўтал тутди, сўнг яна юзига табассум югурди.

- Мен буюк сафарга отландим, одамлар эса сўнгги йўлга нималарни ҳозирлаш зарурлигини айтиб кетишимни кутишяпти.

Яна телефон жиринглади.

- Морри, гаплаша оласизми, — сўради Конни.
- Бандман, эски қадрдоним мени кўргани келган, — таъкидлади у, — кейинроқ қўнғироқ қилишсин.

У мени бунчалик илиқ кутиб олганининг сабаби менга қоронғи. Уни ўн олти йил олдин тарқ этган истиқболи порлоқ талабадан асар ҳам қолмаган. “Тунги хабарлар” кўрсатуви бўлмаганида Морри мен билан қайта кўришмасдан ўлиб кетган бўлармиди? Ўзимни оқлаш учун замонамизнинг барча вакиллари келтириши мумкин бўлган ягона баҳона бор эди: ўзимнинг ҳам ташвишларим бошимдан ошиб-тошиб ётганди. Жуда банд эдим.

“Менга нима бўлди?”, дея савол бердим ўзимга. Моррининг баланд ва бўғиқ овози мени бойлар – золим, кўйлак ва бўйинбоғ – қамоқхона лиbosлари, тонгда ўрнингдан тургач мотоциклда юзингни шамолга тутиб, Париж кўчалари бўйлаб учиш ёки Тибетга йўл олиш эркинлигидан мосуво ҳаёт ҳаёт эмас, деб юрган талабалик йилларимга қайтарди. Менга нима бўлди?

Саксонинчи йиллар келди. Кейин тўқсонинчи йиллар. Ўлим ва хасталик нималигини кўрдим, семирдим, соchlарим тўқила бошлади. Саноқсиз орзуларимни каттароқ маошга алмашдим, қизифи, нималардан воз кечаетганимни англаб етганим ҳам йўқ. Ёнимда ўтирган Морри эса гўёки мен узоқ таътилдан қайтгандек, ҳали ҳам университет йилларидаидек дунёга ҳайрат билан боқарди.

— Қалбингни тортиқ қилишга арзирли инсонни топдингми? – сўради у. – Одамларга яхшилик қиляпсанми? Қалбинг хотиржамми? Қўлингдан келганича инсонийликка интиляпсанми?

Йиллар давомида ўзимни айнан шу саволлар устида чуқур бош қотиргандек кўрсатишга уриниб, ёлғон кетидан ёлғон қалаштиридим. Менга нима бўлди? Ҳеч қачон пул учун ишламайман, Тинчлик Корпусига қўшиламан, дунёning гўзал ва илҳомбахш ерларида ҳаёт кечираман,

деб ўзимга ваъда бергандим-ку.

Аслида эса, мана ўн йилдирки, фақат бир жойда – Детройтда ишлайман, фақат битта банк хизматларидан фойдаланаман ва фақат битта сартарошга қатнайман. Ёшим ўттиз еттида; компьютер, модем ва мобил телефонлар асирига айланганман, меҳнат самарадорлигим университет давридагидан кўра анча юқори. Мен каби кишиларни назарига ҳам илмайдиган бадавлат спортчилар ҳақида мақолалар ёзаман. Энди ёшим атрофимдагилардан кичик ҳам эмас, ортиқ қулранг жемферлар кийиб олиб, ёқилмаган сигаретни лабимга қистириш орқали каттароқ кўринишга уринмайман ҳам. Тухум салатли сендвич танаввул қилиш баҳонасида ҳаёт мазмуни ҳақида охири йўқ муҳокамаларга киришмайман.

Иш кўплигидан нафас олишга ҳам вақтим бўлмасада, негадир ҳаётдан қониқмаслик ҳисси мени таъқиб қиласкеради.

Менга нима бўлди?

– Мураббий, – деб юбордим беихтиёр унинг эски лақаби ёдимга тушиб.

Моррининг юзига нур югурди.

– Шундай. Мен ҳали ҳам мураббийингман.

У жилмайиб қўйди ва қирқ дақиқа олдин бошлаган таомини ейишда давом этди. Мен унинг овқатланишини томоша қилдим: қўллари шу қадар эҳтиёткорона ҳаракатланардики, кўрган киши Морри эндинга қўлларидан фойдаланишини ўрганяпти деб ўйларди. У пичноқни маҳкам тута олмасди: бармоқлари қалтиради. Ҳар бир тишлам унинг учун бутун бир кураш эди: ютишдан олдин луқмасини майдалаб чайнарди. Баъзан чайнагани оғиз четларидан оқиб тушар, у эса сочиқча билан лабини артиш учун қўлидагини қўйишга мажбур бўларди. Териси билагидан муштигача қариллик доғлари билан қопланган ва шўрвадаги товуқнинг терисидек осилиб қолганди.

Биз – хаста қария ва ёш, соғлом эркак бироз муддат

хона сукунатига ғарқ бўлиб, шу тахлит овқатландик. Хонадаги жимлик ўнғайсиз эди, лекин бу ўнғайсизликни фақат мен ҳис қилаётгандек эдим.

— Ўлим, — деди тўсатдан Морри, — қайғу чекишга арзигулик ягона нарса, Мич. Бахтсиз ҳаёт кечириш умуман бошқа масала. Мендан хабар олгани келганларнинг кўпчилиги бахтсиз.

— Нега?

— Хўш, биринчидан, мавжуд қарашларимиз одамларга ўзларидан қониқиш ҳосил қилиш имконини бермайди. Биз ёшларга янгиш қадриятларни сингдирамиз. Жамиятда мавжуд қарашлар ҳаётингни заҳарласа, уларга амал қилма, дейиш учун жасорат керак. Бундай ҳолларда ўз қарашларингни ярат. Бу нарса аксарият кишиларнинг қўлидан келмайди. Улар мендан ҳам бахтсизроқ, ҳаттоқи ҳозирги аҳволимда ҳам. Мен ўлаётган бўлишим мумкинdir, лекин мени яхши кўрадиган, меҳрибон яқинларим ёнимда. Бундай дея оладиганларнинг сони нечта деб ўйлайсан?

Мен унинг заррача ҳам ўзига ачинмаётганидан лол қолдим. Рақс тушиш, сузиш, ювиниш ва ҳаттоқи юриш баҳтидан мосуво Морри; эшиги тақилласа, бориб жавоб бера олмайдиган, ювиниб чиққач, артинишни эплай олмайдиган, ётоқда мустақил бошқа томонга ўгирилиб ётишга ҳам ярамайдиган Морри. Қандай қилиб шунча нарсани бу қадар хотиржам қабул қилиш мумкин? Унинг санчкини зўрға ишлатаётганини кузатдим: помидор бўлагини олишга уринди, дастлабки икки уринишда ўддасидан чиқа олмади — қандай ачинарли ҳолат. Шунга қарамасдан, Моррининг ёнимда эканлиги, худди талабалик йилларимдагидек, менга қандайдир осойишталик баҳш этганини инкор этолмайман.

Қўл соатимга кўз ташладим, тарки одат — амри маҳол, жўнаш вақтим яқинлашиб қолганди, уйга қайтиш парвозим вақтини ўзгартиришимга тўғри келади, менимча.

– Биласанми, мен қандай ўламан? – сўради у.

Унга ҳайратланиб қарадим.

– Бўғилиб ўламан. Кўксов туфайли ўпкам хасталикка дош беролмайди. ALS тобора юқорилаб боряпти. Аллақачон оёқларимни ишдан чиқарган. У тез орада билакларим ва қўлларимга етиб келади ва навбат ўпкамга келганида, – елка қисиб кўйди у, – умрим ниҳоясига етади.

Унга нима дейишни билмасдим.

– Биласизми... Олдиндан бирор нарса деб бўлмайди, – дедим каловланиб.

Морри кўзларини юмди.

– Мен биламан, Мич. Лекин сен қўрқма. Яхши умр кечирдим, ўлим ҳақлигини эса ҳаммамиз биламиз. Яна тўрт-беш ойча вақтим қолган бўлса керак.

– Қўйсангиз-чи, – дедим асабийлашиб, – Ҳеч ким аниғини билмайди...

– Мен биламан, – майин овозда жавоб қайтарди Морри. – Буни аниқлаш мумкин бўлган кичик тест ҳам бор. Менга шифокор кўрсатганди.

– Тест?

– Бир неча марта нафас ол.

Унинг айтганини бажардим.

– Яна бир марта нафас ол, фақат бу сафар нафас чиқараётганингда яна нафас олишдан олдин үлгурганингча сана.

Нафас чиқарар эканман, тез санай бошладим.

– Бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз...

Нафасим тугашидан аввал етмишгacha санашга үлгурдим.

– Яхши, – деди Морри. – Ўпканг соғлом. Энди мени кузат.

У нафас олди ва паст, қалтироқ овозда санай бошлади.

– Бир, икки, уч, тўрт, беш, олти, етти, саккиз, тўққиз, ўн, ўн бир, ўн икки, ўн уч, ўн тўрт, ўн беш, ўн олти, ўн етти, ўн саккиз...

Шундан сўнг тўхтаб, ютоқиб нафас олди.

– Шифокор биринчи марта бу машқни қилишимни сўраганида, йигирма учгача санаган эдим. Ҳозир эса ўн саккизгача. – У кўзини юмди ва бош чайқади. – Ёниғи баким деярли бўшаб қолган.

Асабларим таранглашганидан сонимга муштладим. Кўрганларим бир кун учун етарли эди.

Морри билан қучоқлашиб хайрлашдим.

– Кекса профессорингни яна кўргани кел.

Охирги хайрлашувимизда берган шу каби ваъдамни эсламасликка ҳаракат қилиб, ундан яна хабар олгани келишга сўз бердим.

*Морри* бизга ўқишни буюрган китобларни университетдаги китоб дўйконидан хариd қиламан. Авваллари мен мавжудлигини ҳам билмаган китобларни сотиб оламан: “Ёшлиқ: шахсият ва инқироз”, “Мен ва сен”, “Шахснинг иккиланиши”.

Университетга киришдан олдин инсон муносабатларини ўрганиш алоҳида фан ҳисобланиси мумкинлигини тасаввуримга ҳам сифдира олмасдим. Моррини учратгунимча, бундай нарсаларга ишонмасдим.

Унинг китобларга бўлган иштиёқи шу қадар чексизки, юқтириб олмасликни иложи йўқ. Баъзан дарсдан кейин, синфхона бўшагач жиҳдий сухбатга киришамиз. У менга ҳаётим тўғрисида саволлар беради, кейин эса Эрих Фромм, Мартин Бубер, Эрик Эриксондан иқтибослар келтиради. Маслаҳат берар экан, ўзи ҳам айнан шундай фикрдалиги аниқ бўлса-да, кўп ҳолларда уларнинг фикрларини келтириб ўтади. Айнан шу лаҳзаларда мен унинг шунчаки “амаки” эмас, ҳақиқий профессор эканлигини тушуниб етганман. Кунларнинг бирида менинг ёшимда жамият мендан нималарни кутиши ва ўзим нимани хоҳлашимни аниқ фарқлаб олиш қийинлигидан шикоят қилдим.

– Сенга қарама-қаршиликлар тортишуви ҳақида

айтганинми? – сўради у.

– Қарама-қаршиликлар тортшуви?

– Ҳаёт тортшувлар кетма-кетлигидан иборат: гоҳ олдинга, гоҳ орқага. Сен ниманидир қилишни хоҳлайсан, лекин бутунлай бошқа нарсани қилишга тўғри келади. Ўзинг учун мутлақо безарар деб ўйлаган нарсанг сени жароҳатлайди. Ҳеч нарса ўз-ўзидан бўлмаслигини билсанг ҳам маълум нарсаларга улар бор бўлиши шартдек қарайсан. Қарама-қаршиликлар тортшуви резина боғични таранг тортганингдаги ҳолатга ўхшайди. Кўпчилигимиз эса шу боғичнинг ўртасида яшаймиз.

– Кураш мусобақасини эслатаркан, – дейман мен.

– Кураш мусобақаси, – кулади у. – Ҳа, ҳаётни шундай тасвирласа ҳам бўлади.

– Хўш, бу курашда ким ғолиб чиқади? – сўрайман мен.

– Ким ғолиб чиқади? – жилмаяди у эгри тишларини кўрсатиб. Кўзлари атрофидаги ажинлар йиғилади. – Муҳаббат ғолиб чиқади. Ҳар доим муҳаббат ғалаба қозонади.

## Давомат

**Б**ир неча ҳафтадан сўнг Лондонга учдим. Уимблдон турнирини ёритиб боришим керак эди. Дунёнинг энг нуфузли теннис мусобақаси – томошабинлар ўйинчиларнинг руҳини тушириш учун бақирмайдиган ва автотураргоҳда маст-аласт юрмайдиган кам сонли тадбирлардан бири. Бундай тадбирларни кам учратаман.

Англияда ҳаво илиқ ва булутли эди, ҳар тонг теннис кортларигаяқиникчиетиқатордаражатлар билан қолланган кўча бўйлаб сайрга чиқардим. Йўлимда сотилмай қолган чипталар учун навбатда турган ўсмиirlар, қаймоқ ва қулупнай сотиб юрган чайқовчиларга дуч келардим. Дарвоза ёнига илинган янгиликлар пештахтасида ярим-яланғоч аёлларнинг расмлари, қироллик оиласининг папаратсилар олган суратлари, мунажжимлар башорати, спорт хабарлари, лотерея ўйинлари ва оз-моз ҳақиқий янгиликлар ҳам чоп этилган бир қанча сариқ матбуот рўзномалари сотиларди. Куннинг энг муҳим янгилиги янги келтирилган газеталар тахламига суюб қўйилган кичик бўрдоскага ёзиб қўйилар ва одатда: “Диана ва Чарльз жанжали!” ёки “Газза жамоасига: менга миллионлар керак!” каби сарлавҳалардан иборат бўларди.

Одамлар мазкур рўзномаларни тезда битта қолдирмай сотиб олишар, уларда берилган ғийбатларни мароқ билан ўқишар эди; олдинги Англия сафарларида мен ҳам ҳеч улардан қолишмасдим. Энди эса ҳар гал бирор аҳмоқона ёки енгил-елпи хабарни ўқиганимда, негадир Морри ёдимга тушарди. Хаёлимда у ҳовлисида қизил заранг дараҳти қад кўтариб турган паркет полли уйда нафасини ‘санаб, қолган ҳар бир дақиқасини яқинлари даврасида ўтказаётган ҳолда гавдаланарди. Мен эса бу пайтда

соатлаб вақтимни ўзим үчүн заррача аҳамияти бўлмаган нарсаларга совурадим: кино юлдузлари, супермоделлар, Жон Кеннедининг ўғли, Мадонна ёки Малика Ди ҳаётидаги сўнгги можаролар. Қанчалик ғалати туолмасин, Моррининг вақти тобора камайиб бораётганига ачинсамда, у бу вақтни мендан кўра мазмунлироқ ўтказаётганига ҳасад қиласардим.

Нега биз вақтимизни бундай бемаъни хабарларга сарфлаймиз? Ўша пайтда АҚШда О. Ж. Симпсон устидан бораётган суд жараёни айни қизғин паллага келган, аксарият кишилар тушликка ажратилган соатларини тўлалигича мазкур жараённи томоша қилишга совуравар, улгурмай қолган қисмини эса тунда кўриш мақсадида тасмага ёзиб оларди. Уларнинг ҳеч бири О. Ж. Симпсон билан таниш эмасди. Суд ишига алоқадор кишилар билан ҳам. Аммо улар барибир бошқа бирорвнинг фожиасига муқкасидан кетиб, кунлаб, ҳафталаб умрини қурбон қиласарди.

Моррининг охирги суҳбатимизда айтганлари ёдимга тушди: “*Мавжуд қарашларимиз одамларга ўзларидан қониқиши ҳосил қилиш имконини бермайди. Жамиятда мавжуд қарашлар ҳаётингни заҳарласа, уларга амал қилма, дейиш учун жасорат керак*”.

Шу сўзларга амал қилган Морри хасталикка чалинишидан анча олдин ўз қарашларини яратган эди. Мұхокама гурухлари, дўстлар билан сайргачиқиши, Ҳарвард майдонидаги черковда ўз мусиқасига рақс тушиш. Морри ночор одамларга бепул руҳий хасталикларни даволаш хизматларини кўрсатувчи “Иссиқхона” номли лойиҳага асос солганди. У дарслари учун янги ғоялар топиш мақсадида китоблар ўқир, ҳамкаслари билан учрашар, собиқ талабалари билан хабарлашиб турар, узокдаги дўстлари билан хат ёзишар эди. У бир дақиқасини ҳам телесериаллар ёки “Ҳафта фильмлари” томошасига совурмас, бўш вақтини кўпроқ овқат ва табиатдан баҳра

олишга сарфларди. Морри суҳбат, мулоқот ва меҳроқибатдан иборат машғулотлар тўпламини яратган ва шу билан унинг ҳаёти шўрвага лиммо-лим тўла косадек тўлиб турарди.

Мен ҳам ўз қадриятимни яратгандим: иш. Фокус кўрсатаётган масхарабоз каби Англияда матбуот учун бир вақтнинг ўзида тўрт-бешта вазифани бажаардим. Ҳикояларимни АҚШга юбориш учун ҳар куни саккиз соат вақтимни компьютер олдида ўтказардим. Бундан ташқари, телевидение учун репортажлар тайёрлаш мақсадида суратга олиш гуруҳи билан Лондоннинг турли қисмларини кезардим. Шунингдек, ҳар куни тонгда ва тушдан кейин телефон орқали радио репортажларда иштирок этардим. Шундай суръатда ишлашга кўнишиб қолгандим. Йиллар давомида иш менинг энг яқин ҳамроҳимга айланган, ишдан бошқа барча нарсани бир четга суриб қўйгандим.

Уимблдонда пайтим миттигина ёғочли иш кабинамда овқатланар ва буни табиийдек қабул қиласардим. Ўта тиғиз күнларнинг бирида, бир тўда мухбирлар Андре Агассе ва унинг машҳур маъшуқаси Брук Шилдс ортидан қувиб кетаётганимизда, бўйнига катта фотоаппарат осиб олган инглиз мухбирларидан бири мени туртиб юборди – ерга қуладим. У эса зўрға “кечирасиз” дейишга улгуurar-улгурмас, ҳаллослаб йўлида давом этди. Ўшанда Моррининг бошқа бир гапи ёдимга тушди: “*Қанчадан-қанча кишилар мазмунсиз ҳаёт кечиради. Улар ҳатто ўзлари мұхим деб ўйлаган машғулотларни ҳам мудроқ ҳолатда бажараётгандек туюлади. Чунки улар янгилиш нарсалар ортидан қувишади. Ҳаётингга мазмун олиб кириш учун ўзингни бошқаларга меҳр бериш, жамиятга ҳисса қўшиш ҳамда сенга мақсад ва мазмун тақдим этувчи ниманидир яратишга бағишилашинг керак*”.

Унинг ҳақ эканини билардим. Лекин амал қилмасанг, билганингдан нима наф?

Турнир охирига етди, у билан бирга мени оёқда

тутиб турган туганмас қаҳвахўрлик ҳам ниҳоясига етди. Компьютеримни ёпдим, иш кабинамни тозалаб, нарсаларимни кетишга ҳозирлаш учун хонамга қайтдим. Жуда кеч бўлиб қолганди. Ҳатто телевидение дастурларининг узатилиш вақти ҳам тугаганди.

Детройтга учдим, кун охирлаганда қўндинк, зўрға уйимга етиб олдим ва ухлашга ётдим. Уйғонганимда мени қарши олган янгиликдан эсанкираб қолдим: мен ишлайдиган газетанинг касаба уюшмаси аъзолари иш ташлаш эълон қилибди. Ишхона ёпилганди. Асосий кириш эшигининг олди пикетчилар билан тўлган, намойишчилар кўчанинг у бошидан бу бошига юриб, ўз норозиликларини билдиришшайтганди. Касаба уюшмаси аъзоси бўлганим учун ўзга чорам йўқ эди: кутилмаганда, умримда биринчи марта ишсиз, маошсиз ва иш берувчиларимга қарши кураш ҳолатида қолиб кетгандим. Собиқ муҳаррирларимнинг аксарияти билан дўст эдим. Касаба уюшмаси етакчилари уйимга қўнғироқ қилиб, улар билан ҳеч қандай мулоқотга киришмаслигимни, бирортаси мен билан алоқага чиқиб, муроса қилишга уринса, гўшакни қўйиб қўйишим кераклигини уқтиришди.

— Ғалаба қозонгунимизча курашамиз! — худди аскарлардек қасамёд қилишди касаба уюшмаси етакчилари.

Саросима ва тушкунлик ичидаги қолдим. Радио ва телевидениедаги ишларим яхшигина қўшимча даромад келтирса-да, газета мен учун ҳаёт манбаи, сув ва ҳаводек муҳим эди. Ҳар тонг нашрдан чиқсан мақолаларимни кўришим ҳеч бўлмаганда бир жабҳада тирик эканимни билдириб турарди.

Энди эса ундан маҳрум бўлдим. Биринчи кун ўтди, кейин иккинчи, учинчи кун... Иш ташлаш давом этаркан, у ойлаб чўзилиши мумкинлиги ҳақида хавотирли қўнғироқлар бўлар, турли миш-мишлар юарди. Ҳаётим остин-устун бўлиб кетди. Ҳар оқшом спорт тадбирлари

үтказиларди, одатда үларни ёритиб бориш учун ҳеч биридан қолмасдим. Энди эса уйда ўтириб, үларни телевизорда томоша қилардим. Ўқувчилар менинг мақола ва репортажларимга муҳтож деган хаёл миямга ўрнашиб қолганди. Ҳаёт менсиз ҳам бир маромда давом этаётгани тасаввуримга сиғмасди.

Бир ҳафтадан сўнг телефонни олиб, Моррига сим қоқдим. Конни уни телефон ёнига олиб келди.

– Мени кўргани келяпсан? – деди у.

Унинг гапи саволдан кўра, кўпроқ тасдиқ оҳангидা янгради.

– Ҳа. Борсам майлимми?

– Хўп, сесланба кунига нима дейсан?

– Сесланба тўғри келади, – жавоб қайтардим мен. – Сесланба мен учун ҳам қулай.

*Иккинчи курсда у дарс берадиган яна иккита фанга қатнаша бошладим. Вақти-вақти билан шунчаки сұхбат қуриш учун синфхонадан ташқарида ҳам учрашадиган бўлдик. Авваллари қариндошим бўлмаган катта ёшли кишилар билан ҳеч қачон бирор ерда ўтирмаганман, шундай бўлса-да, Морри билан бирор ерга боришдан тортинмайман, у ҳам вақт ажратишга оғринмайди.*

– Бугун қаерга борамиз? – қувноқ овозда сўрайди у оғисига киришим билан.

*Баҳорда Жамиятшунослик факультети биносининг ташқарисидаги дараҳтлар остида ўтирамиз, қишини эса унинг кабинетидаги ёзув столи ёнида ўтказамиз – мен кулранг жемфер ва “Адидас” кроссовкада, у эса Рокпорт чарм пойабзали ва чийдухоба шимда. Ҳар галги сұхбатимизда у менинг бир боғдан, бир тоғдан келиб, алланималарни вайсашиб қулоқ тутади, кейин эса менга ҳаётий тажрибаларидан сабоқ беришга уринади. Университетда кенг тарқалган қарашларга қарши ўлароқ, пул ҳаётда энг муҳим нарса эмаслигини*

үқтиради. "Том маңнодаги инсонийлик"ка интилишим зарурлигини айтади. У ёшларнинг ўз қобигига ўралиб олишга мойиллиги ҳамда инсон жамиятга "қўшилиб" яшашга эҳтиёжманд экани ҳақида гапиради. Унинг айтганларидан айримларини тушунаман, айримларини эса йўқ. Лекин бу аҳамиятсиз. Суҳбатларимиз мен учун Morri билан гаплашишга бир баҳона. Ҳуқуқшунос бўлишивимни истаган дадам билан Morri каби отаболадек суҳбат қура олмайман.

*Морри ҳуқуқшуносларни хушламайди.*

— Ўқишни тамомлаганингдан кейин нима қилимоқчисан? — сўрайди у.

— Мусиқачи бўлишини хоҳлайман, — жавоб қайтараман мен. — Пианиночи.

— Ажойиб, — дейди у, — лекин мاشаққатли йўлни танлабсан.

— Ҳа.

— Наҳанглари кўп.

— Мен ҳам шундай деб эшиштганман.

— Лекин барибир, — давом этади у, — буни чин дилдан хоҳласанг, орзуйингни амалга ошира оласан.

Бу сўзлари учун уни бағримга босиб, миннатдорчилик билдиргим келади, лекин табиатан тортинчоқман. Шунчаки, бош ирғаб қўяқоламан.

— Гаров ўйнашим мумкин, сен пианинони завқ-шавқ билан чаласан, — дейди у.

*Мен куламан:*

— Завқ-шавқ?

*У ҳам жилмаяди:*

— Ҳа, завқ-шавқ билан. Нима бўпти? Ҳозир ҳеч ким бу сўзни ишлатмайдими?

## Биринчи сешанба: борлик ҳақида суҳбатлашамиз

**К**онни эшикни очиб, мени ичкарига таклиф қилди. Морри ошхона столи ёнида ногиронлар аравачасида ўтирас, кенг пахта кўйлак ва ундан ҳам кенгроқ иштон кийиб олганди. Моррининг оёқлари қуриб, сони икки кафт ичига сиғадиган даражада озиб кетганлиги сабабли унинг иштони ҳаддан ташқари кенг бўлиб кўринарди. Агар тик тура олганда эди, бўйи беш футдан ошмас, олтинчи синф боласининг жинси шими унга бемалол сиғган бўларди.

– Сизга бир нарса келтирдим, – жигарранг қофоз қопчани қўлимда тутганча эълон қилдим мен. Аэропортдан келишимда йўл ёқасидаги дўконда тўхтаб, бироз курка гўшти, картошка салат, макарон салат ва бир нечта кулча нон сотиб олгандим. Уйда етарлича озиқ-овқат борлигини билардим, шундай бўлса-да, нимадир ҳадя қилишни хоҳладим. Бошқа усулда ёрдам беришга ожиз эдим. Бундан ташқари, Моррининг овқатхўрлиги ҳам ёдимда эди.

– Эҳ-ҳе, шунча егулик, – Моррининг юзига хурсандчилик югурди. – Лекин энди буларни бирга ейишмасанг бўлмайди.

Атрофи тўқима курсилар билан ўралган ошхона столи ёнига ўтирдик. Бу сафар ўн олти йиллик айрилиқнинг ўрнини тўлдиришга эҳтиёж бўлмагани сабабли бир пасда университет давридаги мавзуларимиз мұҳокамасига шўнғидик. Морри менга саволлар беради, жавобларимни тинглайди ва ора-орада тўхтатиб, тажрибали ошпаз таом таъмини яхшилаш учун унга зиравор қўшгани каби мен айтишни эсдан чиқарган ёки менинг хаёлимга келмаган фикрлар билан мулоҳазаларимни тўлдириб туради. У нашриётимиздаги иш ташлаш ҳақида сўради

ва күтилганидек нима сабабдан иккала томон оддийгина мuloқотга киришиб, мұаммолосын ҳал қилиб құя қолмаслиги үнинг мантиғига сиғмасди. Үнга ҳамма ҳам у каби доно әмаслигини айтдим.

Вақти-вақти билан ҳожатхонага бориш үчүн танаффұс қилишимизга түғри келарди: бу жараён анчагина вақт оларди. Конни уни аравачасида ҳожатхонагача суриб борар, кейин туришга ёрдамлашиб, тувакқа ҳожатини чиқарғунча сүяб турарди. Ҳар сафар ҳожатхонадан қайтганда силласи қуригани күриниб турарди.

— Тед Коппелга яқын орада кимдир орқамни ҳам артиб қўйишига түғри келишини айтганим эсингдами? — сўради у.

Мен кулдим. Бундай гаплар осонликча эсдан чиқмайди.

— Хуллас, ўша кун яқинлашяпти. Шу нарса мени хавотирга солади.

— Нега?

— Чунки бу қарамликтининг яққол белгиси. Кимдир тагингни артиб қўйиши. Лекин буни устида ишляяпман. Шу жараёндан ҳам завқ олишга уриняпман.

— Завқ олишга?

— Ҳа. Бундоқ ўйлаб қарасам, яна болаликка қайтиш имконим бор экан.

— Бу жараёнга ўзгача нигоҳ билан қараш.

— Энди ҳаётга ўзгача нигоҳ билан боқишига мажбурман.

Тан олайлик: бозор-ўчарга чиқолмайман, түловларни амалга ошириш үчүн банкка боролмайман, чиқиндишларни ташлаб келишга ҳам ярамайман. Аммо шу ерда қолган кунларимни санаб, ҳаётда ўзим үчүн мұхим деб ўйлаган нарсаларимни күзатиб ўтириш қўлимдан келади. Бунинг үчүн менда сабаб ҳам бор, вақтим ҳам бемалол.

— Демак, — дедим мен ҳам жавобимда үнинг синиқ кайфиятини акс эттириб, — ҳаёт мазмунини топишнинг сири уйдаги чиқиндишларни ташқарига чиқармасликда

экан-да?

Унинг гапларимдан кулганини кўриб енгил тортдим.

Конни овқатдан бўшаган идишларни олиб чиқиб кетаркан, кўзим газеталар тўпламига тушди. Улар мен келишимдан олдин ўқилгани кўриниб турарди.

— Янгиликларни кузатиб борасизми? — сўрадим мен.

— Ҳа, — деди Морри. — Бу сенга ғалати туюляптими? Ўляпман деб дунёда нималар содир бўлаётганига қизиқмаслигим керакми?

— Балки.

У хўрсинди.

— Балки сен ҳақдирсан. Эҳтимол, бу нарсалар мени қизиқтирумаслиги керақдир. Бари бир улар қандай якун топишини кўришга улгурмасам. Лекин буни тушунтириш қийин, Мич. Ҳозир ўзим азоб чекаётганим учун бошқа азобланаётганларнинг дардини олдингиданда яхшироқ ҳис қиласман. Яқинда телевизордан Боснияда кўчани югуриб кесиб ўтәётган одамлар ўқقا тутилганини, ўлдирилганини кўрсатишиди. Бегуноҳ қурбонларни кўриб, кўзимга ёш келди. Улар чекаётган азоб-уқубатларни ўз бошимдан кечираётгандек ҳис қилдим. У одамларнинг ҳеч бирини танимайман. Аммо... Қандай тушунтиrsам экан? Мени...улар билан қандайдир ришта боғлаб тургандек туюлади.

Унинг кўзлари намланди, мен эса мавзуни ўзгартиришга уриндим, бироқ у юзини артиб, қўлини силтади.

— Салга йиғлайдиган бўлиб қолганман, — деди у. — Эътибор берма.

“Таажжуб” ичимда ўйлайман мен. Ўзим янгиликлар соҳасида ишлардим. Ўлганлар ҳақидаги воқеаларни ёритардим. Мотам тутаётган оила аъзолари билан суҳбатлашардим. Ҳатто дафн маросимларида ҳам иштирок этардим. Лекин ҳеч йиғламагандим. Морри эса дунёning нариги ярмида яшаётган инсонларнинг азобланишини

күриб күзёш түкаётганди. Қизиқ, одам умри охирлаганда шу ҳолатга тушиб қолармикан? Балки ўлим охир-оқибат мутлақо бегоналарни ҳам бир-бирига ачиниб, күзёш түқадиган қилиб құювчи үлкан лангарчүпдир.

Морри сочиқчага бурнини қоқди.

– Сен бу нарсани түғри тушунасан-а? Эрқаклар ҳам ииғлашини?

– Албатта, – деб жавоб қайтардим тезда.

У жилмайди.

– Эх Мич, мен билан күнгли бүш инсонга айланасан. Куни келиб ииғлаш оддий ҳолат эканини исботлайман сенга.

– Ҳа, ҳа, – дедим мен.

– Ҳа, ҳа, – деди у ҳам.

Иккимиз ҳам кулиб юбордик, чунки Моррининг йигирма йилча олдин шу гапни күп тақрорлаш одати бор эди. Асосан, сешанба күнлари. Аслида, сешанба ҳар доим биргалиқда ўтказадиган күнимиз бўлган. Моррининг мен қатнашган дарслари сешанбада бўларди, унинг қабул соатлари сешанба күнларига белгиланганди, ва ниҳоят, мен Морри тавсия қилган мавзуда диплом ишимни ёзаётганимда ҳам бошиданоқ Морри билан сешанба күнлари гоҳ унинг кабинетида, гоҳ университет ошхонасида, гоҳида эса Перлман Холл корпусининг зинапояларида бирга ўтириб мавзу устида ишлардик.

Шу сабабли ҳовлисида қизил заранг дарахти қад кўтарган уйдаги учрашувларимизни ҳам сешанбадан бошқа куни ўтказиб бўлмайдигандек туюларди. Кетишга ҳозирланаётib, Моррига шу ҳақида эслатдим.

– Биз сешанба одамларимиз, – деди у.

– Сешанба одамлари, – тақрорладим мен.

Морри жилмайди.

– Мич, сен ўзим танимаган инсонлар ҳақида ҳам қайғуришим тўғрисида сўрагандинг. Лекин шу хасталик туфайли ўзим англаб етган энг муҳим нарса нималигини

айтайми?

– Нима экан?

– Ҳаётда энг мұхым нарса – бу ўзгаларга мәхр үлашиш ва уни ўзинг ҳам қабул қилишни ўрганиш.

У овозини пастлатиб, шивирлаб гапини давом эттиреди.

– Мәхрни қабул қила билиш. Ўзимизни мәхр-мұхаббатға нолойик, деб ўйлаймиз; унга қалбимизни очсак, ўта күнгилчан бўлиб қоламиш, деб ўйлаймиз. Аммо Левин исмли бир доно киши тўғри айтган: “Мәхр-мұхаббат – бу ягона оқилона амал”.

Таъсирли чиқиши учун бир оз тин олиб, кейин яна такрорлади: “Мәхр-мұхаббат – бу ягона оқилона амал”.

Мен одобли талаба каби бош ирғаб, тасдиқладим ва у беҳолгина нафас чиқарди. Мен уни бағримга босиш учун эгилдим. Кейин эса ўзимга хос бўлмаган ишни қилиб, унинг юзидан ўпид қўйдим. Унинг сийраклашиб бораётган соқол-мўйлари юзимга ботиб, bemажол қўллари қўлларимга текканини ҳис қилдим.

– Демак, кейинги сесланба келасан-а? – шивирлаб сўради у.

У синфга кириб, бир сўз айтмасдан курсисига ўтиради. Индамай бизга қарайди, биз ҳам унга қараймиз. Аввалига бир-икки бурчакдан қиқирлаб кулган овоз эшишилади, бироқ Морри фақат елкасини учирашиб қўяди, холос. Охир-оқибат, синфи чуқур сукунат эгаллайди ва биз энг паст товушларни ҳам илғай бошлаймиз: хона бурчагидаги иситиш радиаторининг ғувиллаши, бақалоқ талабалардан бирининг пишиллаб нафас олиши.

Баъзиларимиз асабийлаша бошлаймиз. Қачон у бирор гап айтаркан? Типирчилаб, қўлсоатларимизни текширамиз. Баъзи талабалар ўзларини буларнинг барчасидан юқорироқ турадигандек тутиб, деразадан ташқарини томоша қиласди. Ўн беш дақиқача давом этган жимжитликдан сўнг Морри пичирлаб сукунатни бузади.

– Бу ерда нима бўляпти?

Секин-аста Морри кўзлаганидек сукунатнинг инсон муносабатларига таъсируни муҳокама қила бошлаймиз. Нега жимжитликтан хижолат чекамиз? Шовқин-сурон бизга қандай тасалли беради?

Сукунат менга халал бермайди. Дўстларим билан тинимсиз чуғурлашсам-да, одамлар олдида ҳистуйғуларим ҳақида гапиришдан тортинаман, айниқса, улар курсдошим бўлмаса. Агар дарсда шуталаб қилинса, мен соатлаб жимжитликда ўтиришиш мумкин.

Синфдан чиқаётганимда Морри мени тўхтатади.

– Бугун кам гапирдинг, – дейди у.

– Билмасам. Қўшимча қилишга арзирли фикр келмади.

– Менимча, сенда қўшимча қилишга фикрлар кўп. Ростини айтсан, менга ёшлигида сен каби ўйларини ичида сақлашни хуш кўрган бир кишини эслатасан, Мич.

– Кимни?

– Мени.

## Иккинчи сешанба: Ўз-ўзига ачиниш ҳақида сұхбатлашамиз

**К**ейинги сешанба яна Моррини күргани бордим. Ундан кейинги сешанба күнлари ҳам. Ушбу ташрифларни сиз ўйлаганингиздан-да күпроқ интиқиб кутардим, ўлаётган одамнинг бошида ўтириш учун ҳар ҳафта етти юз миль масофадан учиб борганимдан ҳам билиб олаверинг. Моррининг ёнидалигимда ўзимни бошқа даврга тушиб қолғандек ҳис қиласадим ва ўша даврдаги мен ўзимга күпроқ ёқарди. Аэропортдан манзилгача бўлган масофани босиб ўтишда фойдаланиш учун ижарага мобил телефон олишни тўхтатдим. “Керак бўлса, кутишади”, – таъкидлардим ўзимга, Моррига тақлид қилиб.

Детройтда нашриёт билан боғлиқ можаро тинчимади. Аксинча, янада авж олди. Иш ташловчилар ва уларнинг ўрнига ишга олинганлар ўртасида кескин тўқнашувлар содир бўла бошлади; юк машиналари қатновини тўсиб, йўлга ётиб олганлар калтакланар ва ҳибсга олинарди.

Шу воқеалар таъсири остида Морри билан ўтказилган учрашувларим менга инсон меҳри ёрдамида покланишдек туюларди. Биз ҳаёт ҳақида, муҳаббат ҳақида сұхбатлашардик. Моррининг севимли мавзуларидан бири – раҳмдиллик ва жамиятимизда унинг тақчиллиги сабаблари ҳақида ҳам сұхбатлашдик. Учинчи ташрифимдан олдин “Нон ва томоша” деб номланган дўконда тўхтаб ўтдим – Моррининг уйида уларнинг ёрлифи туширилган пакетларга кўзим тушганди. Морри уларнинг маҳсулотларини ёқтиrsa керак, деб ўйладим, – пластик идишга қадоқланган сабзавотли вермишель, сабзи шўрва ва паҳлава каби бир қанча маҳсулотлардан кўпгина харид қилдим.

Моррининг кабинетига кира солиб, худди ҳозиргина

банкни тунаб қайтгандек, қўлимдаги пакетларни тепага кўтардим.

– Озиқ-овқат етказиб бериш хизмати! – қичқирдим мен.

Морри кўз қорачиқларини айлантириб, жилмайди.

Мен эса касаллик ривожланишининг янги белгилари пайдо бўлмадимикан, деб уни зимдан кузатдим. Бармоқлари қалам ушлаш ёки кўзойнагини тутиб турish каби вазифаларни яхши бажараётганди, лекин у қўлларини кўкрагидан юқорига кўтара олмасди. Морри кундан-кунга ошхона ва меҳмонхонада камроқ вақт ўтказиб, кўпроқ кабинетидаги ёстиқлар, ёпинчиқлар ва қуриб қолган оёқлари учун маҳсус ясалган пенопласт тиргаклар билан ясатилган юмшоқ креслода ётарди. Унинг ёнида қўнғироқча турарди ва ёстиқни тўғрилаб қўйиш ёки унинг тили билан айтганда, “ташқарига чиқиб келиш” зарур бўлганда қўнғироқни чалиб, шахсий қаровчилари армиясидагилардан бири – Конни, Тони, Берта ёки Эймини ёрдамга чақиради. Морри учун қўнғироқни кўтариш ҳар доим ҳам осон кечмасди ва буни үддалай олмаган пайтлари ўзидан ҳафсаласи пир бўларди.

Морридан “ўзингизга ачинасизми?” деб сўрадим.

– Баъзан, эрталаблари, – жавоб берди у, – одатда айнан шу вақтда мотам тутаман. Ўйғониб бутун танамни пайпаслайман: қўлларим, бармоқларим ва бошқа нимаики аъзоларим ишлаётган бўлса, ҳаммасини қимирлатиб кўраман ва ишдан чиқсан тана аъзоларимга аза тутаман. Ўлим мени секин-аста, маккорона йўл билан маҳв этаётганидан чуқур қайғуга ботаман. Кейин эса бирданига зорланишини тўхтатаман.

– Шундай осонгина-я?

– Йиғлагим келса, яхшигина йиғлаб оламан. Лекин кейин дикқатимни мени ҳали тарк этмаган ижобий нарсаларга қаратаман. Мендан хабар олгани келаётган одамларга. Улардан эшитадиган ҳикояларга. Агар сешанба

бўлса, сенга. Чунки биз сешанба одамларимиз.

Мен жилмайдим. Сешанба одамлари.

— Мич, шундан ортиқ ўзимга ачиниш имкон эмас. Ҳар тонг оз-оздан, бир-икки томчи кўзёш тўкаман, бўлди.

Мен тонглари соатлаб ўз қадрига ачиниб ўтирадиган танишларимни ёдга оламан. Ўзингга ачинишнинг кунлик миқдорига чеклов қўйиш қанчалар фойдали бўларди. Бир неча дақиқа кўз ёш тўкасан, кейин яна кундалик ҳаётингни давом эттираверасан. Агар шундай даҳшатли хасталикка чалинган Морри буни уддалаётган бўлса...

— Хасталигимни даҳшатли деб ҳисобласангни, у даҳшат солади, — деди Морри. — Жисмим қовжираб, йўқ бўлиб кетаётганини кузатиш даҳшатли. Бошқа томондан, у менга ҳамма билан хайрлашиш учун вақт бераётгани қувонарли, — жилмайди у. — Ҳамма ҳам менчалик омадли эмас.

Мен уни диққат билан кузатдим: ўрнидан туриш, ювиниш ва ҳатто шимини кўтариб қўйишни ҳам эплолмайди. Шуми омад? Наҳотки у буни чиндан ҳам омад деб билса?

Танаффус пайтида — Морри ҳожатхонага чиққанида, унинг курсиси ёнида ётган Бостон газетасини варақладим. Унда бир кичик шаҳарчада икки нафар ўсмир қиз улар билан дўстлашган етмиш уч ёшли қарияни қийнаб ўлдириб, кейин унинг уй-вагонида дўстларига базм уюштиргани, мурдани келганларга кўз-кўзлаб, қилган ишларидан мақтангани ҳақидаги мақолага кўзим тушди. Бошқа мақолада бир эркак унга телекўрсатув орқали севги изҳор қилган гей кишини ўлдиргани ва тез орада унинг иши судда кўрилиши ҳақида ҳикоя қилинганди.

Газетани жойига қўйдим. Ҳар доимгидек юзидан табассум аримайдиган Моррини хонага суриб олиб киришди, Конни уни кўтариб, ногиронлар аравачасидан юмшоқ ўриндиқقا ўтқазиб қўйиш учун эгилди.

— Истасангиз, мен ўтқазиб қўяман? — дедим.

Орага бир лаҳза жимлик чўқди, нега тўсатдан бундай таклиф билдирганимни ўзим ҳам билмасдим. Бироқ Морри Коннига қаради ва:

– Қандай қилишни үнга кўрсатиб юборасанми? – деб сўради.

– Албатта, – жавоб қилди Конни.

Унинг кўрсатмаларига амал қилган ҳолда икки қўлимни Моррининг қўлтиқлари остидан ўтказиб бирлаштирдим ва катта болорни тагидан ушлаб кўтаргандек уни ўзимга тортидим. Кейин эса қаддимни тиклаб, уни кўтардим. Одатда бирор кишини кўтарганингизда уларнинг йиқилмаслик учун қўллари билан бўйнингиздан қучоқлаб олишини кутасиз, аммо Морри бундай қилолмасди. У жонсиз юқдек туоларди, уни кўтарганимда боши оҳиста елкамга урилди, танаси ўта юмшоқ улкан нондек шалвираб қолганди.

– Аааахҳҳ, – секин ингради Морри.

– Тутиб турибман сизни, тутиб турибман, – дедим мен.

Уни мана шундай бағримга босиб, тутиб турганимда қалбимда үйғонган ҳис-туйғуларни таърифлаб беролмайман. Унинг сўлиб бораётган танасида ўлим үруғлари ниш ураётганини ҳис қилдим. Уни курсига ётқизиб, ёстиқни бошига тўғрилаб қўяр эканман, аччиқ ҳақиқатни – вақтимиз тугаб бораётганини англадим.

Нимадир қилишим шарт эди.

*1978 йил, университетда учинчи курс талабасиман. Диско мусиқаси ва “Рокки” фильмси роса урф бўлган пайтлар. Брандейсда жамиятшунослик фанидан Моррининг “Гурухлардаги жараён” номли ноодатий дарсида ўтирибмиз. Ҳар ҳафта гуруҳимиздаги талабаларнинг ўзаро муносабатларини ўрганамиз, улар жаҳл, раشك ва эътиборга қандай жавоб билдиришларини кузатамиз. Биз одам қиёфасидаги тажриба каламушларимиз. Аксарият ҳолларда бирортамиз йиғлаб юборамиз. Мен жамиятшунослик*

*дарсларига “таъсирчан ва күнгилчан” деб ном қўйиб олганман. Морри мени теран фикрли бўлишга чақиради.*

*Шу куни Морри биз учун машқ тайёрлаб қўйганини айтади. Ўрнимиздан туриб, бир курсдошимизга орқа буришимиз ва у бизни тутуб қолишига ишониб, ортга йиқилишимиз сўралади. Кўпчилик ичидаги ўнғайсизланади, орқага бир-икки дюйм оғиб, кейин йиқилишдан ўзини тўхтатиб қолади. Хижолат ичидаги куламиз. Ва ниҳоят, озғин, камгап, қора сочли, деярли ҳар доим балиқчиникидек кенг оқ жемферлар кийиб юрадиган қиз қўлларини кўксига чалиштириб, кўзларини юмганча ўзини орқага ташлайди, худди Липтон чойи рекламасидаги модель қиз ўзини сувга ташлагандек.*

*Бир сония у ерга гурсиллаб тушадигандек туюлади менга. Сўнгги лаҳзаларда шериги унинг боши ва елкаларидан тутуб қолиб, юқорига итариради.*

*— Уххх, — бақириб юборади бир нечта талаба. Баъзилар қарсак чалади. Морри табассум қиласади.*

*— Кўрдингми, — дейди у қизга, — сен кўзингни юмдинг. Бошқалардан фарқинг шунда эди. Баъзида кўзимиз билан кўриб турган нарсаларимизга ишонолмаймиз, шунда ички туйғуларимизга суюнишга тўғри келади. Ўзгалар сизга ишонишини хоҳлассангиз, ўзингиз ҳам уларга ишона олишингизни ҳис қилишингиз керак: кўзингиз юмуқ бўлсин, ҳатто қулаётган пайтингизда ҳам.*

## Учинчи сешанба: пушаймонлик ҳақида сұхбатлашамиз

**К**ейинги сешанба куни одатдагидек бозор-үчар қилиб келдим: маккажүхорили макарон, картошкали салат, олмали пирог. Яна Сонй магнитофонини ҳам күтариб келдим.

– Нималар ҳақида сұхбатлашганимизни эслаб қолишни хоҳлайман, – дедим Моррига. – Овозингизни ёзіб олишни истайман... кейинроқ ҳам тинглаш имконим бўлади.

- Мен ўлганимдан кейин демоқчисан-да.
- Ундей деманг.

У кулди.

– Мич, мен ўляпман. Кейинроқ эмас, аксинча, тез орада.

Кейин у янги техникага ишора қилиб:

- Бунча катта бўлмаса, – деди.

Безбет мухбирдек ҳис қилдим ўзимни шу пайт. Дўст ҳисобланган икки инсон орасида магнитофон бегона ўт ёки сунъий қулоқдек ортиқчалик қиласи, деган ўй ўтди хаёлимдан. Бунинг устига, шунча одам Моррининг эътиборига муштоқлигини ҳисобга олсак, мен бу сешанбаларда ҳаддан ортиқ кўп нарсаларга улгуриб қолишга уринаётган бўлгандирман.

– Менга қаранг, – дедим магнитофонни қўлимга олиб, – буни ишлатишимиш шартмас. Агар бу нарса сизга ноқулайлик туғдирса.

Морри кўрсаткич бармоғи билан тергагандек ишора қилиб, мени тўхтатди ва кўзойнагини ечган эди, у бўйнидаги ипга улаб қўйилгани учун кўксида осилиб, бир мунча вақт тебраниб турди. Кўзларимга тик қараб:

- Жойига қўй, – деди.

Мен магнитофонни жойига қайтариб қўйдим.

— Мич, — давом этди у юмшоқроқ оҳангда, — сен тушунмаяпсан. Мен сенга ўз ҳаётимни гапириб бермоқчиман. Тилдан қолмасимдан, айтиб қолай деяпман.

Унинг овози пасайиб, шивирлашга ўтди.

— Кимдир менинг ҳикоямга қулоқ тутса дейман. Сен тинглайсан-а?

Бош ирғадим.

Бир лаҳза жим қолдик.

— Хўш, — деди у, — матоҳинг ёниқми?

Ростини айтганда, магнитофоннинг вазифаси фақат хотираларни мұхрлаб қолиш эмасди. Мен Морридан айрилиб қолаётгандим, биз ҳаммамизуни йўқотаётгандик: унинг оиласи, дўстлари, собиқ шогирдлари, ҳамкасб профессорлар, сиёсий муҳокамалар учун тузилган жонажон гурухларидағи ошналари, собиқ раққос шериллари, умуман, барчамиз. Магнитофон тасмалари эса суратлар ва видео-ёзувлар каби ўлим хуржунидан, ҳеч курса, нимадир ўмарид қолишга бўлган бесамар уриниш эди.

Бироқ Моррининг жасурлиги, юморга бойлиги, сабри ва самимиyllигига гувоҳ бўлиш орқали мен унинг ҳаётга тамомила бошқача нигоҳ билан қараётганини тобора равшанроқ англааб бораётгандим. Мен таниган инсонларнинг ҳеч бири ҳаётга бундай қарамасди. Соғломроқ нигоҳ эди у. Теранроқ нигоҳ. Морри эса ўлим ёқасида эди.

Агар тақдирга тан бериб, ўлимга тик боққанимизда фикрларимиз сирли равища равшан тортадиган бўлса, унда Морри бу ҳодиса ҳақида бошқаларга гапириб бериш истагида эканини билардим. Ва мен бу нарсани қўлимдан келганча узоқроқ хотираамда сақлаб қолишни хоҳлардим.

Биринчи марта Моррини “Тунги хабарлар”да кўрганимда, у ўлими муқаррарларгини билгач, бирор

ишидан пушаймон бўлганмикан, деб қизиққандим. Йўқотилган дўстлари учун аччиқ-аччиқ кўзёш тўқдимилик? Агар имкони бўлганда, бошқача ҳаёт кечирган бўлармиди? Худбинларча “Агар мен унинг ўринида бўлганимда, амалга оширилмаганишларим, ҳавогасовурилганимкониятларим ҳақидаги қайғули ўйларга ғарқ бўлармилим?” деб ўзимни саволга тута бошладим. Ичимда сақлаб келган сирлар яширин қолиб кетаётганидан афсусланармилим?

Мен шу ҳақида Морридан сўраганимда, у бош ирғади.

– Ҳаммани шу савол қийнайди, шундай эмасми? Бугун умримнинг сўнгги куни бўлса-чи?

У юзимга тикилиб туриб, иккиланиш, паришонлик аломатларини ўқиган бўлса ажаб эмас. Хаёлимда бир куни иш столим ёнида ёзаётган мақоламни якунига етказишга ҳам ултурмай гуп этиб йиқилиб, жон беришим ва тез ёрдам ходимлари мурдамни олиб чиқиб кетаётган бир пайтда муҳаррирларим чала қолган мақоламга очкўзларча ёпишишларини тасаввур қилдим.

– Мич? – чақирди Морри.

Мен бошимни силкиб ташлаб, ҳеч нима деб жавоб қилмадим. Бироқ Морри мендаги паришонликни сезди.

– Мич, – деди у. – Жамиятимиз ўлим тўшагига михланмагунингча бундай нарсалар ҳақида фикр юритишингга йўл қўймайди. Биз шахсий манфаатларимиз домигатушиб қолганмиз: мансаб, оила, пултопиш, ипотека қарзларини қайтариш, янги машина олиш, бузилган иситиш радиаторимизни тузатиш – бўш қолмаслик учун миллионлаб майда-чўйда ишларга кўмилиб яшайверамиз. Бир нафастин олиб, ҳаётимизга ташқаридан назар ташлаб, ўз-ўзимизга савол беришга одатланмаганмиз: “Бор-йўғи шуми? Мен истаган нарсаларнинг бари шуми? Нимадир етишмаётганмикан?”

У бироз жим қолди.

– Бу йўналишда фикрлаш учун кимдир сенга туртки бўлиши керак. Бу ўз-ўзидан содир бўладиган жараёнмас.

Мен унинг нима демоқчи бўлаётганини билардим. Бу ҳаётда ҳаммамиз устозга муҳтожмиз. Меники қаршимда ўтирарди.

“Бўпти, – ўйладим мен, – талаба бўлиш пешонамга битилган экан, имконим етганча яхши талаба бўлишга ҳаракат қиласман”.

Ўша куни самолётда уйга қайтар эканман, сариқ ёндафтарчамга ичимизда барчамизни қийнайдиган масалалар рўйхатини ёзиди: баҳт, кексайиш, фарзандли бўлишдан бошлаб то ўлимгача. Албатта, ўз-ўзимизни англаш учун ушбу мавзуларда минглаб китоблар ёзилган, бир дунё телекўрсатувлар бор, соати 9 доллар турувчи маслаҳат дарслари мавжуд. Америка ўз-ўзига ёрдам бериш соҳасида нақ форс бозорига айланган.

Шундай бўлса-да, аниқ-тиник жавоблар йўқ эди. Атрофингдагилар ҳақида қайғуришинг керакми ёки “ичингдаги болакай” парваришига эътибор беришинг лозимми? Анъанавий қадриятларга қайтиш лозимми ёки урф-одатларни бефойдага чиқариб, улардан воз кечиш керакми? Муваффақиятга интилиш керакми ёки оддийликками? Шунчаки, “Йўқ” дейишни ўрганган яхшими ёки гап-сўзларни йиғишириб, ишга киришган афзалроқми? Мен бир нарсани аниқ билардим: кекса профессорим Морри ўз-ўзига ёрдам бериш бизнесида эмасди. У рельсда туриб, ўлим паровозининг ҳуштагини тинглар ва ҳаётдаги аҳамиятли нарсалар ҳақида аниқ тасаввурга эга эди.

Менга шу аниқлик зарур. Йўлини йўқотган ва шубҳа-гумонлар гирдобида азобланиб юрган қалбларнинг ҳар бири шу аниқликка муҳтоҷ эди.

– Истаган мавзуйингда савол бер, – дерди Морри доим.

Шу сабабли қўйидаги рўйхатни туздим:  
 Ўлим  
 Қўрқув

Кексайиш

Нафс

Никоҳ

Оила

Жамият

Кечиримлилик

Мазмунли умр

Август охирлари, сешанба куни ғарбий Ньютонга түртинчи бор келаётганимда сумкамда шу рўйхат ётарди. Ўша куни Логан аэропортида кондиционер бузилган экан, одамлар елпиниб, жаҳл билан пешоналаридан оқаётган терни артишар ва кимга қўзим тушмасин, ҳаммасининг юз ифодасидан кимнидир бўғизлаб қўйишга тайёрги билиниб турарди.

*Тўртинчи курс бошига келиб, мен жамиятшунослик фанидан шу қадар кўп дарсларга қатнашдимки, диплом олишим учун фақат бир неча кредит еттаётган эди, холос. Буни кўрган Морри аъло даражали диплом олиш учун қийинроқ диплом иши ёзишни таклиф этади.*

— Мен-а? — сўрайман ундан, — нима ҳақида ёзаман?

— Қайсу мавзу сен учун қизиқ? — дейди у.

Бир дунё ғояларни кўриб чиқиб, мавзу қуриб қолгандек, спортга тўхталашиб. Мен “Футбол қандай қилиб Америкада ҳалқ учун афюон, яъни сал кам дин даражасидаги муҳим удумига айланган?” деган мавзуда бир йиллик диплом ишимни бошлайман. Бу нарса бўлажак касбим учун тайёрлов курси экани хаёлимга ҳам келмайди. Билганим, шу нарса менга Морри билан ҳар ҳафталик сұхбатларимизни давом эттиришга имкон беради.

Баҳор келгунча унинг ёрдамида изланишларим натижалари, иқтибослар ва далиллар билан ҳужжатлаштирилган ҳамда қора чарм муқовага яхшилаб тикилган 112 вариқлик диплом ишимни тугатаман. Илк марта гол урган ёш футболчидек, уни

фаҳр билан Моррига кўрсатаман.

— Табриклайман, — дейди Морри.

Уишумни варақлар экан, мен юзимда масрур табассум билан унинг хонасидағи нарсаларга назар соламан. Китоб жавонлари, паркет пол, гилам, диван. Ичимда “Хонанинг қай нуқтасида ўтириш имкони бўлса, ҳаммасида ўтириб чиққанман” дейман ўзимга.

— Бирор нима дейишга тилим ожиз, Мич, — ўйчан ҳолда кўзойнагини тўғрилади Морри, — бундай яхши ёзилган иш билан сени магистрликка олиб қолмасак гуноҳ бўлади.

— Бўлмасам-чи, — дейман мен.

Мийиғимда кулиб қўйсам-да, у айтган фикр менга мойдек ёқиб тушади. Бир томондан, университетни тарқ этишини ўйласам, қўрқувга тушаман. Бошқа томондан эса тезроқ жўнаб қолсам дейман. Қарама-қаршиликлар тортишуви. Диплом ишимни ўқиётган Моррини кузата туриб, катта ҳаётга қадам қўйиш қандай бўлиши ҳақида хаёл сураман.

## Күргазмали қуроллар: иккинчи қисм

**М**орри интервью берган биринчи күрсатув катта муваффақият қозонгани сабабли “Түнги хабарлар” үнинг иккинчи қисмини ҳам олишга қарор қилди. Бу сафар эшикдан кириб келган оператор ва продюссерлар ўзларини Моррининг оила аъзолариdek ҳис қиласди. Коппел ҳам ўзини олдингидан кўра анча дўстона тутарди. Синов жараёни ҳам, суҳбатдан олдинги суҳбат ҳам бўлмади. Гап гапга қовушиши учун аввалига Морри ва Коппел болалик хотиралари билан бўлишишди: Коппел Англияда туғилиб-ўсганини гапириб берди, Морри эса Бронксда катта бўлгани ҳақида сўзлади. Морри доим совқотарди, ҳатто ташқарида тўқсон даража иссиқ бўлса ҳам, шунинг учун узун енгли кўк кўйлак кийиб олганди. Бироқ Коппел костюмини ечиб қўйиб, суҳбатни кўйлак ва бўйинбоғда ўтказди. Морри уни секин-аста, бирма-бир қуролсизлантираётганга ўхшарди.

– Кўринишингиз чаккимас, – деди Коппел, камера тасмалари айлана бошлагач.

– Ҳамма шундай дейди, – жавоб қайтарди Морри.

– Гапиришингиз ҳам тетик.

– Ҳамма шундай дейди.

– Унда соғлифингиз орқага кетаётганини қаердан биласиз?

Морри хўрсинди.

– Ўзимдан бошқа ҳеч ким буни билолмайди, Тед. Фақат ўзим биламан.

Морри гапида давом этаркан, ҳаммаси ойдинлашиб борарди. У ўз фикрини етказиш учун қўлларини биринчи суҳбатдагичалик бемалол силкитмаётганди. Маълум бир сўзларни талаффуз қилишга қийналар, “л” товуши үнинг

бүгзіда қолиб кетаётгандек эди. Яна бир-икки ойдан кейин у мутлақо тилдан қолиши мүмкін эди.

— Кайфиятимга келсак, — деди Морри Коппелга, — танишларим ва дўстларим ёнимда бўлганда, ўзимни жуда яхши ҳис қиласман. Мехрға тўла муносабатлар менга мадад беради. Аммо тушкунликка тушган кунларим ҳам бўлади. Сизни алдаб нима қилдим. Содир бўлаётган маълум ўзгаришларни кўриб, даҳшатга тушаман. Қўлларимсиз қандай яшайман? Тилдан қолсам нима бўлади? Овқатни юта олмай қолиш мени унчалик безовта қилмайди, чўнки у ҳолатда мени шунчаки найда орқали боқишиди, тамом, нима бўпти шунга? Бироқ овозим? Қўлларим? Улар танамнинг ўта аҳамиятли қисмлари. Овозим бор экан, гапираман. Қўлларим ишлаб тураркан, фикримни турли ҳаракатлар, ишоралар орқали етказаман. Булар мен учун одамлар билан мулоқот воситалари.

— Тилдан қолганингизда қандай мулоқот қиласиз? — сўради Коппел.

Морри елка қисди.

— Балки ҳаммадан менга фақат жавоби “Ҳа” ёки “Йўқ” бўлган саволлар беришни сўрарман.

Жавоб шу қадар оддий эдики, Коппел беихтиёр жилмайди. У Морридан жимжитлик ҳақида сўради. У Моррининг ҳикматли сўзларини илк марта “Бостон Глоуб” нашрига юборган ҳамкасб қадрдан дўсти Морри Штейнни ёдга олди. Улар Брандейсда 60-йиллар бошларидан бери бирга ишларди. Ҳозирда Штейн секин-аста эшитиш қобилиятидан айрилаётганди. Коппел бири тилдан қолган, бошқаси эса эшитиш қобилиятини йўқотган икки кишининг учрашувини тасаввур қилди. Учрашув қандай ўтаркан?

— Бир-биrimизнинг қўлимизни тутиб ўтирамиз, — деди Морри. — Ва ўртамиизда чексиз меҳр-муҳаббат оқими сузади. Тед, бизнинг ўттиз беш йиллик дўстлигимиз бор. Буни ҳис қилиш учун сўз ҳам, эшитиш ҳам шарт эмас.

Кўрсатув тугашидан олдин Морри олган хатларидан бирини Коппелга ўқиб берди. “Тунги хабарлар”даги биринчи суҳбатдан кейин унга жуда кўп хат келарди. Бир хат Пенсильванияда ота-онасидан бирининг ўлимини бошдан кечирган тўққизта болакайдан иборат маҳсус синфга дарс берувчи ўқитувчидан келибди.

– Мана унга ёзган жавобим, – деди Морри Коппелга, кўзойнагини бурнига эҳтиёткорона қўндирапкан. – Қадрли Барбара... Хатингиздан жуда таъсирландим. Ота-онасидан бирини йўқотган болалар билан ишлаётганингиз катта аҳамиятга молик деб ўйлайман. Мен ҳам онамдан жуда эрта ажралиб қолганман...

Гувиллаб айланиб турган камералар қаршисида Морри кўзойнагини тўғрилади. Бироз жимиб қолди, лабини тишлади ва бўғзига тиқилиб келган тугундан халос бўлиш учун ютина бошлади. Кўзларидан ёш думалади.

– Болалигимда онамни йўқотганман... Бу мен учун қаттиқ зарба бўлган... Ўшанда мен ҳам сизникидек қайғуларим билан бўлиша оладиган гуруҳда ўқиганимда эди. Мен, албатта, гуруҳингизга қўшилган бўлардим чунки...

Унинг овози титраб кетди.

– Чунки мен шу қадар ёлғиз эдимки...

– Морри, – деди Коппел. – Онангиз вафот этганига етмиш йил бўлди. Ҳали ҳам қайғудан азоб чекасизми?

– Бўлмасам-чи, – шивирлади Морри.

## Профессор

Үсаккис ёшда эди. Шифохонадан телеграмма келди. Рус муҳожири бўлган отаси инглиз тилида ўқий олмаганлиги сабабли янгиликни Моррининг ўзи маълум қилишига тўғри келди. У онасининг ўлими ҳақидаги хабарномани доскага чиқарилган ўқувчилик тутилиб тутилиб ўқиди. “Чуқур ҳамдардлигимизни билдирган ҳолда, сизга шуни маълум қиласизки...” – ўқишни бошлади Морри. Дафн маросими куни тонгда Моррининг Қариндошлари Манхеттеннинг қуий шарқий қисмидаги қашшоқ мавзеда жойлашган кўп қаватли бинонинг зиналаридан бирма-бир тушиб келди. Эркаклар қора костюм- shimда, аёллар эса бошларига қора тўр ёпинчик ташлаб олганди. Мактабга йўл олган қўшни болалар Уларнинг ёнидан ўтганда Морри ерга қараб олар, чунки синфдошлари уни бу аҳволда кўриб қолишларидан уялар эди. Моррининг холаларидан бири – тўлачадан келган аёл уни бағрига босиб, йиғлай кетди:

– Онасиз қолган болагинам, энди нима қиласан? Шу кунлар ҳам бормиди бошингда? Ҳолинг не кечади энди?

Морри ҳўнграб йиғлаб юборди. Синфдошлари эса қочиб кетди.

Қабристонда Морри онасининг қабрини тупроқ билан кўмишларини томоша қилиб турди. У ҳаётлигига бирга ўтказган бахтиёр онларни эслашга уринди. Онаси бетоб бўлиб, ётиб қолишидан аввал ширинликлар дўконини юритарди. Хасталикка чалинганидан кейин эса кўп вақтини ухлаш ёки деразадан ташқарига термилиб ўтириш билан ўтказарди; дераза ёнида у жуда нимжон ва ориқ кўринарди. Баъзан у ўғлига дориларини келтиришни айтиб қичқиради, кўчада тўп чангитиб юрган кичкина

Морри ўзини эшитмаганликка соларди. Хаёлида касалликка эътибор бермаса, у ўз-ўзидан йўқолиб кетадигандек туюларди.

Болакай бошқа қандай усулда хасталикка қарши туриши мумкин?

Моррининг отасини ҳамма Чарли деб чақирарди. У рус армиясида хизмат қилишдан қочиб, Америкага келиб қолганди. У мўйначилик соҳасида ишлар, аммо тез-тез ишсиз қоларди. Тайнли ўқимаган, инглиз тилида базур гапирадиган отаси ниҳоятда қашшоқ киши бўлиб, оила асосан давлат томонидан бериладиган моддий ёрдам ҳисобига кун кечирарди. Улар ширинликлар дўконининг орқа томонида жойлашган қоронғи, тор ва зимистон уйда яшарди. Пул фақат рўзфордаги энг керакли нарсаларга етарди, холос. Машинали бўлиш улар учун орзу эди. Баъзан бироз пул ишлаб олиш мақсадида Морри укаси Девид билан одамларнинг уйи олдидаги зиналарни беш центга ювиб беришарди.

Онасининг вафотидан сўнг болакайларни Коннектикут ўрмонларида жойлашган кичкина меҳмонхонага юборишли. Меҳмонхона катта ёғоч уй бўлиб, у ерда бир нечта оила ижарада турар ва умумий ошхонадан фойдаланар эди. Қариндош-уруғлар болалар учун тоза ҳаво фойдали бўлади деган тўхтамга келганди. Морри ва Девид умрлари бино бўлиб, бунча кўп ўсимликларни кўрмаганликлари сабабли кун бўйи даладан бери келмай югурниб, ўйнаб юришарди. Бир куни кечки овқатдан кейин улар сайдага чиқишганди – ёмғир шаррос қуйиб юборди. Лекин улар уйга қайтиш ўрнига, соатлаб ёмғирда чопқиллаб, жиққа хўл бўлишиди.

Эртаси куни уйғонишганда, Морри ётоғидан сакраб турди.

– Бўлақол, тур ўрнингдан, – деди у укасига.

– Туролмайман.

– Бу нима деганинг?

Девиднинг юзини ваҳима эгаллади.

— Мен... қимирилаёлмаяпман.

У полиомиелит касаллигига чалинганди.

Албатта, хасталикнинг сабабчиси ёмғир эмасди. Бироқ Моррининг ёшидаги болакай қаердан ҳам буни тушунсин. Анча вақтгача укасининг уй ва ихтисослаштирилган шифохона ўртасида саргардон қатнаши ва оёқларига маҳсус мослама тақиб юришга мажбур бўлганидан оқсоқлана бошлаганини кўриб, Морри ўзини айбдор ҳис қиласарди.

Мазкур воқеалар таъсирида Морри эрталаблари синагогга қатнай бошлади. Отаси художўй киши бўлмагани сабабли ибодат қилишга бир ўзи борарди. Узун қора пальтоли кишилар сафида туриб, Худодан марҳума онаси ва бетоб укасини ўз паноҳида асршини сўрарди.

Тушдан кейин эса метронинг кириш эшигига журнал сотиб, топган-тутганини озиқ-овқат олиш учун оиласига келтириб берарди.

Кечки пайт жимгина овқатини еяётган отасини кузатар, унинг бирор бир ширин сўз айтиши, меҳр-эътибор кўрсатишидан беҳуда умидвор бўларди.

Тўққиз ёшида елкасида тоғдек юкни кўтариб юргандек сезарди ўзини.

Кейинги йил Моррининг ҳаётига халоскор инсон кириб келди: ўгай онаси Ива. У руминиялик мұхожири бўлиб, паст бўйли, жингалак сочли, кўримсиз аёл эди. Камида иккита аёлнинг ғайрати бор эди унда. Аёл уйда ота яратган бўғиқ мұхитга илиқ нур олиб кирди. Эр жим қолганда, аёл уни гапга солар, тунлари эса болаларга қўшиқ куйлаб берарди. Унинг тинчлантирувчи овози, уй вазифаларини бажаришга ёрдамлашиши, ўжар табиати Моррининг кўнглига малҳам бўларди. Ҳали ҳам оёғига маҳсус мослама кийиб юрган укаси шифохонадан қайтганида, иккаласи ошхонадаги йиғма каравотда бирга ухлайдиган бўлишди. Ива ҳар тун уйқуга кетишдан олдин уларга хайрли тун тилаб, ўпид

қўйгани киради. Морри ушбу ўпичларни кучукча сутини кутгани каби ошиқиб кутар, қалбининг туб-тубида яна онали бўлгандек ҳис қиларди ўзини.

Аммо қашшоқлик уларни ҳеч тарк этай демасди. Эндилиқда улар Бронксга кўчиб ўтиб, Тремон Авенюдаги пишиқ ғиштдан қурилган кўп қаватли уйнинг бир хонали хонадонида истиқомат қилишарди. Уй яқинидаги очик итальян қовоқхонаси жойлашган бўлиб, у ерда қари кишилар ёз оқшомларини боччи ўйнаш билан ўтказишарди. Буюк иқтисодий инқироз сабабли Моррининг отасига мўйначилик бозорида иш топиш янада қийинлашди. Баъзан оила кечки овқатга ўтирганда Ива дастурхонга қўйгани нондан бошқа нарса топмасди.

— Яна нима бор егани? — сўрарди Девид.

— Бошқа ҳеч нарса йўқ, — жавоб қайтарарди Ива.

Морри ва Девидни ухлашга ётқизаётуб, Ива уларга яҳудий тилида ашула айтиб берарди. Ҳатто қўшиқлар ҳам ғамгин ва ғариб эди. Сигарет сотишга уринаётган қизча ҳақидагиси бўларди:

Сигаретлардан олиб қолинг,

Улар қуруқ: ёмғирда ивимаган.

Етимчага раҳмингиз келсин.

Оғир оиласи шароитга қарамасдан, Морри одамларга меҳр бериш ва ўзгалар ҳақида қайғуришга ўргатилганди. Шунингдек, илм олишга ҳам. Ивани фақат аъло баҳолар қониқтиради, чунки у таълимни қашшоқликдан қутулишнинг ягона чораси деб биларди. Унинг ўзи ҳам инглиз тилини яхшироқ ўрганиш учун тунги мактабга қатнарди. Иванинг меҳнатлари туфайли Морри билимга чанқоқ бўлиб ўсди.

У тунлари ошхона столида, чироқ ёруғида дарс қиларди. Эрталаблари эса онаси учун марҳумлар ҳаққига ўқиладиган дуо – Изкор айтгани синагогга қатнарди. Қанчалик ишониш қийин бўлмасин, отаси унга марҳума онасини тилга олишни тақиқлаб қўйганди. Чарли ёш

Девиднинг Ивани ўз онасидек кўришини хоҳларди.

Морри учун бу ўта оғир юк эди. Йиллар давомида онасидан қолган ягона ёдгорлик унинг ўлими ҳақидаги телеграмма эди. У телеграммани келган куниёқ яшириб қўйганди.

Морри уни бутун умр ёнида сақлади.

Морри ўсмирлик ёшига етганда, отаси уни ўзи ишлайдиган мўйна фабрикасига олиб борди. Буюк иқтисодий инқизоз йиллари эди. Отаси Моррига иш топиб бериш мақсадида юрарди.

У фабрикага қадам қўйиши билан деворлар уни тўрт томондан қуршаб олгандек бўлди. Хона қоронғи ва иссик, дераза ойналари кирланиб ётар, бир-бирига тиқиб ўрнатилган машиналар поезд ғилдиракларидек тарақлаб ишларди. Ҳавода учиб юрган мўйна толалари нафас олишни оғирлаштирас, ишчилар игна устида букчайганча мўйна бўлакларини бир-бирига йўрмалаб улашар, хўжайин эса қаторма-қатор юриб, уларни тезроқ ишлашга чақиради. Морри зўрға нафас оларди. У отасининг ёнида юрагини ҳовучлаб турар, хўжайин унга ҳам бақириб қолиши мумкинлигидан даҳшатга тушарди.

Тушлик пайти отаси Моррини хўжайнинг олдига олиб борди. Болани олдинга итариб, унга бирор иш топилармикан, деб сўради. Аммо катталарга ҳам деярли иш йўқ эди, бор ишчилар эса фабрикани тарк этиш ниятида эмасди.

Шу ҳолат Моррига нажот бўлди. У бу жирканч жойни тезроқ тарк этишни хоҳларди. Морри шу онда ўзича қасам ичди ва үмрининг охиригача унга содик қолди: у ҳеч қачон инсонлар эксплуатация қилинадиган ишда ишламайди ва бошқаларнинг пешона тери эвазига пул топмайди.

– Ким бўлмоқчисан унда? – сўрарди Ива.

– Билмадим, – жавоб қайтарарди Морри. У ҳуқуқшуносликни рўйхатдан ўчириб ташлаганди, чунки ҳуқуқшуносларни ёмон кўрарди. Шунингдек, тиббиётни

ҳам рўйхатдан чиқаришга тўғри келди, чунки қондан қўрқарди.

Ким бўлмоқчисан?

Ҳаётимда учратган энг яхши профессор тасодифан ўқитувчиликни танлаганди.

“Ўқитувчи абадиятга таъсир кўрсата олади, унинг таъсири қаерда тугашини ҳеч қачон билиб бўлмайди”.

Генри Адамс

## Тўртинчи сесанба: ўлим ҳақида сұхбатлашамиз

**К**ел, мана бу фикрдан бошлаймиз, – деди Морри, – ҳамма қачондир ўлишини билади, лекин ҳеч ким бунга ишонмайди.

Бу сесанба Морри тўғри мақсадга ўтди. Сұхбатимиз мавзуси ўлим – рўйхатимдаги биринчи масала эди. Мен етиб келгунимча, Морри унугиб қўймаслик учун баъзи фикрларини бир нечта майдада қоғоз бўлакларига ёзиб қўйибди. Ёзаётганда қўли қалтирас, қинғир-қийшиқ ҳуснихатиниэндиликда ўзидан бошқа ҳечкимтушунмасди. Меҳнат куни яқинлашиб қолган, кабинет деразасидан орқа ҳовлидаги исмалоқранг девордараҳт кўриниб турар ва мактаб бошланишидан олдин эркинлиқдаги сўнгги ҳафтада кўча чангитиб ўйнаётган болаларнинг қийқириғи эшитилиб турарди.

Детройтда эса нашриёт иш ташловчилари раҳбариятга қарши курашда касаба уюшмаси билан ҳамжиҳат эканликларини билдириш мақсадида байрам кунига йирик намойиш тайёрлаётганди. Парвоз вақтида ухлаб ётган турмуш ўртоғи ва икки нафар қизини отиб ўлдирган ва бу ишни уларни “ёмон одамлардан” ҳимоя қилиш учун қилганини таъкидлаган аёл ҳақида ўқидим. Калифорнияда О. Ж. Симпсонинг ҳуқуқшунослари нақ машҳур юлдузларга айланиб бораётганди.

Бу ерда – Моррининг кабинетида эса ҳаёт тамомила ўзгача руҳда давомэтарди: ўтаётган ҳар бир кун бебаҳоэди. Ўйни тўлдириб турган энг янги ускуна – кислород узатувчи қурилмадан бир-икки фут масофада ёнма-ён ўтирадик. Кичкинагина кўчма қурилманинг баландлиги тиззагача келарди. Баъзан тунлари Морри етарлича ҳаво ютолмай қолганида, қурилманинг узун пластик найчаларини

бүрнига зулукдек маҳкамлаб қўярди. Моррининг бирор ускунага улаб қўйилгани ҳақидаги фикрнинг ўзиёқ менга тинчлик бермагани сабабли Моррининг гапларига қулоқ тутар эканман, қурилмага қарамасликка уринардим.

– Ҳамма қачондир ўлишини билади, – тақорлади у, – лекин ҳеч ким бунга ишонмайди. Агар ишонганимизда эди, бутунлай бошқача ҳаёт кечирган бўлардик.

– Демак, биз ўлим борасида ўзимизни алдаймиз, – дедим мен.

– Ҳа. Лекин бундан яхшироқ ёндашув ҳам мавжуд. Ўлишингни англаш ва исталган пайт ўлишга тайёр бўлиш. Шуниси афзалроқ. Мазкур ёндашув сенга ўз ҳаётингда содир бўлаётган жараёнларда фаолроқ қатнашиш имконини беради.

– Лекин қандай қилиб ўлимга тайёр бўлиш мумкин?

– Буддистлар каби яша. Ҳар куни сендан: “Ўша кун бугунми? Тайёрманми? Бажаришим зарур бўлган барча ишларни қиляпманми? Ўзим хоҳлаган инсон бўла оляпманми?”, деб сўрайдиган қушча ўтирсин елқангда.

Морри худди айни пайтда елкасига қушча қўниб тургандек бошини бир томонга бурди.

– Бугун менинг сўнгги кунимми? – сўради у.

Морри турли динлардаги қарашларни осонгина ўзлаштириб олганди. У яҳудий бўлиб дунёга келган, бироқ қисман болалигига содир бўлган воқеалар сабабли, ўсмирилик даврида агностга айланганди. У буддизм ва насронийликнинг баъзи ақидаларини ёқтираса-да, маданий жиҳатдан Яҳудийлик динида ўзини уйидагидек эркин ҳис этарди. Динлар борасида каллаварамлиги уни йиллар давомида ўқитган талабаларининг фикрларига бағрикенглик билан қарашига имкон берарди. Умрининг охирги ойларида гапираётган гаплари турли диний тафовутларнинг барчасидан юқорироқ тұрадигандек туюларди. Ўлим кўп нарсаларга қодир.

– Ҳақиқат шуки, Мич, – деди у, – ўлишни ўрганган

кунинг яшашни ҳам ўрганасан.

Мен бош ирғадим.

— Яна такрорлайман, — таъкидлади ў, — ўлишни ўрганган кунинг яшашни ҳам ўрганасан.

У жилмайди ва мен унинг бу сўзларни такрорлашдан мақсади нима эканини тушундим. Морри ўзимдан сўраб мени хижолат қилмасдан, унинг сўзларини англаганимга ишонч ҳосил қилаётганди. Айнан шу одати уни яхши ўқитувчига айлантирган хислатлардан бири эди.

— Бетоб бўлиб қолишингиздан олдин ҳам ўлим ҳақида кўп ўйлармидингиз? — сўрадим ундан.

— Йўқ, — жилмайди Морри. — Мен ҳам бошқалар каби эдим. Файратим ичимга сиғмай кетган кунларнинг бирида бир дўстимга: “Мен сен умринг давомида учратган энг соғлом чол бўламан!” — деб юборганман.

— Неччи ёшда эдингиз ўшанда?

— Олтмишдан ошгандим.

— Некбин бўлган экансиз-да.

— Бўлмасам-чи?! Айтдим-ку, ҳеч ким ўлишига ишонмайди.

— Лекин ҳамманинг ҳам кимиdir вафот этган-ку, — дедим мен. — Нега ўлим ҳақида ўйлаш бу қадар мушкул?

— Чунки, — давом этди Морри, — кўпчилигимиз ўйқуда юргандек ҳаёт кечирамиз. Дунёни тўлалигicha ҳис қилмаймиз, чунки ярим-ўйқуда юрамиз ва кўп ишларни одатланиб қолганимиздан бажаришимиз шартдек қабул қиласиз.

— Ва ўлим билан юзма-юз келиш бу қарашларимизни ўзгартириб юборадими?

— Албатта. Кераксиз нарсаларни ирғитиб ташлаб, дикқатингни фақат ўта аҳамиятли нарсаларга қаратасан. Яқинда ўлишингни англаб етган заҳотинг, ҳаётга бошқача нигоҳ билан қарай бошлайсан.

У хўрсинди.

— Ўлишни ўргансанг, яшашни ҳам ўрганасан.

У қўлларини қимирлатганда, улар қалтираётганини сездим. Кўзойнаги бўйнига осиб қўйилганди, уни тақиш учун кўзига олиб борганди, кўзойнак бир неча бор чаккасидан сирпаниб ўтиб кетаверарди; у кўзойнакни ўзига эмас, қоронғида бошқа бировга тақиб қўйишга уринаётгандек кўринарди. Кўзойнак бандини қулоғига қўндиришга ёрдамлашиш учун энгашдим.

– Раҳмат, – шивирлади Морри.

Қўлим унинг бошига текканида, юзига табассум югурди. Инсонларнинг арзимас даражада тегиб кетиши ҳам унга хурсандчилик бағишлиарди.

– Мич, сенга бир нарса айтсам майлими?

– Албатта, – дедим мен.

– Бу сенга ёқмаслиги мумкин.

– Нега?

– Ҳақиқат шуки, агар чиндан елкангдаги қушчага қулоқ солсанг, агар чиндан ҳам исталган пайтда жон беришинг мумкинлигини тан олсанг, ҳозиргидек шуҳратпараст бўлмаслигинг мумкин.

Мен зўрма-зўраки жилмайиб қўйдим.

– Вақтингнинг кўп қисмини сарфлаётган машғулотларинг – қилаётган ишинг у қадар муҳим бўлиб туюлмаслиги мумкин. Ба эҳтимол, маънавий озуқа учун ҳам вақт ажратишингга тўғри келар.

– Маънавий озуқа?

– “Маънавий” сўзини жининг сўймайди-а? Буни таъсирчанлик ва кўнгилчанлик маҳсули деб ўйлайсан.

– Шунақароқ...

Морри кўз қисиб қўйишга уринди, ўхшамади. Унинг қилиғидан ўзимни тутиб туролмай кулиб юбордим.

– Мич, – деди у мен билан бирга кулар экан, – ҳатто мен ҳам “маънавий юксалиш” нима эканлигини тушунмайман. Лекин қусурлардан холи эмаслигимизни аниқ биламан. Биз моддиятга ҳаддан ортиқ муккасидан кетганмиз, лекин моддият барча эҳтиёжларимизни қониқтира олмайди.

Мөхрли ришталарни, атрофимиздаги борлиқни ўз-ўзидан мавжуд бўлиши шартдек қабул қиласиз.

У қуёш нури тушиб турган дераза томонга ишора қилиб бош ирғади:

– Кўряпсанми? Сен исталган пайт у ерга – ташқарига чиқишинг мумкин. Кўча бўйлаб югуришинг ва бундан телбаларча завқ олишинг мумкин. Мен эса бундай қилолмайман. Ташқарига чиқа олмайман. Югра олмайман. Ҳар гал ташқарига чиққанимда, “мазам қочиб қолади” деган қўрқувдан юрагим титраб туради. Лекин биласанми нима? Мен шу деразани сендан кўра кўпроқ қадрлайман.

– Деразани қадрлайсиз?

– Ҳа. Ҳар куни шу дераза орқали ташқарини томоша қиласман. Даражатлар ўзгаришини, шамолнинг қай даражада кучли эсаётганини илғайман. Гўёки мен шу дераза ойнасидан вақт оқимини кўра оладигандекман. Мен вақт-соатим битиб қолганини биламан, шу сабабли ҳам табиат менга ниҳоятда мафтункор бўлиб туюлади, худди уни илк марта кўраётгандек.

Морри жимиб қолди. Бир муддат иккимиз ҳам деразадан ташқарига тикилиб турдик. Мен у кўраётган нарсаларни кўришга уриндим. Вақт ва фасллар алмашинувини, ўзимга сездирмай секин-аста ўтиб кетаётган умримни кўришга уриндим. Морри бошини бироз эгиб, елкаси томонга қайрилди.

– Қушча, ўша кун бугунми? – сўради у, – бугунми ўша кун?

\*

“Тунги хабарлар” телекўрсатувидаги чиқишлири туфайли Моррига дунёning турли бурчакларидан мактублар келиши давом этарди. Морри ўзини яхши ҳис қилган пайлари унинг дўстлари ва оила аъзолари мактубларга жавоб ёзишга кўмаклашиш учун уницида йиғилар, Морри жавоб хатлари матнини уларга айтиб

турарди.

Үғиллари Роб ва Жон ҳам уйда бўлган якшанба кунларининг бирида ҳамма уй меҳмонхонасига тўпланди. Озғин оёқларини ёпинчиқ билан ўраб олган Морри ногиронлар аравачасида ўтиради. У совуқ ея бошлиши билан ёрдамчилардан бири елкасига нейлон куртка ташлаб қўйди.

– Биринчи мактуб нима ҳақида? – сўради Морри.

Ҳамкасларидан бири онаси ALS хасталигидан вафот этган Ненси исмли аёлнинг хатини ўқиб берди. У онасини йўқотганидан қанчалар азоб чеккани ҳамда Морри қандай азобларни бошдан кечираётганини тушуниши ҳақида ёзганди.

– Яхши, – деди Морри мактуб ўқиб тугатилгандা. Сўнг кўзларини юмди. – Келинг, бундай бошлаймиз: “Қадрли Ненси! Онангиз ҳақидаги ҳикоянгиз юрагимни ларзага солди. Қандай оғир синовлардан ўтганингизни яхши тушунаман. Қайғу-азоблар ҳамманинг ҳам бошида бор. Аммо ғам-қайғулар мен учун хайрли бўлди. Сиз учун ҳам хайрли бўлади, деб умид қиласман”.

– Менимча, охирги қаторни ўзгартирганингиз яхши, – деди Роб.

Морри бирлаҳза ўйга толди.

– Тўғри айтасан. Бундай десак-чи: “Ғам-қайғуда ўзингиз учун малҳам бўлувчи куч топа оласиз, деб умид қиласман”. Буниси яхшироқми?

Роб бош ирғади.

– “Ташаккур. Морри”, деб қўшиб қўй, – таъкидлади у.

Кейинги мактуб Жейн исмли аёлдан бўлиб, аёл Моррини “Тунги хабарлар”даги чиқишлари билан одамларни руҳлантиргани учун ўз миннатдорчилигини изҳор этганди. У хатида Моррини пайғамбар, деб атабди.

– Бу жуда юксак эътироф, – деди Моррининг ҳамкасиби.

– Пайғамбар!

Моррининг юзи буришди. У ўзига берилган баҳодан

норози экани кўриниб турарди.

— Унга илтифот учун миннатдорлигимни ёзинг. Ва сўзларим у учун қандайдир аҳамият касб этганидан хурсаңдлигимни билдиринг. “Ташаккур. Морри”, деб кўшиб қўйишни ҳам унутманг.

Бир Англиялик киши хатида Морридан вафот этган онаси билан руҳлар олами орқали мулоқот қилишга ёрдам беришинисўрабди. Яна бирхат Бостонга уни кўргани келиш ниятида бўлган жуфтлиқдан келибди. Университетни тамомлаганидан кейинги ҳаётини тасвирлаб ёзган собиқ талабадан келган узундан-узоқ мактуб ҳам бор эди. У қотиллик ҳақида ҳикоя қиласарди: худкушлик ва ўлик туғилган учта чақалоқ. ALS туфайли оламдан ўтган онаси ҳақида ёзибди. Шунингдек, онасининг қизи, яъни ўзи ҳам шу хасталикка дучор бўлиши мумкинлигидан кўрқишини билдирибди. Мактуб тугай демасди. Икки бет. Уч бет. Тўрт бет.

Морри бу узун ва ғамгин хатни охиригача мижжа қоқмай тинглади. Ва ниҳоят у якунлангач, паст овозда сўради:

— Хўш, нима деб жавоб берамиз?

Ўртага жимлик чўқди. Охири Роб:

— Узундан-узоқ мактубингиз учун ташаккур, десак-чи?  
— деди

Ҳамма кулиб юборди. Морри ўғлига қараб кулимсиради.

*Унинг курсиси ёнида ётган газета бетига ҳозиргина рақиб жамоани югуришдан маҳрум қилиб, коптотки тутиб олган Бостон бейсболчисининг табассум қилиб тушган сурати босилган. Шунча касаллик қолиб, Морри айнан спортчининг шарафига номланган хасталикка учраса-я, деган ўй ўтади хаёлимдан.*

— Лу Гериг эсингиздами? — сўрайман мен.

— Стадиондаги хайрлашув нутқини эслайман.

— Демак, ўша машҳур гапи ҳам ёдингиздадир?

— Қайси бири?

— Қўйсангиз-чи. Лу Гериг. “Янкилар ифтихори”. Овозкучайтиргичлардан акс-садо билан жаранглаган нутқи-чи?

— Эслатиб юбор менга, — дейди Морри. — Ўша нутқни сўзлаб бер-чи.

Очиқ турган деразадан ахлат ташувчи юк машинасининг овози эшишилади. Кун иссиқ бўлса-да, Морри оёқларини ёпинчиқ билан ўраб, енги узун кўйлак кийиб олган. Ранги синик. Дард уни бутунлай маҳв этган.

Овозимни баландлатиб, сўзлари стадион деворларига урилиб, акс-садо берган Геригга тақлид қиласман:

— Бу-угун-н-н... Мен ўзимни... ер юзидағи... энг омадли инсон деб биламан.

Морри кўзларини юмиб, оҳиста бош ирғайди.

— Ҳа майли, мен бундай демаганман.

## Бешинчи сешанба: оила ҳақида сұхбатлашамиз

**С**ентябрнинг биринчи ҳафтаси эди. Ўқиш бошланадиган ҳафта. Ўттиз беш йилдан бери биринчи марта кекса профессоримни күзги семестр дарслари университеттеге чорламаётганди. Бостон талабаларга тұлиб кетди: қайси күчага кирманг юкларини тушираётган ёшларни күриш мүмкін. Морри эса үз кабинетидә үтиради. Нафақага чиққан футболчилар биринчи якшанба уйида үтириб, үйинни телевизорда томоша қиласа экан, "Хали ҳам улар каби майдонда үйин күрсатиш қўлимдан келарди-ку", деган хаёлларга берилгани каби Моррига ҳам уйда үтириши қандайдир хатоликдек туюларди. Қария спортчилар билан ишлаб кўрганим учун тажрибамдан биламан: үйинлар мавсуми бошланганда уларни холи қолдирған маъқул. Ҳеч нарса демаслик керак. Аммо Моррига унинг вақти тугаб бораётганини эслатишимиға зарурат туғилмади.

Тасмага ёзиб олинаётган сұхбатларимизда Морри бирор нарсани узоқ тутиб туришга қийналаётгани сабабли, қўл микрофони ўрнига телесухандонлар орасида оммалашган тўғноғич микрофондан фойдалана бошладик. Бу турдаги микрофонлар кийим ёқаси ёки камзулнинг қайтарма ёқасига қистириб қўйилади. Морри тобора озиб-тўзиб бораётган эгнига доим майнин пахтали кўйлаклар кияр, улар нуқул шалвираб, осилиб турғани сабабли микрофон гоҳ қийшайиб, гоҳ тўнтарилиб қолар, мен эса тез-тез чўзилиб, уни тўғрилаб қўйишга мажбур бўлардим. Бундай пайтларда жуда яқин – қучоқлагулик масофада туриб қолишимиз Моррига ёқадигандек кўринарди. Дардга чалинганидан бери унинг инсон тафтига эҳтиёжмандлиги янада кучайганди. Морри

томонга эгилганимда, унинг хириллаб нафас олиши, заифгина йўталиб қўйиши, ютинишдан олдин лабини ялашигача эшитиларди.

– Хўш дўстим, – деди Морри, – бугун нима ҳақида сұхбатлашамиз?

– Оила мавзусига нима дейсиз?

– Оила... – Морри бир муддат ўйга толди. – Кўриб турганингдек, менинг оиласи ёнимда. – Боши билан китоб жавонлари устидаги суратларга ишора қилди: кичкингидан Морри бувиси билан; йигитча Морри укаси Девид билан; Морри рафиқаси Шарлотта билан; Морри икки ўғли: Токёда журналист бўлиб ишловчи Роб ва Бостонда компьютерлар бўйича мутахассис Жон билан.

– Сўнгги ҳафталарда муҳокама қилинган мавзулар таъсирида оила янада муҳимроқ аҳамият касб этади, – деди Морри. – Гап шундаки, ҳозирда оиласдан ўзга инсон қад кўтариши мумкин бўлган замин – ишончли пойdevор мавжуд эмас. Хасталикка чалинганимдан бери бу нарсани теранроқ англаб етдим. Оиланг қўллаб-қувватлаши, меҳри, ғамхўрлигидан маҳрум экансан, бирор арзирли тиргагим йўқ десанг ҳам бўлади. Муҳаббат – олий неъмат. Буюк шоиришимиз Оден айтганидек, “Бир-бирингизга меҳр-муҳаббат кўрсатинг, йўқса ҳалокатга юз тутасиз”.

“Бир-бирингизга меҳр-муҳаббат кўрсатинг, йўқса ҳалокатга юз тутасиз”, – ёзиб қўйдим мен.

– Буни Оден айтганми?

– “Бир-бирингизга меҳр-муҳаббат кўрсатинг, йўқса ҳалокатга юз тутасиз”. Яхши гап-а? Жуда тўғри айтилган. Меҳр-муҳаббатсиз қанотлари синган қушга ўхшаймиз. Айтайлик, мен ажрашган, ёлғиз ёки бефарзанд бўлганимда, бошимга тушган синовларни енгид ўтиш анча оғирроқ бўларди. Менимча, бардошим етмасди. Тўғри, одамлар мендан хабар олгани келарди: ҳамкасларим, шогирдларим, аммо улар ҳар доим сен билан бирга бўлувчи яқинларингдек бўлолмайди. Сенга

кўз-қулоқ бўлиб, доимо қараб турадиган кимингдир борлиги барибир бошқача. Оиланинг яна бир аҳамияти ҳам шу: фақат яхши кўрибгина қолмай, бошқаларга улар ҳақида қайғурадиган инсон борлигини билдириб туриш. Онамнинг вафотидан кейин айнан шу нарсани жуда соғинганман; мен бу нарсани “руҳий хотиржамлик” деб атайман: оиласнг ҳар доим сен учун қайғуришини билиш. Ҳеч нарса бунинг ўрнини боса олмайди. На бойлик, на шон-шуҳрат.

У менга бир қараб олди-да:

– На иш, – деб қўшиб қўйди.

Рисоладагидек оила қуриш қисқагина рўйхатимдаги масалалардан бири эди: кеч бўлмасидан тартибга солиниши зарур бўлган ишлар рўйхати. Моррига бизнинг авлод фарзанд кўришга қаттиқ иккиланаётгани, чунки фарзандлар қўл-оёғимизга киshan бўлиши ва ўзимиз истамаган “ота-оналик” вазифалари бўйнимизга илиб қўйилишидан ҳадиксирашимиз ҳақида айтдим. Ўзимда ҳам шундай ҳадиксираш борлигини тан олдим.

Бироқ Моррига қараб, ўзимга ўзим савол берардим: Агар мен унинг ўрнида бўлиб, ўлим тўшагида ётган бўлсан ва оиласн, бола-чақам бўлмаса, ички бўм-бўшликка бардош бера олармидим? У икки ўғлини меҳрибон ҳамда ғамхўр қилиб тарбиялаган ва иккаласи ҳам Морри каби ўз меҳрини намойиш этишдан тортинмасди. Агар у хоҳлаганида, икки ўғил ҳам барча ишини ташлаб, сўнгги ойларнинг ҳар лаҳзасини отасининг ёнида ўтказган бўларди. Аммо у буни хоҳламасди.

– Яшашдан тўхтаманг, – деди у ўғилларига. – Акс ҳолда, бу дард бир эмас, уч кишининг ҳаётини вайрон қилган бўлади.

Шу йўсинда у ўлаётган жойида ҳам фарзандларининг ўз дунёси борлигини ҳурмат қилишини кўрсатди. Балки шу сабаблидир, улар Моррининг ёнида бўлганда, меҳрлари дарёдек оқиши, тинимсиз ҳазил қилишлари,

каравот ёнида ўтириб, унинг қўлларидан тутишлари ва ўпид қўйишлари одамни кўп ҳам ҳайратга солмацди.

— Одамлар мендан фарзандли бўлиш ёки фарзандсиз ўтиш ҳақида қачон маслаҳат сўрамасин, мен ҳеч қачон уларга тўғридан-тўғри нима қилишни айтмайман, — деди Морри тўнғич ўғлининг суратига қараб. — Шунчаки, “Фарзандли бўлишдек буюк неъмат йўқ” деб жавоб бераман. Тамом. Бунинг ўрнини боса оладиган нарса мавжуд эмас. Дўстинг билан ҳам, суюклигинг билан ҳам бу туйғуни бошдан кечира олмайсан. Ўзингдан бошқа бир инсон учун тўлиқ масъулиятни зиммангга олиш, унгачексиз меҳр бериш ва у билан жон риштасини боғлаш туйғусини ҳис қилиб кўргинг келса, унда фарзанд кўришинг керак.

— Демак, агар ҳаётингизни қайтадан яшаш имкони бўлганда, яна фарзанд кўришни танлармидингиз? — сўрадим мен.

Суратга кўз ташладим: Роб Моррининг пешонасидан ўпид қўяётган, Морри эса кўзларини юмганча кулаётган эди.

— Яна фарзанд кўришни танлармидим? — деди у ҳайрат билан менга боқиб, — Мич, мен ҳеч қачон бундай имкониятни қўлдан чиқармасдим. Гарчи...

У бир ютиниб олиб, суратни тиззасига қўйди.

— Гарчи бу жуда қимматга тушса ҳам, — деди у.

— Чунки барибир уларни тарк этасиз.

— Чунки уларни тез орада тарк этаман.

У лабларини қисиб, кўзини юмди. Ёноғига бир томчи кўзёш юмалаганини кўрдим.

— Энди эса, — шивирлади у, — сен гапирасан.

— Мен?

— Оиланг ҳақида. Ота-онангни биламан. Улар билан анча йиллар олдин битирув оқшомида танишганмиз. Оилангизда қиз фарзанд бор-а?

— Ҳа, — дедим мен.

— Сендан катта, тўғрими?

- Ҳа, опам бор.
- Яна битта ўғил фарзанд ҳам бор, түғрими?
- Мен баш ирғадим.
- Сендан кичикми?
- Ҳа, укам.
- Менга ўхшаркансан, – деди Морри. – Менинг ҳам укам бор.
- Ўхшаш эканмиз, – дедим мен.
- У ҳам битириш оқшомингга келганди-я?
- Мен киприк қоқдим. Бир лаҳза 16 йил олдинги ҳаммамиз йиғилган кун кўз олдимга келди: қуёшли жазирама кун, мовий ридолар, қуёш нурларидан кўзимиз қисилган, суратгатушиш учун бир-бирмизнингелкамиздан қучоқлаяпмиз; кимдир санайди “бир, икки, у-у-уч...”
- Нима бўлди? – сўради Морри тўсатдан жимиб қолганимни сезиб. – Нимани ўйлаб қолдинг?
- Ҳеч нарса, – жавоб қайтардим мен ва мавзуни ўзгартирдим.

Чиндан ҳам укам бор – жигарранг кўзлиmallasoch йигит, ўзимдан икки ёш кичик. У менга ҳам, қора сочли опамга ҳам умуман ўхшамайди; болалигимиизда “Сени бегоналар эшигимиз остонасига ташлаб кетган” деб ҳазиллашардик. “Бир куни улар сени қайтариб олиб кетади”, дердик биз. У бу гапларимизни эшитиб, йиғларди, биз эса такрорлайверардик.

Укам барча кенжатойлар каби улғайди: ҳамманинг эркатойи, севимлиси, аммо руҳан азобда. У актёр ёки хонанда бўлишни орзу қиласарди; кечки дастурхон атрофида бутун бошли телекўрсатувларни ижро этиб берар, лабида баҳтиёр табассум билан, ҳамма ролни бир ўзи ўйнарди. Мен аълочи ўқувчи эдим, у эса иккичи; мен мўмингина бола эдим, у эса қулоқсиз; мен гиёҳванд моддалар ва ичкилиқдан узоқ юрадим, у эса учраган ҳамма нарсани синаб кўрарди. У юқори мактабни тугатганидан сўнг, кўп ўтмай Европага кўчиб кетди, у ернинг беғам ҳаёт тарзини

афзал кўрарди. Шунда ҳам у оиламизнинг эркатои бўлиб қолаверди. Уйга келганида унинг ҳазилкаш ва бебошлиги олдида ўзимни чекланган, консерватив одамдек ҳис қиласадим.

Бир-биrimизга ўхшамаганлигимиз боис балоғатга етганимиздан кейин тақдирларимиз қарама-қарши йўналишда кетади, деб ҳисоблардим. Ҳамма ўйларим тўғри бўлиб чиқди-ю, фақат бир нарсада адашган эканман. Тоғам оламдан ўтган кундан бошлаб, мени ҳам худди шундай қисмат кутаётгани, оғир дард туфайли бу дунёни бемаҳал тарк этишимга ишонардим. Шу сабабли жон-жаҳдим билан ишга шўнғиб, руҳан ўзимни саратон касаллигига тайёрлардим. Унинг нафасини ҳис қилиб турар, тез орада менинг ҳаётимга ҳам кириб келишини билардим. Мен саратонни ўлимга ҳукм қилинган киши жаллод келишини кутгани каби кутардим.

Мен ҳақ эдим. У келди.

Лекин менга тегмади.

У укамни маҳв этди.

Тоғамнинг бошига етган саратон тури – ошқозоности беzi саратони. Камёб тури. Шундай қилиб, жигарранг кўзли малласоч кенжатоимиз кимётерапия ва нур билан даволаш муолажаларини бошлади. Сочлари тўкилиб, эти устухонига ёпишди. “Бу мен бўлишим керак эди-ку”, – деб ўйлардим. Лекин укам мен ҳам, тоғам ҳам эмасди. У ўжангчи эди, болалигидан шундай бўлган: ертўлада кураш тушганимизда мен оғриқдан бақириб, уни қўйиб юбормагунимча пойабзалим устидан оёғимни тишлаб ўтираверарди.

Шундай қилиб, укам жангга киришди. Бу пайтда у Испанияда яшарди; ўша вақтларда, ҳатто ҳозир ҳам АҚШда мавжуд бўлмаган, энди синаб кўрилаётган дорилар ёрдамида дард билан курашди. Муолажаларни олиш мақсадида бутун Европани кезиб чиқди. Беш йиллик муолажалардан кейин дорилар таъсирида касаллик

чекинди.

Бу хушхабар эди. Күнгилсиз хабар эса укам унинг ёнида бўлишимни хоҳламаслиги эди; нафақат мен, балки оиласиздан ҳеч кимни кўришни истамасди. Қанчалик кўп қўнғироқ қилиб, кўргани боришга уринмайлик, у хасталикни ёлғиз енгиши кераклиги айтиб, оёқ тираб олди ва ҳеч биримизни ўзига яқинлаштиrmади. Ойлар давомида ундан бирорта ҳам хабар эшитмасдик. Телефонига қолдирилган овозли хабарларимиз жавобсиз қоларди. Акалик бурчимни бажара олмаётганимдан айборлик ҳисси юрагимни тилка-пора қилар, бизни унга ғамхўрлик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этаётганидан эса ғазабим қайнарди.

Натижада яна ишга шўнғидим. Ишимни назорат қила олганим учун ҳам ишга берилардим. Иш самара келтиргани ва маъно касб этгани учун ҳам ишлардим. Ҳар сафар укамнинг Испаниядаги уйига қўнғироқ қилиб, телефон автожавоббергичида унинг испанча гапиришини эшитганимда, қанчалик бир-биримиздан узоқлашиб кетганимизни англар, гўшакни қўйиб, яна ишга шўнғирдим.

Балки Моррига боғланиб қолишимнинг сабабларидан бири ҳам шудир. Морри менга укам радэтган ғамхўрликни унга кўрсатишимга имкон берарди.

Ўтмишга назар ташлар эканман, балки Морри бу ҳақида бошиданоқ билгандир, деб ўйлайман.

*Болалигимиздаги қиши кунларидан бири, шаҳардан ташқарида жойлашган маҳалламиznинг тегаликларини қалин қор қоплаган. Укам билан чанага миниб олганимиз: мен олдинда, у орқада. Иягини елкамга тираб олган, оёқлари тиззаларимнинг орқа қисмига тегиб турибди.*

*Йўлакнинг музли бўлакларидан ўтаётганимизда, чана тарақлаб овоз чиқарди. Қирдан пастга сирпанганимиз сари тезлик ошиб борди.*

— МАШИНА!!! — бақиради кимдир.

Күча бўйлаб чап томонимиздан келаётган машинага кўзимиз тушади. Биз қичқирганча, чанани ёнга буришга ҳаракат қиласиз, бироқ унинг оёқлари қимирлай демайди. Ҳайдовчи жон-жакди билан сигнал чалиб, тормозни босади, биз эса бундай вазиятларда одатда болалар қиласиган ишни қиласиз: чанадан пастга сакраймиз. Капюшонли курткамизга ўралиб, совук, нам қорда ғуладек пастга думалаимиз; хаёлимизда эса мана-мана машина ғилдираклари остида қоладигандек ҳис қиласиз ўзимизни. “AAAAAA” деб бақириб, қўрқувдан титраганча пастга думалашда давом этамиз: дунё чирпирак бўлиб айланади – тепага, пастга, тепага, пастга.

Кейин эса... бирдан ҳаммаси тугайди. Биз думалашдан тўхтаемиз ва нафас ростлаб, юзимиздан эриб тушаётган қорни артамиз. Ҳайдовчи кўча охира ҳурилиб, танбеҳ бергандек биз томонга кўрсаткич бармоғини ўқтаб, қўлинин силкийди. Ҳеч қандай шикаст емадик. Чанамиз қор ўюмига урилиб, оҳиста ғичирлайди; дўстларимиз елкамизга қоқиб, “Қойил! Ўлишларинг мумкин эди-я!” дейди.

Мен укамга қараб тиржаяман, болаларча мағрурлик бизни бирлаштиради.

– Унчалик ҳам қийин эмас экан, – деган фикр ўтади хаёлимиздан, яна ажал билан ўйнашишга тайёрланар эканмиз.

## Олтинчи сешанба: хис-туйғулар ҳақида сұхбатлашамиз

**Т**оғ дафнаси ва япон заранг дараҳти ёнидан ўтиб, күкимтири тош зиналардан Моррининг үйига күтарилидим. Том қирраси бўйлаб ўрнатилган оқ тарнов кириш эшиги устида осилиб, айвонча ҳосил қилганди. Эшик қўнғироғини чалдим, лекин мени Конни эмас, Моррининг рафиқаси Шарлотта – аллаловчи оҳангда гапирадиган кулранг сочли гўзал аёл қарши олди. Мен келганимда кўпинча у ўйда бўлмасади – Морри хоҳлагани учун Массачусетс технологиялар йиғитида ишлашни давом эттираётганди; бу сафар уни кўрганимдан бироз ҳайратландим.

– Бугун Моррининг аҳволи унчалик яхши эмас, – деди у. Бир лаҳза елкам оша ташқарига тикилиб турди, кейин эса ошхонага қараб юрди.

– Афсусдаман, – дедим мен.

– Йўқ, йўқ, у ташрифингиздан хурсанд бўлади, – тезда жавоб қайтарди у. – Албатта...

Гапини тугатмасдан жимиб қолди ва бошини бироз буриб, ниманидир эшлишига уринди. Сўнг гапидә давом этди:

– Албатта... шу ердалигингишни эшлиши биланоқ ўзига келиб қолади.

Бозордан харид қилган нарсаларим солинган пакетларни қўлимга олдим:

– Одатий озиқ-овқат таъминоти, – ҳазил аралаш айтдим мен.

Унинг юзида хавотир аралаш табассум пайдо бўлди.

– Шундоқ ҳам егулик кўп эди. Охирги марта олиб келингандаридан ҳеч нарса емади ҳали.

Унинг гапидан ҳайратга тушдим.

– Ҳеч қайсини емадими? – сўрадим мен.

У музлаткични очганди, таниш маҳсулотларга кўзим тушди: товуқли салат, вермишель, сабзавотлар, қовоқ дўлма – Моррига атаб олиб келганларим. У ҳозиргина кўрганимдан ҳам кўпроқ егуликлар тўлдирилган музхонани очди.

– Морри бу овқатларнинг кўпини ея олмайди. Ютишга жуда қийналяпти. Энди у фақат юмшоқ ва суюқ маҳсулотларни ейиши мумкин.

– Лекин у менга бу ҳақида ҳеч оғиз очмаган, – дедим мен.

Шарлотта жилмайди:

– У сизни хафа қилишни хоҳламайди.

– Бу мени хафа қилмаган бўларди. Шунчаки, қандайдир ёрдамим тегса дегандим. Унга нимадир олиб келсан дегандим...

– Нимадир олиб келяпсиз. У ташрифингизни интизорлик билан кутади. Ушбу лойиҳани айнан сиз билан амалга ошириши зарурлиги, бунинг учун диққатини бир ерга жамлаши ва алоҳида вақт ажратиши кераклиги ҳақида гапиради. Менимча, бу Моррига яшашидан мақсад борлигини ҳис қилишга ёрдам беряпти...

Унинг нигоҳи яна узоқ-узоқларга тикилаётгандек қотиб қолди, хаёлан бошқа ерда кезиб юргандек эди. Тұнлари Моррининг аҳволи ёмонлашиб бораётганини билардим: кечаси үхлай олмасди, демак, Шарлотта ҳам кўпинча мижжа қоқмай чиқарди. Баъзида Морри соатлаб йўталар, чунки томогига ёпишган балғамдан қутулиш анча вақт оларди. Энди тиббий ходимлар туни билан навбатчилик қилишар, кундузи эса Морридан хабар олгани келувчиларнинг кети узилмасди: собиқ талабалар, ҳамкасб профессорлар, медитация мураббийлари. Айрим кунлари беш-олти киши ташриф буюрар ва кўпинча Шарлотта ишдан қайтганида, меҳмонлар ҳали ҳам профессор билан ўтирган бўларди. Гарчи бегоналар

Шарлоттанинг Морри билан ўтказиши мүмкин бўлган қимматли дақиқаларини ўғирлаётган бўлса-да, у барчасига сабр билан қаرارди.

— ...мақсад борлигини ҳис қилиш, — давом этди Шарлотта. — Ҳа. Биласизми, бу фойдали.

— Шундай деб умид қиласман, — дедим мен.

Янги келтирилган егуликларни музлаткичга жойлаштиришга ёрдамлашдим. Ошхона столида турли қайдномалар, ҳабарлар, маълумотлар ва тиббий кўрсатмалар ёзилган қоғоз парчалари ётарди. Стол усти ҳар доимгидан ҳам кўпроқ дори-дармонларга тўлиб кетганди: кўксов касали учун “Селестон”, “Ативан” уйқу дориси, инфекцияларга қарши курашиш учун “Напроксен”, сутли қоришма кукуни ва сурги дорилар. Коридор охирида эшик очилгани эшилтилди.

— Энди бўшади, шекилли... Бориб қарай-чи.

Шарлотта яна мен келтирган егуликларга кўз ташлаганди, бирданига мени уят ҳисси чулғаб олди. Буларнинг бари Морри эндиликда лаззат олишдан маҳрум бўлган нарсаларни ёдга соларди.

Моррининг дарди оғирлашаётганини кўрсатувчи белгилар кўпайиб бораётганди. Ва ниҳоят, Моррининг ёнига кириб ўтирганимда, у одатдагидан кўпроқ йўталаётганини сездим: кўкрак қафасини ларзага келтираётган қуруқ, томоқни қиравчи йўталдан боши олдинга силкиниб-силкиниб кетарди. Навбатдаги йўтал хуружидан кейин у тўхтаб, кўзларини юмди ва чуқур нафас олди. Унинг ўзига келиб олишини кутиб, жимгина ўтирдим.

— Тасмага ёзиб оляпсанми? — тўсатдан сўради у, кўзини очмасдан.

— Ҳа, ҳа, — дедим мен тезда, “Ёқиши” ва “Ёзиб олиш” тұгмаларини боса туриб.

— Мен ҳозир, — давом этди у кўзлари юмуқ ҳолда, — воқеликдан узилляпман.

– Узиляпсиз?

– Ҳа. Узиляпман. Бу нафақат мен каби ўлим ёқасидагилар учун, балки сендеқ тамомила соғлом одамлар учун ҳам мұхим. Воқелиқдан үзилишни ўрган.

У күзларини очди. Нафас чиқарди.

– Биласанми, буддистлар нима дейди? Буюмларга боғланиб қолманг, чунки ҳеч бири боқий эмас.

– Тұхтанг, тұхтанг, – дедим мен. – Ахир, доим ҳаётда ҳамма нарсаны татиб күриш керак деган үзингиз эмасми? Барча яхши ҳисларни, ёмонларини ҳам.

– Ҳа.

– Ҳүш, агар воқелиқдан үзилсангиз, қандай қилиб татиб күрасиз?

– Ҳмм. Фикрлаяпсан, Мич. Аммо үзилиш бу воқеликнинг ичингга кириб боришига монелик қилиш дегани эмас. Аксинча, унинг сенга тұлиқ сингиб кетишига имкон бериш. Шундагина уни тарқ эта оласан.

– Ҳеч вақони тушунмаяпман.

– Исталған түйғуни олайлик – хоҳ у аёлга мұхабbat бўлсин, хоҳ у йўқотилған суюкли инсонинг ғамида куйиш ёки мен бошдан кечираётган ҳислар: оғриқ ва бедаво дард қўрқуви бўлсин. Агар ҳисларингни ҳадеб жиловлайверсанг, түйғуларингга эрк бермасанг, ҳеч қачон улардан қутула олмайсан, қўрқув исканжасида қолиб кетасан. Оғриқ, ғам сени даҳшатга солаверади. Мұхабbat сени заиф қилиб қўйишидан қўрқасан. Аммо үзингни ҳеч бир ҳадикларсиз түйғулар уммонига отиб, унга тамоман ғарқ бўлгач, эркингни бутунлай ҳис-түйғулар ихтиёрига топшириш орқалигини уларни тўлалигича ҳис этасан. Оғриқ нималигини англайсан. Мұхабbat нималигини англайсан. Қайғу нималигини тушуниб етасан. Фақат шундан кейингина “Бўлди. Мен бу түйғуни бошдан кечирдим. Уни таниб олдим. Энди эса бир лаҳзага бу түйғудан үзилишим керак”, дея оласан.

Морри гапидан тұхтаб, унинг сўзларини тўғри

тушунаётганимга ишонч ҳосил қилиш учун менга синовчан нигоҳ ташлади.

— Биламан, гап фақат ўлим ҳақида бораётгандек туюляпти сенга, — деди у. — Лекин сенга такрор ва такрор таъкидлаганимдек, ўлишни ўрганган кунинг яшашни ҳам ўрганасан.

Морри бошидан ўтган энг қўрқинчли онлари ҳақида гапириб берди: кўкрак қафаси хуружлар исканжасида қолиб кетгандек ёки кейинги нафаси сўнгтиси бўлиши мумкиндек туюлган пайтлар.

— Даҳшатли онлар, — деди у. — Бундай пайтда энг биринчи бўлиб, қўрқув, ваҳима ва саросимага тушиб қоласан.

Бироқ у ушбу ҳисларни, уларнинг тузилиши, таъми, этни жимирилатиб, мияга чақмоқдек қайноқ қон юргутиришини билиб олгач, ўзига “Яхши. Бу қўрқув. Ундан чекиниш керак. Чекиниш”, дея оладиган бўлди.

Мен бу куч кундалик ҳаётда қанчалар асқатиши мумкинлиги ҳақида ўйладим. Баъзан ўзимизни шунчалар ёлғиз ҳис қиласизки, ўксиб йиғлагимиз келади; лекин йиғлашуюят, дебкўзёшларимизни ичимизга ютамиз. Ёки умр йўлдошимизга нисбатан меҳримиз жўшиб кетган пайтлар ҳам, туйғуларимизни изҳор этиш муносабатларимизга акс таъсир ўтказишидан қўрқиб, индамай қўя қоламиз.

Моррининг ёндашуви тўлалигича бунинг акси эди. Жўмракни охиригача оч. Ўзингни туйғулар билан покла. Бу сенга озор бермайди. Фақатгина ёрдами тегади. Қўрқув ичингга кириб боришига имкон бериб, уни худди кўйлак каби бемалол эгнингга илиб кетаверадиган бўлганингдагина, ўзингга “Ҳаммаси яхши, бу шунчаки қўрқув, холос. У мени бошқаришига имкон бермаслигим керак. Унинг нималарга қодирлигини биламан”, дея оласан.

Ёлғизлик билан ҳам худди шундай йўл тут: унга эрк бер, юм-юм кўзёш тўқ. Кейин эса “Мана, ёлғизлик таъмини

ҳам тотиб кўрдим. Ўзимни ёлғиз сезишдан қўрқмайман, лекин энди уни бир четга суриб, бу оламнинг бошқа кўплаб туйғулари билан танишиб, уларни ҳам ҳис қилиб кўраман”, дейишга куч топ.

– Воқелиқдан узил, – такрорлади Морри.

У кўзларини юмиб, йўталди. Кейин яна.

Учинчисида янада қаттиқроқ йўталди.

Бир пайт у бўғила бошлади: ўпкасида йиғилиб қолган тикин уни масхаралаётгандек ярим йўлгача қўтарилиб, кейин яна орқага қайтар, нафас олишга имкон бермасди. У томоғига нимадиртиқилиб, ўтирган жойида сакраб-сакраб тушар, қўлларини олдинга узатиб, қаттиқ силкитарди. Кўзлари юмуқ ҳолда қўлларини силкитишидан вас-вас бўлиб қолгандек кўриннарди. Пешонамни тер босганини сездим. Мен беихтиёр уни ўзимга тортиб, икки кураги ўртасига шапатиладим; у сочиқча билан оғзини беркитиб йўталди-да, балғам ҳалқобини тупуриб юборди.

Йўтал тўхтади; Морри ўзининг юмшоқ ёстиқларига ястаниб, ютоқиб нафас олди.

– Яхшимисиз? Ўзингизга келдингизми? – сўрадим мен, қўрқувимни яширишга уриниб.

– Ҳа... яхшиман, – шивирлади Морри қалтираётган бармоғини қўтариб. – Ҳозир... Бир дақиқа.

Унинг нафас олиши бир маромга тушгунича жим ўтиридик. Бошим терлаб кетганини ҳис қилдим. У деразани ёпишимни сўради – енгил шабадада ҳам совуқ ерди. Ташқарида ҳаво 26 дараҷа иссиқлигини айтиш эсимдан чиқибди.

– Қандай ўлишни хоҳлашимни биламан, – ва ниҳоят шивирлади у.

Жимгина унинг гапида давом этишини кутдим.

– Мен хотиржам, осойишта ўлим топишни хоҳлайман. Ҳозир кўрганингдек эмас. Мана қаерда воқелиқдан узила билиш қўл келади. Агар ҳозиргидек йўтал тутганда жоним узилса, қўрқувдан халос бўлиб, “Вақт-соатим етди”, дея

олишим зарур. Бу дүнёни юрагимда қўрқув билан тарк этишни хоҳламайман. Мен нима содир бўлаётганини англаш, ҳолатни борича қабул қилиб, сокинлиқда жон беришни хоҳлайман. Нима деяётганимни тушуняпсанми?

Мен бош ирғадим.

– Фақат ҳали кетмай туринг, – шошиб қўшиб қўйдим мен.

Морри зўрға жилмайди:

– Йўқ. Ҳали эрта. Ҳали қиладиган ишларимиз бор.

– Реинкарнацияга ишонасизми? – сўрайман мен.

– Қайдам.

– Нимага айланиб қайтган бўлардингиз?

– Агар танлаш имконим бўлса, оҳуга.

– Оҳу?

– Ҳа, оҳу. Улар бирам назокатли. Бирам учқур.

– Оҳу?

Морри менга қараб, жилмаяди:

– Сенга танловим ғалати туюляптими?

Унинг озиб-тўзиб кетган гавдаси, қопдек кенг кийимлари, қалин пайпоқ кийдирилиб, ғалвирак резина ёстиқ устига ташлаб қўйилган, маҳбуснинг темир кишан урилган оёқлари каби қимирлашга ожиз оёқларини кўздан кечираман. Саҳрода шамолдек елаётган чопқир оҳуни тасаввур қиласман.

– Йўқ, – дейман кейин. – Ҳечам ғалати эмас.

## Профессор: иккинчи қисм

Мен билган Морри, бошқа кўплаб инсонлар билган Морри Вашингтон шаҳрининг шундоқ ташқарисида жойлашган, алдамчи осойишта номга эга “Каштан уйча” руҳий касаллар шифохонасида ишлаган йилларисиз биз таниган инсон бўла олмасди. Бу Моррининг Чикаго университетида магистрлик ва ПХД илмий даражаларини қўлга киритганидан кейинги дастлабки иш жойларидан бири эди. Тиббиёт, ҳуқуқ ва тадбиркорликдан юз ўтиргач, Морри тадқиқот билан машғул бўлишни бошқаларни эксплуатация қиласдан туриб жамиятга ўз ҳиссасини қўша оладиган соҳа деб топди.

Моррига руҳий хаста беморларни кузатиши ва уларнинг муолажаларини қайд этиб бориши учун грант ажратилди. Гарчи бу ҳозирда одатий бўлиб туюлса-да, эллигинчи йилларнинг бошларида янги амалиёт ҳисобланарди. Морри кун бўйи бақириб чиқадиган беморларни кўрди. Туни билан йиғлаб чиқадиган, иштонини булғаб қўядиган, овқат ейишдан бош тортган, қўл-оёғини боғлаб, томирига дори-дармон юбориш орқали озиқлантирилган беморларни кузатди.

Шифохонадаги беморлардан бири – ўрта ёшлардаги аёл ҳар куни хонасидан чиқиб, коридорнинг кафелли полига юзтубан ётиб олиб, соатлаб шу ҳолатда қолар, шифокор ва ҳамширалар эса шунчаки уни четлаб ўтиб кетаверарди. Морри унинг ҳаракатларини қўрқув билан кузатса-да, кузатувларини ён дафтарига қайд қилиб борарди – унинг вазифаси ҳам шу эди. Бемор аёл ҳар куни шу ҳаракатини такрорларди: тўнгда хонасидан чиқиб келиб, полга ётиб олар ва то кечгача шу ҳолатда қолар, ҳеч ким билан гаплашмас, бошқалар ҳам унга

эътибор бермасди. Морри унга ачинарди, унинг ёнида полда ўтиришни одат қилди; аёлни тушкунликдан халос қилишга уринар экан, баъзан унга қўшилиб полга ётиб оларди. Охир-оқибат уни ўтиришга ва ҳатто хонасига қайтишга кўндиради. Маълум бўлишича, аёл ҳам аксарият кишилар каби бошқалар унга эътибор қаратишларини хоҳлаган экан.

Морри “Каштан уйча”да беш йил ишлади. Беморлар биландўстлашиштавсия этилмаса-да, Морри уларнинг бир нечтаси билан яқин бўлиб кетди; улар орасида Моррига бой эрининг уни үшбу шифохонага жойлаштиришига қурби етганини ўзининг омади деб билишини айтиб ҳазиллашувчи аёл ҳам бор эди.

— Агар арzon руҳий шифохоналардан бирига жойлаштирилганимда аҳволим не кечарди? — дерди аёл.

Ҳамманинг юзига тупуриб юрадиган бошқа бир аёл Моррини ёқтириб қолган, уни ўзининг дўсти деб атарди. Улар ҳар куни суҳбатлашишар, шифохонадагилар эса ҳеч бўлмаса бир киши бу аёл билан мулоқотга кириша олганидан мамнун эди. Бироқ кунларнинг бирида аёл қочиб кетди ва Морридан уни қайтариб олиб келишда ёрдам сўрашди. Уни яқиндаги дўконларнинг бирида — омборхонада беркиниб ўтирганини аниқлашди. Морри кириб борганида, аёл унга ғазабнок нигоҳини қадади.

— Сен ҳам уларнинг бири экансан-да?! — қичқирди у.

— Кимларнинг бири? — сўради Морри.

— Мени қамоқда сақлаётганларнинг.

Морри аксарият bemорлардан яқинлари юз ўгиргани, улар бошқалар эътиборидан маҳрум эканликлари ва кишиларнинг муносабатидан ўзларини бу ҳаётда умуман мавжуд эмасдек ҳис қилишларига гувоҳ бўлди. Уларга ҳамдардлик етишмас, чунки шифохона ходимларида бу тўйғу жуда тез поёнига етарди. Беморларнинг кўпчилиги бадавлат, бой оиласардан бўлиб, бойлик уларга баҳт ёки ҳаётдан мамнунлик ҳиссини бера олмаганди. Бу нарса

Морри үчүн үнүтилмас сабоқ эди.

Мен Моррига олтмишинчи йилларда қолиб кетгансиз, деб ҳазиллашардим. У эса ҳозир яшаётган давримиз билан солиштирғанда олтмишинчи йиллар у қадар ёмон бўлмаганини айтарди.

Морри Брандейсга руҳий саломатлик соҳасидаги ишидан кейин – олтмишинчи йиллар арафасида келганди. Бир неча йил ичида университет маданий инқилоб ўчоғига айланди. Гиёҳванд моддалар, жинсий муносабатлар, ирқчилик, Ветнам урушига қарши намойишлар. Эбби Хоффман Брандейсда таҳсил олган. Жерри Рубин ва Анжела Девис ҳам. Моррининг дарсларида “радикал” талабалар кўп эди.

Бунинг сабабларидан бири – Жамиятшунослик факультети ўқитувчилари оддийгина дарс беришдан ташқари ўзлари ҳам ушбу жараёнларга бош қўшганди. Масалан, факультет тиш-тирноғи билан урушга қарши эди. Талабалар белгиланган ўртача бални тўплай олмаса, армияга чақирилиши кечиктирилгани ҳақидаги ҳужжатлари бекор қилинишидан хабар топган ўқитувчилар талабаларга умуман баҳо қўймасликка қарор қилишди. Университет маъмурияти агар баҳо қўйилмаса, барча талабалар имтиҳонлардан йиқилган деб ҳисобланишини айтганида, Морри ушбу муаммонинг ечимини топди: “Келинг, уларнинг ҳаммасига А (аъло) баҳо қўямиз”. Ва ҳамма ўқитувчилар у айтганидек қилди.

Кампусга ҳурфикрлилик олиб кирган олтмишинчи йиллар Моррининг бўлимида фаолият юритувчи ходимларга ҳам ҳурфикр ғоялар олиб келди: ишга ҳозирда одат тусига кирган жинси шим ва шиппақда келишдан бошлаб то синфхонага юраги уриб турувчи жонли даргоҳ сифатида қарашгача. Улар муҳокамани маърузадан, амалиётни назариядан устун қўя бошлади. Улар инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги лойиҳалар устида ишлаётган талабаларни жанубий штатларга, амалиётчи талабаларни

эса катта шаҳарларнинг noctor қисмларига юборишиди. Улар норозилик намойишларида иштирок этиш учун Вашингтонга боришар; Морри кўпинча талабалар тўла автобусни ўзи ҳайдарди. У шундай сафарларнинг бирида бўйниларига ранг-баранг мунчоқлар тақиб олган аёллар этакларини ҳилпиратиб, аскарларнинг милтиқларига гул қўйгани, кейин эса майсазорга ўтириб, қўл ушлашиб, Пентагонни фикр кути билан ҳавога кўтаришга уринишганини майнин табассум билан томоша қилди.

— Уни қўзғата олишмади, — деди Морри, кейинчалик шу воқеани ёдга оларкан, — лекин муҳими, уриниб қўришиди.

Кунларнинг бирида бир грух қора танли талабалар Брандейс университетининг Форд корпусини эгаллаб олишди ва унга “Малколм X университети” деб ёзилган баннер илиб қўйишиди. Форд корпусида кимё лабораториялари жойлашгани сабабли айрим маъмурият вакиллари бу радикаллар ертўлада бомба тайёрлаяпти деган хавотирга ҳам борди. Морри гап нимадалигини яхши биларди. У муаммонинг асл моҳияти – ўзларининг қандайdir аҳамиятга эга эканлигини ҳис қилишга уринаётган оддий инсонлар эканини кўриб турарди.

Қўзғолон бир неча ҳафта давом этди. Морри бинонинг ёнидан ўтиб кетаётганида, қўзғолончилардан бири севимли устозини таниб қолиб, деразадан киришга ундумаганида, қўзғолон узоқроқ давом этиши ҳам мумкин эди.

Бир соатдан кейин Морри қўзғолончиларнинг истаклари акс этган рўйхат билан деразадан эмаклаб қайтиб чиқди. У рўйхатни университет президентига етказгач, муаммо ҳал этилди.

Морри ҳар доим муаммоларни тинч йўл билан ҳал қилишнинг уддасидан чиқарди.

Брандейс университетида у ижтимоий психология, руҳий хасталиклар ва руҳий саломатлик, жамоада шахснинг ахлоқи каби фанлардан дарс берарди. Дарслар

ҳозирда “касбий кўникмалар” деб аталувчи жиҳатларга кўп ҳам урғу бермасдан, асосий эътиборни “шахсий ривожланиш”га қаратади.

Шу сабабли ҳам, бугуннинг ҳуқуқшунослик ва тадбиркорлик йўналиши талабалари унинг дарсларини ўта содда ва бефойда деб ҳисоблаган бўларди, балки. Унинг талабалари университетни битиргач, қанча пул топди? Неча марта судда катта ишларни ютиб чиқди?

Бироқ шу билан бир қаторда, университетни тамомлагач, ушбу ҳуқуқшунос ва тадбиркор талабаларнинг нечтаси ўзларининг кекса профессоридан хабар олади? Моррининг талабалари ҳар доим уни кўргани келиб туришарди. Умрининг охирги кунларида уникига юзлаб талабалари ташриф буюрди: Бостон, Нью-Йорк, Калифорния, Лондон ва Швейтсариядан; йирик компаниялар ва ночор туманлар мактабларида фаолият юритаётганлар. Унга қўнғироқ қилишди, хатлар ёзишди. У билан учрашиш, суҳбатлашиш, унинг табассумини кўриш учун юзлаб миль йўл босиб келишди.

— Бошқа сизга ўхшаган бирорта ўқитувчи топмадим, — дея таъкидларди келган талабаларнинг ҳар бири.

Морри билан суҳбатларимиз давом этаркан, мен ўлим ҳақида ўқий бошладим: турли маданият вакилларининг ҳаётдан кўз юмишга қарашлари ҳақида. Масалан, Шимолий Американинг Арктикага яқин қисмида истиқомат қилувчи бир қабила ер юзидағи барча нарсанинг ичидаги ўзининг митти шакли яшайди, яъни кийикнинг ичидаги митти кийикча, одамнинг ичидаги эса митти одамча яшайди. Ташки — катта мавжудот вафот этганида, ички — митти мавжудот яшашда давом этади. У яқин-атрофда дунёга келган бошқа мавжудотга айланиши ёки буюк аёл руҳ қорнида самодаги вақтинчалик ҳордиқ масканига кўтарилиб, ой уни ерга қайта юборишини кутади.

Баъзида ой дунёга келган янги руҳлар билан шу қадар

банд бўладики, осмонда кўринмай қолади, дейишади. Шу сабабли ойсиз тунлар бўлиб туради. Аммо охир-оқибат ой ҳар доим қайтади, худди биз қайтганимиздек.

Мана нимага ишонади бу қабила.

## Еттинчи сесанба: кексайишдан қўрқиши ҳақида сұхбатлашамиз

**М**орри жангни бой берди. Энди кимдир унинг кетини артиб қўядиган бўлди.

У буни одатий довюраклик билан қабул қилди. Ҳожатдан кейин қўли орқасига етмаётганини англагач, яна бир имконияти чекланганидан Коннини хабардор қилди.

— Менинг ўрнимга бу ишни қилишга уялмайсизми?

— Йўқ, — жавоб берди у.

Дастлаб инсоннинг ўзидан сўраб олиш Моррига хос хислат эди.

Бу ҳолат қайсиadir маънода хасталикка тўлиқ таслим бўлиш ҳисоблангани сабабли Морри унга кўниши бироз вақт олганини тан олди. У эндиликда энг оддий ва ўта шахсий ишларни бажариш имкониятидан ҳам маҳрум бўлганди: ҳожатхонага бориш, бурнини артиш, авратини ювиш. Нафас олиш ва овқатини ютишдан ташқари, у деярли барча нарсада бошқаларга қарам бўлиб қолганди.

Мен Морридан қандай қилиб шу вазиятда ҳам некбин кайфиятда яшашни уддалаётганини сўрадим.

— Мич, бу қизик, — деди у. — Мен мустақил одамман, демак, буларнинг барчаси — машинадан тушишда бирорнинг ёрдамига таяниш, кимдир мени кийинтириб қўйиши каби ишларга қарши курашишим зарур, деган фикрда эдим. Бошида бироз уядим ҳам, чунки жамиятимиз бизга кетимизни ўзимиз арта олмасак, бундан уялишимиз кераклигини уқтиради. Кейин ўйлаб қолдим: “Жамият нима дейишини эсингдан чиқар. Умримнинг кўп қисмини жамият меъёrlарига амал қилмай ўтказдим. Бу сафар ҳам уялиб ўтирумайман. Шу ҳам муаммоли?” Биласанми нима? Жуда ғалати нарса содир бўлди шунда.

— Нима бўлди?

— Бошқаларга қарамлигимдан роҳатлана бошладим. Ҳозир мени ёнбошга ётқизиб, оғриқларни олдини олиш учун орқамга малҳам сурин қўйишларидан роҳатланаман. Пёшонамни артиб қўйишганида ёки оёқларимни уқалашганда ҳам. Мен бундан завқланаман. Кўзларимни юмиб, хурсандчиликни қалбимга сингдираман. Бу жуда таниш туйғудек туюлади менга. Худди болаликка қайтиб қолгандек сезаман ўзимни. Кимдир чўмилтиради. Кимдир кўтаради. Кимдир артиб қўяди. Бола бўлишни ҳаммамиз биламиз. Бу нарса барчамизning ич-ичимизда бор. Мен учун бу, шунчаки, бола бўлишдан роҳатланиши қайта ёдга олиш, холос. Ҳақиқат шундаки, ҳаммамиз ҳам онамиз бизни қўлларига олиши, тебратиши, бошимизни силашидан завқланиб тўймаганмиз. Ҳар биримиз қайсиdir даражада ўша кунларни — парваришимиз бутунлай ўзгаларнинг зиммасида бўлган пайтларга, бизга беминнат меҳр, шартсиз эътибор кўрсатилган даврларни қўмсаймиз. Кўпчилигимиз шу меҳрга тўймай қолганмиз. Менга шу нарсалар етишмаган.

Мен Моррига қарадим ва бирданига нега у томонга эгилиб, микрофонни тўғрилашим, ёстиқларини кўтариб қўйишим ёки мижжаларини артишимдан бунчалар хурсанд бўлиб кетишини тушундим. Инсон тафти. Етмиш саккиз ёшида у катталар каби бериб, болаларча қабул қилаётганди.

Шу куни кечга яқин кексайиш ҳақида сухбатлашдик. Эҳтимол, кексайиш қўрқуви десам тўғрироқ бўлар. Бу мавзу бизнинг авлодимизни қийнаётган саволлар рўйхатидаги масалалардан бири эди. Бостон аэропортидан келгунимча йўлдаги ёш ва чиройли одамлар акс эттирилган Ҷеклама тахталарини санадим. Биттасида келишган йигит, ковбойлар шляпаси кийиб, тамаки чекиб турибди, кейингисида иккита ёш, чиройли аёл шампуњи идишига қараб жилмаймоқда, яна биридан жинси шимининг тұгмалари қадалмаган ўсмир қиз нозли нигоҳ

ташламоқда, бошқасида эса қора чийдұхоба күйлакли жозибали аёл костюм-шым кийиб олган эркакнинг ёнида турибди, құлларида бир қадаң шотланд вискиси.

Йўлга ўрнатилған рекламаларда бирорта ҳам ёши ўттиз бешдан ошған кишини күрмадим. Моррига қанчалик чўққида қолишга уринмай, барibir довонни ошиб, яна пастлай бошлаганимни хис қилаётганимни айтдим. Мунтазам жисмоний машқлар қилардим. Тўғри келган нарсани еб кетавермасдим, парҳезли овқатлар ердим. Ойнага тикилиб, сочимнинг фарқини текширадим. Авваллари ёш бўлишимга қарамай, кўп ютуқларга эришганим сабабли ёшимни айтишдан фахрланардим, энди эса қирқ ёшга, демак, касбий таназзулга ҳам жуда яқинлашиб қолганимдан қўрқиб, ёш ҳақида гапиришдан қочаман.

Морри кексайишга ижобий томондан қаرارди.

– Ёшликни мадҳ этишларига мен лаққа ишониб кетавермайман, – деди у. – Қулоқ сол, ёшлик қанчалар оғир кечишини биламан, шунинг учун менга ёшликни мақтаб овора бўлма. Олдимга руҳий парокандалик, ички зиддиятлар, ўзидан қониқмаслик ҳиссидан шикоят қилиб келган болаларнинг барчаси ҳаётни ғам-ҳасратга тўла деб билиб, шу қадар тушкунликка тушганидан ўзларини ўлдиришни хоҳларди... Шунча бадбахтиклар камдек, ёшларга донолик ҳам этишмайди. Улар ҳаёт ҳақида жуда саёз тушунчага эга. Нималар содир бўлаётганини тушунмагач, ким ҳам ҳар куни яшагиси келади? Одамлар истаганича қарашларингга ишлов беради, “Мана бу атирни сотиб олсанг, гўзал бўласан” ёки “Мана бу жинси шимни олсанг, жозибадор кўринасан” дейишади ва сен уларга ишонасан! Фирт бемаънилик!

– Ҳеч кексайишдан қўрқмаганмисиз? – сўрадим мен.

– Мич, мен кексаликни қучоқ очиб кўтиб оламан.

– Қучоқ очиб?

– Бу жуда оддий. Ёшинг ўтгани сари ҳаётий тажрибанг

ҳам ошиб бораверади. Агар йигирма икки ёшлигингча қолганингда, бир умр йигирма икки ёшингдаги каби жоҳил бўлиб яшардинг. Биласанми, кексайиш бу фақатгина сўлиш дегани эмас. Бу ўсиш дегани. Ажалинг яқинлашаётгани ёмон, албатта, аммо ўлим муқаррарлигини англаб етишинг ва шу сабабли ҳам мазмунлироқ ҳаёт кечиришинг – кексайишнинг ижобий томони.

– Тўғри, — дедим мен. — Лекин кексайиш шунча афзалликларга эга бўлса, нега одамлар доим “Қанийди, ёшлигимга қайтиб қолсам!” дейди. Кимнингдир “Олтмиш беш ёш бўлиб қолсам эди!” деганини ҳеч эшитмайсиз.

У жилмайди.

– Биласанми, бу нимадан дарак беради? Ўз ҳаётидан қониқмаслик. Беҳуда кечган умр. Мазмуни топилмаган ҳаёт. Сабаби, агар сен ҳаётинг мазмунини топган бўлсанг, орта қайтинг келмайди. Олға интилгинг келади. Янада кўпроғини кўришни, каттароқ ишларни амалга оширишни хоҳлайсан.. Олтмиш беш ёшингни орзиқиб кутасан. Қулоқ сол. Сен бир нарсани тушунишинг керак. Барча ёшлар буни билиши керак. Агар нуқул кексайишга қарши курашиб билан банд бўлсанг, бир умр бахтсизлигингча қолаверасан, чунки кексалиқдан қочиб қутула олмайсан. Ҳа, яна бир гап, Мич, – у овозини пастлатди. – Ҳақиқат шуки, сен ҳам охир-оқибат ўласан.

Мен бош ирғадим.

– Ўзингни нималар деб овутишингдан қатъи назар.

– Биламан.

– Бироқ умид қиласманки, – деди у, – унгача ҳали жудаям кўп вақт бор.

У юзида хотиржам ифода билан кўзларини юмди, кейин эса мендан бошининг орқасидаги ёстиқларни тўғрилаб қўйишини сўради. У ўзини қулаг ҳис қилиши учун тана ҳолатини мунтазам ўзгартириб туриши зарур эди. У оппоқ ёстиқлар, сариқ поролон ва кўк сочиқлар билан ясатилган ўриндиқда ястаниб ётарди. Бир қарашда Морри

юк сифатида жүннатишга тайёрланиб, қадоқланаётгандек туоларди.

– Раҳмат, – деди у, ёстиқларни суриб қўяр эканман.

– Арзимайди, – дедим мен.

– Мич, нима ҳақида ўйлаяпсан?

Жавоб беришдан олдин бироз ўйланиб турдим.

– Майли, – дедим кейин. – Қандай қилиб ёш, соғлом кишиларга ҳасад қилмаслигингиз мумкинлиги ҳақида бош қотиряпман.

– Хаҳ, албатта, ҳасад қиласман, – у қўзларини юмди.

– Уларнинг спорт клублари ёки сузишга бориш имкони борлигига ҳасад қиласман. Ёки рақс тушишига. Асосан, рақс тушиш имкони ҳасадимни келтиради. Лекин ҳасад кириб келади, мен уни ҳис қиласман, кейин эса кўнглимдан чиқариб юбораман. Воқеликдан узилиш ҳақидаги гапларим эсингдами? Қўйиб юбор. “Бу ҳасад, ҳозир мен ундан ажралиб чиқаман”, деб айт ўзингга. Кейин эса ундан узоқлаш.

Морри йўталди: узоқ, томоқни йиртадиган даражада қаттиқ йўтал. Сочиқчани оғзига босиб, заифгина тупурди. Унинг қаршисида ўтирап эканман, ўзимни ундан кўра анча кучли, кулгили даражада кучлироқ ҳис қилдим, гўёки уни бир қоп ундеқ кўтариб, осонгина елкамга ортиб оладигандек. Бу устунлигимдан уялиб кетдим, чунки бошқа ҳеч бир жабҳада ундан устун жиҳатим йўқ эди.

– Ҳасад қилишдан қандай тийиласиз?

– Кимга?

– Менга.

У жилмайди.

– Мич, қариларнинг ёшларга ҳасад қилмаслиги иложсиз. Ҳамма гап ўзингни борингча қабул қилиб, бундан қувона билишингда. Ҳозир ўттиз ёш бўлиш навбати сеники. Мен ҳам бир пайтлар ўттиз ёшли бўлиш гаштини сурганман, энди эса етмиш саккиз ёшли бўлиш вақтим келди. Айни пайтдаги ҳаётингнинг ижобий, гўзал ва асл

томонларини кўра билишинг зарур. Ортга боқиш одамда рақобат руҳини уйғотади. Ёш эса рақобатлашадиган масала эмас.

У нафас чиқариб, гўёки ёйилиб кетаётган ҳавони томоша қилмоқчидек, пастга қаради.

– Ростини айтсам, менда барча ёшлар мужассам. Мен уч ёшдаман, беш ёшдаман, ўттиз етти ёшдаман, эллик ёшдаман. Мен уларнинг барчасини бошимдан кечиргандан, демак, муайян ёшда бўлиш қандайлигини биламан. Бола бўлиш жоиз бўлса, ўзимни боладек тутишдан завқланаман. Доно қария бўлишнинг ўрни келганда, доно қариялигимдан қувонаман. Тасаввур қилиб кўргин, а, нечта инсонга айлана оламан! Ҳозирги пайтимгача бўлган барча ёшда бўла оламан. Нима деяётганимни тушуняпсанми?

Мен бош иргатдим.

– Қандай қилиб сенинг ҳозирги ҳолатингга ҳасад қилишим мумкин, ўзим ҳам шу йўлни босиб ўтган бўлсам?

## Саккизинчи сешанба: пул ҳақида сұхбатлашамиз

**А**ксарият мавжудотлар тақдир ҳукмига бўйсунади, афақат инсонгина онгли равишда ўз ҳаётини хатарга қўяди.

В. Х. Оден, Моррининг севимли шоири.

Мен газетани Моррига кўринарли қилиб тутиб турдим:

Қабртошимда “Мен ҳеч қачон телекомпаниялар тармоғига эгалик қилмаганман” деган ёзув бўлишини хоҳламайман

Морри кулди, сўнг бош чайқади. Тонги қуёш унинг ортидаги деразадан мўралар, унинг нурлари дераза токчасидаги ҳибискус бутаси гулларига тушиб турарди. Иқтибос йирик музокарада CBS телерадио тармоғини ўзлаштириб ололмаганидан нолиб юрган медиа магнат, миллиардер, CNN телеканали асосчиси Тед Турнерга тегишли эди. Бу ҳикояни Морриникига кўтариб келганимнинг сабаби мени бир савол қизиқтираарди: агар ҳозир Турнер кекса профессоримнинг ҳолига тушиб қолиб, нафас олиши қийинлашиб, танаси тошдек қотиб, қолган саноқли кунларини бирма-бир тақвимдан ўчириб яшаётган бўлганида ўзининг телекомпаниялар тармоғи йўқлиги сабабли дод-вой қилаётган бўлармиди?

— Бўларнинг бари ўша битта муаммога бориб тақалади, Мич, — деди Морри. — Биз қадрига етишимиз зарур бўлган нарсаларни чалкаштириб қўйганмиз. Бу эса одамларнинг ҳаётдан кўнгли совишига сабаб бўлади. Менимча, шу ҳақида сұхбатлашишимиз керак.

Морри бугун бор дикқатини бир ерга жамлаганди. Ҳозирга келиб, унинг кунлари яхши ва ёмонга ажralган, бугун яхши кунлардан бири эди. Ўтган оқшом Морриникига бир маҳаллий мусиқий груп ташриф буюриб, у учун

музиқий асбобларсиз хор ижро этиб беришибди ва у менга бу ҳақида гүёки машхур “Ink Spots” гуруҳининг ўзи унинг мөхмонга келгандек тўлқинланиб гапириб бераётганди. Хасталикка чалинишидан олдин ҳам Моррининг мусиқага ишқи баланд эди, бироқ ҳозир унинг мусиқага бўлган муҳаббати шунчалар оташин эдики, куй эшитганида кўзига ёш келарди. Баъзан тунлари кўзларини юмганча опера тинглар, ижро чиларнинг соҳир овозларига ҳамоҳанг хаёлан кўйда парвоз қиласарди.

— Кечаги гуруҳнинг ижросини эшитиб кўрганингда эди, Мич! Мана буни овоз деса бўлади!

Морри ҳар доим куйлаш, рақс тушиш ва кулиш каби оддий нарсалардан завқ олишга ишқибоз эди. Ҳозир эса моддий нарсаларнинг қадри ҳар қачонгидан ҳам пасайган ёки улар ўз аҳамиятини бутунлай йўқотганди. Одамлар вафот этганида кўпинча, “Буни гўрингга орқалаб кета олмайсан” деган иборани эшитамиз. Морри бу ҳикматни анча олдин англаб етгандек эди.

— Бизда мияни ювишнинг бир шакли шиддатли тус олмоқда, — хўрсиниб қўйди Морри. — Биласанми, одамлар миясини ювиш қандай амалга оширилади? Бир нарсани қайта ва қайта такрорлайвериш орқали. Мамлакатимизда ҳозир айнан шу нарса содир бўлмоқда. Моддиятга эгалик қилиш яхши. Пулинг кўп бўлгани яхши. Мол-мулкнинг кўпроқ бўлиши ҳам яхши. Қанча кўп фойда келса, шунча яхши. Кўпроқ бўлгани яхши. Кўпроқ бўлгани яхши. Ўзимиз ҳам шуни такрорлаймиз ва токи ҳеч кимнинг ўзгача фикрлашга ҳафсаласи қолмагунича, бошқалар ҳам такрор ва такрор шу нарсани миямизга қўйишади. Бу Тушунча оддий инсонларнинг миясига шу қадар ўтириб қолганки, улар аслида ҳаётда нима муҳимлигини ҳам фарқлай олмай қолган. Умрим давомида қаерга бормай, мен учратган одамларнинг барчаси бирорта янги нарсани қўлга киритиш иштиёқида ёнарди. Янги машинани қўлга киритиш. Янги уйни қўлга киритиш. Сўнгги чиққан

Үйинчоқни қўлга киритиш. Кейин эса улар, албатта, сенга янги ўлжаси ҳақида айтишни хоҳлайди. “Биласанми, нима сотиб олдим? Нима олганимни топ-чи?” Биласанми, мен буни қандай талқин қилардим? У одамлар шу қадар меҳрга ташна эдики, унинг ўрнини босувчи ҳар қандай нарсани қабул қиласверарди. Моддият бизни ўз бағрига олади, деган умидда одамлар қучоқ очиб, ўзларини моддий нарсалар томон отарди. Аммо бу ҳаракат ҳеч иш бермайди. Дўстлик, муҳаббат, меҳр ёки эзгулик ўрнини моддий буюмлар билан тўлдириб бўлмайди. Пул ҳам, куч-қудрат ҳам меҳр ўрнини боса олмайди. Мана-мана ўламан, деб турган инсон сифатида айтишим мумкин, қанчалик бой бўлма, меҳрга энг муҳтоҷ пайтингда пул ҳам, куч-қудрат ҳам сен излаётган туйғуни бера олмайди.

Мен Моррининг кабинетини кўздан кечирдим. Хона мен келган биринчи кунда қандай бўлса, ҳозир ҳам худди шундай эди. Китоблар жавондаги ўрнидан силжимаган, эски ёзув столи устида ўша-ўша қофозлар ўюми. Бошқа хоналарда ҳам ҳеч бир яхшиланиш ёки янгиланиш сезилмайди. Узоқ вақтдан бери, эҳтимол, бир неча йиллардан бери, Морри тиббий жиҳозлардан ташқари, чиндан ҳам бошқа ҳеч нарса сотиб олмаган эди. Бедаво дардга чалинганидан хабар топган куниёқ унинг янги харидларга қизиқиши ўлганди.

Уйда ўша эски русумдаги телевизор, Шарлотта ҳали ҳам ўша эски русумдаги автомобилни ҳайдайди, идишлар, кумуш ошхона анжомлари ва сочиқлар – ҳаммаси ўша-ўша. Бироқ уйдаги мұхит кескин ўзгарганди. Уй меҳр-муҳаббат, илм ва қизғин мулоқотлар билан тўлганди. Дўстлар, қариндошлар, самимий суҳбатлар ва кўз ёшлар билан тўлганди. Уйидан ҳамкаслар, талабалар, медитация мураббийлари, даволовчи шифокорлар, ҳамширалар ва мусиқий групкаларнинг оёғи үзилмасди. Моррининг банк ҳисобидаги маблағлар жадаллик билан камайиб бораётган бўлса-да, уйи асл маънода бой

хонадонга айланганди.

— Бизда одамлар нимани хоҳлашлари ва аслида нимага мұхтожликларини доим чалкаштириб юборади, — таъкидлади Морри. — Сен озиқ-овқатта мұхтожсан, шоколадли музқаймоқни эса хоҳлайсан. Буни очиқ тан ола билиш керак. Эңг сүнгги русумдаги спорт автомобилига әхтиёжинг йўқ, энг катта уйга эга бўлишинг ҳам зарурият эмас. Ҳақиқат шундаки, бу каби нарсалар сенда қониқиш ҳиссини үйғотмайди. Биласанми, нима одамга чиндан ҳам қониқиш ҳиссини беради?

— Нима?

— Беришинг керак бўлган нарсаларни бошқаларга тақдим қилиш.

— Худди бой-сқаутга ўхшаб гапирасиз-а!

— Пулни назарда тутмаяпман, Мич. Вақтни назарда тутяпман. Famхўрликни. Суҳбатни. Бу унчалик қийин эмас. Яқинимизда қариялар маркази очилган. У ерга ҳар куни ўнлаб қари кишилар боради. Бирор кўникмага эга ёшлардан эса у ерга бориб, ўз кўникмаларини қарияларга ўргатиш сўралади. Айтайлик, сен компьютерга яхши тушунасан — борасан ва компьютердан фойдаланишини ўргатасан. Улар сендан жуда ҳам хурсанд ва миннатдор бўлишади. Шу тарзда ўзинг эга бўлган нарсаларни бошқаларга бериш орқали ҳурмат қозона бошлайсан. Бу каби жойлар анчагина. Ва сендан фавқулодда истеъдод талаб қилинмайди. Шифохона ва бошпаналарда кўплаб ёлғиз инсонлар бор, улар хоҳлайдиган ягона нарса — ҳамсуҳбат, ҳамроҳ. Улар сенга мұхтоҗ — ёлғиз қариялар билан карта ўйнаш орқали ўз-ўзингни ҳурмат қила бошлайсан. Ҳаёт мазмунини топиш ҳақида нима деганим эсингдами? Мен уни ёзиб қўйгандим, лекин ҳозир ёддан айтиб бера оламан: Ўзингни бошқаларга меҳр улашишга бағишила, ўзингни атрофингдаги инсонларга бағишила, ҳаётингга мақсад ва мазмун тақдим этувчи нимадир яратишга ўзингни баҳшида эт. Сездингми, — қўшимча

қилди у жилмайиб, – маош ҳақида ҳеч нарса тилга олинмади.

Моррининг баъзи гапларини сариқ ён дафтарчамга ёзив борардим. У нигоҳимдан нималар ҳақида ўйлаётганимни, олийгоҳни битирганимдан бери ҳаётимнинг катта қисмини айнан у танқид қилаётган нарсалар – каттароқ ўйинчоқлар, ҳашамдорроқ уйлар ортидан қувиб ўтказганимни билиб қолмаслиги учун ҳам ёзиш билан машғул бўлдим. Бой ва машҳур спортчилар орасида ишлаганим сабабли эҳтиёжларим ҳақиқий эканлиги, менинг очкўзлигим уларники билан солиштирганда ҳеч нарса эмаслигига ўзимни ишонтиргандим.

Морри бир ҳаракат билан буларнинг бари хомхаёл эканини англатиб қўйди.

– Мич, агар сендан юқорида турган кишиларга ўзингни кўз-кўз қилишга уринаётган бўлсанг, буни эсингдан чиқар. Улар сенга барибир паст назар билан қарашади. Агар ўзингдан қўйи одамларга ўзингни кўз-кўз қилишга уринаётган бўлсанг, буни ҳам эсингдан чиқар. Улар сенга фақат ҳасад қилишади. Мансаб ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Фақатгина очиқкўнгиллик сени бошқа исталган киши билан тенглаштиришга қодир.

У бироз тин олди, кейин менга қаради:

– Мен ўляпман, тўғрими?

– Ҳа.

– Нима деб ўйлайсан, нега бошқаларнинг муаммоларини тинглаш мен учун шунчалик муҳим? Ўзимнинг дардим, оғриқларим камми менга? Албатта, етарли. Лекин кимгадир нимадир бериш орқали тириклигимни ҳис қилиб тураман. Машинам ёки уйимни эмас. Кўзгудаги аксимни ҳам эмас. Вақтимни бериб, ҳозиргина ғамга ботиб турган кишини табассум қилдиришга муваффақ бўлганимда, ўзимни худди соғлом кишидек ҳис қиласман. Қалбинг буюрган ишларни қил.

Шундай қилсанг, қониқмаслик ҳиссини түймайсан, ҳасад қилмайсан, бошқаларда бор нарсаларга эга бўлиш иштиёқида кўймайсан. Аксинча, қилган ишларинг натижасидан ҳузурланасан.

У йўталди ва курсисида турган кичик қўнғироқчага қўл узатди. Бир неча бор уни қўлига олишга уринди, үддасидан чиқа олмади; ниҳоят, мен уни олиб, Моррининг кафтига қўйдим.

— Раҳмат, — деб шивирлади ў. Коннини чақириш учун қўнғироқни ҳолсизгина силтади. — Анави йигит, Тед Турнер қабр тошига ёздириш учун бошқа нарса ўйлаб топа олмабдими? — деди Морри.

## ТҮҚҚИЗИНЧИ СЕШАНБА: мehr барҳаёт қолиши түғрисида суҳбатлашамиз

**X**ар тун уйқуга кетганимда, ўламан. Эртаси куни тонгда уйғонганимда эса қайта туғиламан.

**Маҳатма Ганди.**

Дарахтлар барги сарғайиб, ғарбий Ньютон шаҳарчаси оралаб ўтган йўл олтин ва занг тусини олаётган палла. Детройтда касаба уюшмаси ва нашриётлар ўртасидаги можаро боши берк кўчага кириб қолган, томонлар бир-бирини муроса қилишдан бош тортаётганликда айблаш билан овора. Телевидение орқали узатилаётган хабарлар эса ундан баттар юракни эзади. Кентукки қишлоқларидан бирида уч эркак қабртош бўлакларини кўприқдан пастга улоқтириб, кўприк тагидан ўтаётган машинанинг олд ойнасини синдирган, машинада оиласи билан зиёратга кетаётган ўсмир қиз эса воқеа жойида вафот этган. Калифорнияда О. Ж. Симпсоннинг суд иши якунига етай деб қолган ва бутун аҳолининг фикру хаёли шу ишга қаратилганди. Ҳаттоки аэропортларда ҳам залларга ўрнатилган телевизорлар СНН каналига тўғриланган бўлиб, то парвозингизга чиқиш учун йўлақдан кириб кетгунингизча О. Ж. Симпсоннинг ишига тааллукли янгиликлардан боҳабар бўлишингиз мумкин эди.

Укамнинг ҳолини сўраш учун бир неча марта Испанияга қўнғироқ қилдим. Чиндан ҳам у билан суҳбатлашишни жуда хоҳлашимни, сўнгги пайтларда муносабатларимиз ҳақида кўп ўйлаётганимни айтиб, овозли хабарлар қолдирдим. Бир неча ҳафта ўтиб, укамдан ишлари жойида экани, лекин хасталиги ҳақида ва үмуман гаплашишни истамаслиги, бундан афсусдалиги айтилган қисқа хабар олдим.

Кекса профессоримни эса хасталик тўғрисидаги

сұхбатлар әмас, балки хасталикнинг ўзи домига тортиб кетаётганди. Охирги ташрифимдан бери ҳамшира унинг олатига пешобни найча орқали тортиб олиб, курси пойида турган пластик қопга·бўшатувчи катетер ўрнатибди. Унинг оёқларини мунтазам тўғрилаб туриш зарур эди (ALS'нинг шафқатсиз ҳазилларидан бири – профессор оёқларини қимиirlата олмаса-да, ҳали ҳам оғриқ ҳис қиласади), чунки оёқлар пенопласт тўшамадан айнан маълум дюймга осилиб турмаса, кимдир уларга санчқи тиқиб олаётгандек азоб берарди. Нақ сұхбатнинг ўртасида Морри меҳмонлардан унинг оёқларини кўтариб, бир дюймга суриш ёки ранг-баранг ёстиқларга қулайроқ жойлашиш учун бошини тўғрилаб қўйишни сўрарди. Ўз бошингизни қимиirlatiшга ҳам қурбингиз етмай қолишини тасаввур қила оласизми?

Ҳар ташрифимда Морри курсисига тобора чуқурроқ сингиб, унинг умуртқа поғонаси ҳам курси шаклига кираётгандек туюларди. Шунга қарамасдан, ҳар тонг уни ётоқдан олиб, аравачасига ўтқизиб, китоблар ва қоғозларга тўла, дераза токчасида ҳибискус гули ўсаётган шахсий кабинетига элтиб қўйишларини сўрарди. Одатдагидек, Морри шу ҳаракатдан ҳам фалсафий маъно топарди.

– Охирги ёзилган ҳикматли сўзларим шу ҳақида, — деди у.

– Қани, эшитайлик-чи.

– ЁтоФингдан турмабсан, демакки, сен мурдасан.

Морри жилмайди. Фақатгина Морри шу ҳолатида ҳам бу каби ҳазилларга кула оларди.

“Тунги хабарлар” кўрсатуви ходимлари ва ҳаттоки Тед Коппелнинг ўзи ҳам унга бир неча марта қўнғироқ қилишди.

– Уйга келиб, мен ҳақимда яна битта кўрсатув олишмоқчи, — деди у. — Лекин яна бироз кутайлик, дейишиди.

– Нимани кутади? Сўнгги нафасингизни камерага

мұхрлашними?

- Қайдам. Барибир унга ҳам күп қолмади.
- Ундей деманг.
- Узр.
- Жонингиз үзилишини кутаётгандылардың ғашимни келтирияпты.
- Менга жонинг ачигани учун ҳам бу сени ғашингга тегяпты, — жилмайды Морри. — Мич, балки үлар томошабинларга қайғулы томоша күрсатыш мақсадыда мендан фойдаланмоқчидир. Қаршилигим йўқ. Эҳтимол, мен ҳам үлардан фойдаланаётгандирман. Үлар фикрларимни миллионлаб одамларга етказишимга күмаклашмоқда. Уларсиз бу нарса қўлимдан келмасди-ку, тўғрими? Шундай экан, бу икки томонлама манфаатли битим.

Уни яна узоқ, томоқни қирувчи йўтал тутиб, охири қуюқ балғам кўчиши билан якунланди.

— Нима бўлганда ҳам, — деди Морри. — Мен үларга күп кутмасликни маслаҳат бердим, чунки яқинда овозимдан ҳам тамоман айрилиш имумкин. Бу дард ўпкамга етиб келиши билан тилдан қолсан керак. Ҳозир дам олмасдан узоқ гапиролмайман. Мени кўргани келмоқчи бўлганларнинг ҳам кўпчилигига рад жавобини бердим. Мич, үлар бирам кўпки. Жуда ҳолдан тойғандирман. Уларга етарлича эътибор қаратмасдан ёрдам беролмайман.

Ўзимни айбдор ҳис қилганча магнитофонга қарадим. Гўёки унинг қимматли сўзлашиб вақтини ўғирлаётгандек эдим.

— Буни қолдириб турсакмикан? — сўрадим мен. — Сизни анча чарчатса керак?

Морри кўзларини юмиди, бошини чайқади. У қаерида турган сассиз оғриқ босилишини кутаётгандек кўринди.

— Йўқ, — деди у ва ниҳоят. — Биз давом этишимиз керак. Ахир бу бизнинг сўнгги илмий ишимииз-ку.

- Сүнгги ишимиз.
- Уни қойилмақом қилиб ёзиш истагидамиз-ку.

Университетда диплом ишимни биргаликда ёзганимиз ёдимга тушди. for Морридан чиққанди, албатта. У менга аъло даражали диплом иши ёзиш учун билимим етарли эканини айтганди, унгача мен бу нарсани хаёлимга ҳам келтирмагандим.

Мана энди, худди ўша ишни яна биргаликда бажаряпмиз. Яна барчаси битта ғоядан бошланди. Ўлаётган одам яшашда давом этайдан одамга унималарни билиши зарурлиги ҳақида сўзлаб бермоқда. Фақат бу сафар мен ишни якунлашга ошиқмаётгандим.

— Кеча менга бир қизиқ савол бериши, — деди Морри, елкам оша деворга осиғлиқ турган килтни томоша қилиб. Дўстлари килтни эзгу тилаклар битилган куроқлардан тикиб, Моррининг 70 йиллик юбилейига совға қилишган. Килтнинг ҳар бир қуроғида турлича тилаклар билдирилганди: Бардам бўлинг, Морри, энг катта ютуқлар ҳали олдинда! Рұхшұнослик соҳасида биринчи рақамли мутахассис!

- Савол нима ҳақида эди? — сўрадим мен.
- Вафотимдан сўнг мени унутиб юборишларидан кўрқаманми?

— Хўш? Кўрқасизми?

— Унутиламан деб ўйламайман. Мен билан самими, ўта яқин муносабатда бўлган қалин дўстларим жуда кўп. Мехр — бу дунёни тарқ этганингдан кейин ҳам барҳаёт қолиш воситаси.

— Қўшиқ сўзларига ўхшайди: меҳр барҳаёт қолиш воситаси.

Морри қиқирлаб кулди.

— Эҳтимол, шундайдир, Қарагин, Мич, мана шу узоқ сұхбатларимиз-чи? Уйингга қайтган пайтларинг овозим ёзилган тасмани ҳеч эшишиб кўрасанми? Ёлғиз қолганингда? Балки парвоз вақтидадир? Эҳтимол,

машинада кетаётганингда?

— Ҳа, — иқрор бўлдим мен.

— Демак, мен бу дунёни тарк этганимдан кейин ҳам мени унтиб юбормайсан. Овозимни ёдга олган онингдаёқ сен турган ерда бўламан.

— Овозингизни ёдга оламан...

— Ўша лаҳзада кўзинг бироз ёшланса ҳам майли, ҳечқиси йўқ.

Эҳ Морри. Биринчи курслигимдан бери мени йиғлатишни хоҳлайди.

— Барибир бир кун йиғлатаман, — дерди у нуқул.

— Ҳех, қўйсангиз-чи, — деб жавоб берардим.

— Мен қабртошимда қандай битик бўлишини исташим тўғрисида бир қарорга келдим, — деди у.

— Қабртошлар ҳақида эшитишни хоҳламайман.

— Нега? Уларни эсласанг, асабийлашасанми?

Мен елка қисдим.

— Майли, мавзуни ўзгартирамиз.

— Йўқ, гапираверинг. Нима қарорга келдингиз?

Морри лабларини чўччайтирди.

— “Сўнгги нафасигача дарс берган” деб ёэдириш ҳақида ўйлаяпман.

Морри бу янгиликни ҳазм қилиб олгунимча бироз кутди.

— Сўнгги нафасигача дарс берган.

— Бўладими? — деди у.

— Ҳа, — дедим мен. — Жуда яхши.

Хонага кириб келишим билан Моррининг юзи қувончдан ёришиб кетишини яхши кўраман. Биламан, у келгандарнинг кўпчилигини шундай кутиб олади, аммо Морри ҳар бир меҳмонда фақат у келгандагина юзига шундай табассум югурадигандек таассурот қолдириш қобилиятига эга эди.

— О-о, қадрдоним келди-ку, — дерди у, мени кўриши билан, баланд, хирилдоқ овозда. Ушбу ёқимли ҳолат

фақат саломлашиш билан тугамасди. Морри ёнингизда ўтирганида чиндан ҳам сиз билан бўларди. У нигоҳини кўзингиздан үзмай, сўзларингизни гёки сиз дунёда мавжуд ягона инсондек тингларди. Агар одамларнинг ҳар тонги, официант, автобус ҳайдовчиси ёки бошлиқларининг жаврашини эшитиш билан эмас, балки мана шундай инсонни учратишдан бошланганида эди, жамиятдаги муносабатлар қанчалар илиқлашган бўларди дейсиз?

— Тамомила фақат бир ерда ҳозир бўлиш мумкинлигига ишонаман, — деди Морри. — Бу бутун вужудинг ва фикру хаёлинг билан суҳбатдошинг ёнида бўлишни англатади. Масалан, сен билан суҳбатлашаётган бўлсанм, Мич, мен бор диққатимни фақат иккимизнинг ўртамиизда бораётган мулоқотга қаратишга ҳаракат қиласман. Ўтган ҳафта гапирган гапларимиз тўғрисида ўйламайман. Келаси жумага қандай режаларим борлиги ҳақида ҳам ўйламайман. Коппел билан кейинги кўрсатувни олиш ёки қайси дориларни қабул қилаётганим ҳақида ҳам ўйламайман. Мен сен билан гаплашяпманми, демак, фикрим фақат сен билан банд.

Моррининг Брандейсда “Гурӯҳлардаги жараён” дарсида бизга ушбу ғояни уқтиришга урингани ёдимга тушди. Ўша пайтлар “шу ҳам университетда ўтиладиган дарс бўлдию”, деб энсам қотган. Эътибор қаратишни ўрганиш? Нимаси мұхим буни? Ҳозир эса шу кўнишка университетда ўргатилган нарсаларнинг деярли барчасидан аҳамиятлироқ эканини тушуниб етганман.

Морри қўлимга ишора қилиб имлади ва қўлимни унга узатар эканман, ичимни айборлик ҳисси қамраб олди. Қаршимда, агар хоҳласа, ҳар лаҳзасини ўзига ачиниш, емирилиб бораётган жисмини кузатиш ва ҳар нафасини санаш билан ўтказиши мумкин бўлган инсон ўтиради. Кўплаб кишилар арзимас муаммолар гирдобида яшайди, гапингиз ўттиз сониядан үзоқроқ давом этса, нигоҳидан уларнинг хаёли сиздан чалғиганини сезиш мумкин.

Уларнинг фикри аллақачон бошқа иш билан банд бўлади: қайсиadir дўстига қўнгироқ қилиш, кимгадир факс юбориш ёки суюклиси ҳақида хаёл суриш билан. Фақат гапингизни тугатганингиздагина, уларнинг борэтибори сизга қайтади ва “Ха, ха” ёки “Йўғ-э, ростданми?” каби жумлалар билан ўзини худди сизни диққат билан тинглагандек кўрсатади.

– Қисман муаммонинг сабаби шундаки, Мич, кишилар нуқул қаергадир шошади, — деди Морри. — Одамлар ҳали ҳаёт мазмунини топмаган ва шу сабабли улар доим уни топишга ошиқади. Улар мазмун кейинги машина, кейинги ўй, кейинги ишда, деб ўйлади. Кейин эса булар ҳам ҳаётга мазмун беролмаслигини тушуниб, яна қидиришга киришади.

– Бу пойгага киришгач, — дедим мен, — одам ўзини тўхтатиши қийин.

– Унчалик қийин эмас, — деди у бош чайқаб. — Биласанми, мен нима қиласман? Машина ҳайдай олган пайтларим, йўлда кимdir мени қувиб ўтмоқчи бўлса, қўлимни кўтарардим...

У шу ҳаракатни кўрсатмоқчи бўлди, лекин қўли бор-йўғи олти дюймга зўрға кўтарилиди.

– ...Қўлимни йўқ демоқчидек кўтарардим, кейин эса жилмайиб, ҳайдовчига қўл силкитардим. Ўрта бармоғингни кўрсатиш ўрнига, уларга табассум билан йўл берасан. Биласанми нима? Аксарият ҳолларда улар ҳам сенга қараб жилмаяди. Ҳақиқат шундаки, машинамда қаергадир ошиқишим шарт эмас. Бунинг ўрнига, қувватимни инсонларга кайфият улашишга сарфлашни афзал кўраман.

Бу ишни мен таниганлар ичida ундан яхшироқ бажарадиган киши йўқ эди. Агар Моррига қандайдир кўнгилсиз ҳодиса ҳақида гапиришса, унинг кўзи намланар ёки ўхшамаган ҳазил қилинса ҳам, кўзлари қувончдан чақнаб кетарди. Менинг ёшимдаги авлод вакилларидан фарқли равишда, у ҳар доим ўз ҳиссиётини очиқ ифода

етишига тайёр эди. Биз юзаки суҳбатларгагина үстамиз: “Нима иш қиласиз?” “Қаерда яшайсиз?” Бироқ ҳозирги кунда ҳамсуҳбатимизга нимадир ўтказиш, ўзимизга оғдириш, бирор иш қилдириш ёки эвазига қандайдир манфаат олишга уринмасдан, ҳеч уни чин дилдан тинглаймизми? Ишончим комилки, охирги бир неча ой давомида Моррини күргани келувчилар үнга эътибор кўрсатиш учун эмас, балки Морри уларга кўрсатган эътибор туфайли уникига серқатнов эди. Танидаги оғриқ ва емирилишга қарамасдан, ушбу митти чол уларни ўзлари хоҳлагандек диққат билан тингларди.

Мен Моррига у ҳамманинг орзусидаги ота эканини айтдим.

— Нима ҳам дердим, — деди у кўзларини юмиб, — бу борада бироз тажрибам борлиги рост...

Морри ўз отасини охирги марта шаҳар моргида кўрганди. Чарли Швартс Бронксдаги Термонт хиёбонида кўча чироғи остида ёлғиз газета ўқишини ёқтирадиган камгап киши эди. Морри болалигига Чарли ҳар оқшом кечки овқатдан сўнг пиёда сайр қилишга отланарди. У кичик жуссали, кулранг сочли ва қизғиши юзли рус киши эди. Морри ва унинг укаси Девид деразадан термилиб, унинг чироқ устунига суюниб туришини кузатишарди. Морри отасининг уйга киришини ва улар билан гаплашишини жуда ҳам хоҳларди, лекин у деярли ҳеч қачон бундай қилмасди. Шунингдек, отаси уларни ухлашга ётқизмас ва уйқуга кетишдан олдин ўпид ҳам қўймасди.

Морри ўз-ўзига, агар фарзандли бўлса, уларни бу нарсалардан асло маҳрум қилмасликка ваъда берганди. Йиллар ўтиб фарзандли бўлганида ўз ваъдасини бажарди.

Морри фарзандларини катта қилаётган пайтда Чарли ҳали ҳам Бронксда яшарди. У ҳали ҳам пиёда сайр қилишга чиқарди. Ҳали ҳам газета ўқирди. Бир оқшом у кечки овқатдан сўнг сайрга чиқди. Уйидан бироз узоқлашгач, икки талончи үнга яқинлашди.

— Чиқар бор-будингни, — деди улардан бири түппончасини ўқталаркан.

Қўрқиб кетган Чарли ҳамёнини уларга улоқтириб, қоча бошлади. У то қариндошларидан бирининг уйига етгунича кўча оралаб тўхтовсиз югурди. Шундоққина айвонга етганида, ҳолсиз қулади.

Юрак хуружи. Шу тун у оламдан ўтди.

Морри мурданинг шахсини аниқлаш учун чақиририлди. У самолётда Нью-Йоркка етиб борди ва моргга йўл олди. Уни ертўладаги ўликлар сақланадиган совуқ хонага олиб киришди.

— Бу сизнинг отангизми? — сўради морг ходими.

Морри ўзини сўккан, уришган, ўзига ишлашни ўргатган, суҳбатлашишни хоҳлаган вақтлари оғиз ҳам очмаган, онасининг хотираларини ким биландир бўлишишни истаганида, онасини хотирлашга йўл қўймаган шахснинг жасадига ойна ортидан кўз ташлади.

Бошини ирғади-да, нари кетди. Кейинчалик Морри хонанинг даҳшати унинг бутун вужудини эгаллаб олгани ва бошқа ҳисларга ўрин қолдирмаганини айтганди. У анча кунгача йиғлай олмади.

Шундай бўлса-да, отасининг ўлими Моррини ўз ўлимига тайёргарлик кўришида дастак бўлди. Бир нарсага унинг ишончи комил эди: қучоқлашишлар, ўпичлар, узоқ суҳбатлар ва кулги бўлади ва рози-ризолик сўрамаган одам қолмайди; отаси ва онасининг вафотида насиб этмаган барча амаллар бажарилади.

Ҳаётининг сўнгги дақиқалари яқинлашганда, Морри ўз яқинлари унинг атрофида бўлишлари ва унинг ҳаёти узилаётганини англашларини истарди. Улардан ҳеч бири телефон ёки телеграмма орқали хабардор қилинмайди ёхуд уларнинг ҳеч бири совуқ ва ёқимсиз ертўлада ойна ортидан унга тикилишга мажбур бўлмайди.

Жанубий Американинг тропик ўрмонларида яшовчи Десана номли қабила дунё барча мавжудотлараро

ҳаракатланувчи ўзгармас миқдордаги құвватдан иборат, деб ҳисоблайди. Шу сабабли ҳар бир туғилиш бошқа бир ўлимга ва ҳар бир ўлим янги ҳаётга сабаб бўлиши лозим. Шу тарзда дунёдаги құвват ўз ҳолича сақланади.

Десана қабиласи аъзолари ов қилаётганида ўзлари ўлдирган жонзот руҳий оламда бўшлиқ ҳосил қиласди, деб билишади. Аммо ушбу бўшлиқни вафот этган Десана қабиласи овчиларининг руҳлари тўлдиришига ишонишади. Бирорта ҳам инсон ўлмаганида эди, бирорта ҳам қуш ёки балиқ туғилмаган бўларди. Менга бу фикр ёқади. Моррига ҳам. Видолашиб они яқинлашгани сари у барчамиз битта ўрмондаги мавжудотлар эканизмизни кўпроқ ҳис қилаётгандек туюлади. Нимани олмайлик, албатта, унинг ўрнини тўлдириб қўйишимиз лозим.

– Шуниси адолатли, – дейди у.

## Ўнинчи сешанба: оилавий ҳаёт ҳақида сұхбатлашамиз

**М**орриникига мәхмөн олиб келдим. Рафиқамни. Му илк ташрифимдан бери рафиқам билан таниширишимни сүрайди. “Қачон энди Жанин билан таниширирасан?” “Қачон Жанинни ҳам олиб келасан?” Бир неча күн аввал Моррининг ҳолидан хабар олиш мақсадида үйига құнғироқ қылгунимга қадар рафиқамни олиб бормаётганимга доим баҳоналарим тайёр бўларди.

Моррининг телефон ёнига келишига анча вақт кетди. Гўшакни кўтарганида эса шигиллаган товушдан телефонни бошқа бирор унинг қулоғига тутиб турганини сездим.

— Са-ало-о-ом, — деди у, гўёки нафас етишмаётгандек.

— Яхшимисиз, мураббий?

Унинг нафас чиқаришини эшитдим.

— Мич...буғун.... мураббийингнинг аҳволи... бироз яхши эмас.

Тунлари унинг аҳволи тобора оғирлашиб бораётганди. Деярли ҳар тун кислород ускунасини улашларига тўғри келар, йўтал хуружлари эса одамни қўрқитарди. Бир йўтал тутса, соатлаб давом этар ва у тўхтайдими, йўқми Моррининг ўзи ҳам билмасди. У ҳар доим дард ўпкасини маҳв этганида ўлишини таъкидларди. Ажали нақадар яқин қолганини ўйлаб вужудимни титроқ босди.

— Сешанба куни бораман, — дедим мен. — Унгача тетиклашиб қоласиз.

— Мич?

— Лаббай?

— Рафиқанг ҳозир сен биланми?

Жанин ёнимда ўтирганди.

— Гўшакни унга бер. Овозини эшитмоқчиман.

Тан олишим керак, Худо аёлимни мендан анча

рахмдилроқ қилиб яратган. У Морри билан бирор марта ҳам күришмаган бўлса-да, гўшакни қўлига олди ва бир дақиқага ҳам қолмай у кекса профессорим билан тала-балик ййлларидан бери таниш кишидек илиқ сұхбатга киришди. Эшитганим фақат “Ҳа, ҳа... Мич айтиб берганди... Вой, раҳмат” жумлалари бўлса ҳам, улар дилдан сұхбатга киришганини ич-ичимдан ҳис қилиб турадим.

У гўшакни жойига қўйгач:

— Келаси сафар бирга борамиз, — деди. Тамом.

Мана энди иккаламиз Моррининг икки ёнида ўтирибмиз. Морри хотинбоз бўлмаса-да, аёлларга суяги йўқ киши эди. Буни ўзи ҳам тан оларди. Ҳозир ҳам йўтал хуружи ёки ҳожатга чиқиш эҳтиёжи мuloқотни бўлаётганига қарамасдан хонада Жаниннинг борлиги профессоримга янгидан куч бағишилаётгандек эди. У тўйда тушган суратларимизни томоша қилди: Жанин альбомимизни кўтариб келиби.

— Детройтликмисиз? — сўради Морри.

— Ҳа, — жавоб берди Жанин.

— Қирқинчи йиллар охирида бир йилча Детройтда дарс берганман. Қизик воқеа бўлган ўшанда.

Морри бурун қоқишига тўхтади. Қоғоз сочиқчани олишга уринаётганини кўриб, ўзим сочиқчани олдимда, унга тутиб турдим. У ожизгина бурун қоқди. Сочиқча билан бурнини енгилгина сиқиб, артиб қўйдим, худди машинада кетаётган она боласига қилгани каби.

— Раҳмат, Мич, — Морри Жанинга қаради. — Менинг тенги йўқ дастёrim.

Жанин жилмайди.

— Ҳа, майли. Воқеага қайтсак. Университетда жамиятшунослар жамоаси бор эди. Бошқа фан ўқитувчилари билан покер ўйнардик. Бир жарроҳ йигит бўларди. Бир оқшом ўйиндан сўнг у ёнимга келиб, “Морри, иш жараёнингизни кўрсам дегандим”, деди. Рози бўлдим. Маъruzаларимдан бирида қатнашиб,

дарс беришимни кузатди. Дарс тугагач, “Энди мени иш жараёнида кузатишга нима дейсиз? Бугун оқшом бир беморни операция қиласман”. Кўнгли оғримасин деб, боришига рози бўлдим. У мени шифохонага олиб борди. Киришимиз билан “Кўлингизни яхшилаб ювинг, ниқобни тақинг ва устингизга халатни илиб олинг”, деди. Ҳаш-паш дегунча у билан бирга операция столи ёнида тураддим. Столда аёл бемор ётар, унинг белидан пастки қисми яланғоч эди. Танишим қўлига пичоқни олиб, аёлнинг танасини хотиржам кеса бошлади. Шундай...

Морри бармоғини кўтариб, ҳавода айлантириди.

– Мана шундай бошим айлана бошлади. Ҳушимни йўқотай деяпман. Ҳамма ёқ қон. Уҳ! Ёнимда турган ҳамшира “Доктор, сизга нима бўлди?”, деб сўради. Мен эса “Мен ҳеч қанақа доктор эмасман! Мени бу ердан олиб кетинг!” дедим.

Биз кулдик. Базўр нафас олаётган Морри ҳам баҳоли қудрат қулишга ҳаракат қилди. Морри анча вақтдан бери бўндей ҳикоялар айтмай қўйганди. Во ажаб, бошқа бирорвнинг хасталигини кўриб, ҳушини йўқотай деган одам ўз дардини шундай мардона қарши ола билса-я, деган фикр ўтди хаёлимдан.

Конни эшикни тақиллатиб, Моррининг тушлиги тайёр бўлганини айтди. Мен эрталаб “Нон ва томоша” дўйконидан келтирган сабзи шўрва, сабзавотли пишириқлар ва юононча пиширилган макарон тушликка ярамасди, албатта. Энг юмшоқ егуликларни олиб келишга қанчалик ҳаракат қиласми, барибир улар нимжонлашиб қолган Моррининг чайнаб ютишига қаттиқлик қиласади. Энди у асосан суюқ бўтқа ва шўрвада ивитиб, эзилган кекс ерди. Шарлотта деярли барча егуликларни блендерда майдалаб, эзиб берарди. Морри овқатни сомонча ёрдамида истеъмол қиласади. Мен ҳалигача ҳар ҳафта бозорлик қилиб, унинг ҳузурига харидлар билан тўла пакетларни кўтариб келардим. Унинг юзидағи ифодани

кўриш учун ҳам бозорлик қилишда давом этардим. Ҳар гал музлаткични очганимда, у овқат солинган қутиларга тўлиб кетганини кўрардим. Эҳтимол, ҳали яна аввалгидек биргаликда ҳақиқий тушлик қиласиз, мен унинг оғзидан овқат сачратиб, тўла оғиз билан гапиришини томоша қиласман, деб умид қилгандирман. Нақадар аҳмоқлик.

— Шунақа гаплар... Жанин, — деди Морри.

Рафиқам жилмайди.

— Жуда латофатлисиз. Қўлингизни беринг.

Рафиқам қўлинни узатди.

— Мичнинг айтишича, профессионал хонанда экансиз.

— Ҳа, шундай — деди Жанин.

— У яна бетакрор овозингиз борлигини ҳам айтганди.

— Вой, — кулди у. — Йўқ, у оғизда шундай дейди, холос.

Моррининг қошлари кўтарилди.

— Мен учун куйлаб берасизми?

Ростини айтганда, Жанинни таниганимдан бери одамлар ундан бирор қўшиқ куйлаб беришни сўрайди. Одамлар қўшиқ айтиб тирикчилик қилишингизни эши-тишлари билан доим “Нимадир куйлаб бермайсизми?” деб сўрашади. Тортинчоқлиги ва шароитга талабчанлиги боис Жанин ҳеч қачон бундай илтимосларни бажармасди, хушмуомалалик билан рад этарди. Ҳозир ҳам у шундай қиласи деб ўйлаб турганимда, у куйлай бошлади:

Хаёлимга келганинг ҳамон

Бу дунёда ҳар нимаки бор

Унутаман барин батамом,

Воқелик ҳам этилар инкор...

Жанин матни Рей Нобл қаламига мансуб, 30-йилларда машҳур бўлган қўшиқни Моррининг кўзларига тикилганча бетакрор нафислик билан куйларди. Мен яна бир бора Моррининг одатда туйғуларини пинҳон тутувчи одамларнинг ҳам ҳиссиётларини намоён қилдириш маҳоратига тан бердим. Морри қўшиқ оҳангига маҳлиё бўлганча кўзларини юмди. Рафиқамнинг нафис овози

хонани тўлдирап экан, Моррининг юзидағи табассум ярим ой шаклини оларди. Вужуди бир қоп қумдек жонсиз бўлса-да, ичида рақсга тушаётгани яқъол сезилиб турарди.

Ҳар чечакда сенинг жамолинг,  
Нигоҳларинг – кўкда юлдузлар.  
Фақат сенда фикру хаёлим –  
Фақат сенга томон йўл излар,  
Севгилим...

Қўшиқ тугагач, Морри кўзларини очган эди, ёноқлари узра ёш думалади. Йиллар давомида рафиқамнинг куйлашини кўп марта эшитган бўлсан ҳам, ҳеч қачон ўша лаҳзада Морри уни тинглаганичалик чин дилдан, куйни ҳис этиб тинглай олмаганман.

Турмуш. Танишларимнинг ҳеч бири оиласвий муаммолардан холи эмасди. Айримлари турмуш қуролмай ҳалак, бошқалари эса ундан қутулолмай овора. Менинг ёшимдаги авлод турмуш мажбуриятларини зиммасига олишдан худди лойқа ботқоқдаги тимсоҳ ҳужумидан қўрқандек қочарди. Тўйларида қатнашиб, келин-куёвларни табриклаб, бир неча йил ўтгач эса куёвтўрани бирор ресторонда ёшроқ аёл билан учратиш мени ҳайратга солмай қўйганди. Одатда улар ёнидаги аёлни дўстим деб таништирас ва “Биласан-ку, фалончи билан ажрашиб кетдик”, дея изоҳларди вазиятни.

– Нега шу каби муаммолардан бошимиз чиқмайди? — сўрадим Морридан турмуш муштларини назарда тутиб.

Ўзим ҳам етти йил учрашиб юрганимиздан кейингина Жаниннинг қўлини сўраганман. Муаммо нимада? Менинг ёшимдаги авлод олдингилардан эҳтиёткорроқ бўлиб қолганмикан ёки шунчаки, худбинроқмизмикан?

– Сизнинг ёшингиздаги авлодга ачинаман, — деди Морри. — Ким биландир муҳаббатга асосланган муносабат ўрната олиш жуда мухим, чунки ҳозирда ҳаётимиизда муҳаббат етишмайди. Бироқ замонамизнинг бечора ёшлари бировга чиндан кўнгил беришга ўта худбинлик

қиласы, ёки аксинча, шоша-пиша турмуш қуришлари оқибатида ярим йил үтмағандаң әжрашишади. Улар үзларига үмрә йүлдөши сифатида қандай инсонни хоҳлашини ҳам билмайди. Улар ұттап үзлари қандай инсон эканнеги ҳақида ҳам түшүнчага эга әмас, шундай экан, ким билан ҳәтини боғлаётганини қаердан ҳам билсін?

Морри хүрсінді. У университетде дарс беріб юрган ийллари күплаб бахтсиз ошиқтарға маслағат берішига түғри келган.

— Бу қайғулы ҳолат, чунки ёнингда суюкли инсоннинг бўлиши жуда ҳам муҳим. Бу айниқса, мени ёшимга етганингда — кучинг кетиб, соғлиғинг ёмонлашганида жуда билинади. Дўстларнинг бўлгани яхши, албатта, аммо улар йўтулингни тўхтата олмай, уйқусизликдан қийналганингда туни билан ёнингда парвона бўлиб, мижжа қоқмасдан сенга ғамхўрлик қилиб чиқишга ярамайди.

Морри ва Шарлотта талабалик пайтлари танишишган, турмуш қурғанларига қирқ тўрт йил бўлганди. Охирги пайтларда уларни тез-тез кузатардим: Шарлотта келиб гоҳ унга дори қабул қилиш кераклигини эслатади, гоҳ секингина бўйинни уқалаб қўяди, баъзан эса ўғиллари ҳақида гапириб беради. Улар бир тану бир жондек умр кечиришар, бири иккинчиси нима ҳақида ўйлаётганини тушуниши учун бир қарашнинг ўзи кифоя эди. Шарлотта Морридан фарқли равишда, табиатан анча вазмин инсон эди. У рафиқасини қанчалар қаттиқ ҳурмат қилишини билардим, чунки баъзида “Бу нарсани айтишим Шарлоттага ёқмаслиги мумкин”, деб бирор мавзудаги сұхбатимизга нұқта қўярди. Морри фақат Шарлотта бошқалар билишини лозим топмаган воқеаларнингина пинҳон сақларди. Рафиқасини ноқулай аҳволга қўйишини ёки хафа қилишини истамасди.

— Оилавий ҳаёт давомида турмуш — мушт деб бекорга айтилмаслигини англаб етганман, — давом этди у. — Кетма-кет синовларни бошдан ўтказасан. Бунда ўзингнинг

Кимлигингни, тұрмұш ўртоғинг қандай инсонлигини ва бир-бірингиз билан мүроса қилиб яшашға қодирмисиз ёки йүқ – ҳаммасини билиб оласан.

– Тұрмұш құргач, ахил яшаб кета олишни олдиндан билишнинг бирор йүли борми?

– Бұ осон иш әмас, Мич, – жилмайды Морри.

– Ҳа, биламан.

– Шундай бўлса-да, – деди Морри, – тажрибамдан айтишим мумкинки, муҳаббатва оиласый ҳаётга оидайрим қоидалар мавжуд: умр йўлдошингни ҳурмат қилмасанг, мүроса қилишни билмасанг, муносабатларингиз ҳақида очиқчасига гаплаша олмасанг ва агар ҳаётий қарашларингиз турлича бўлса, муаммолар гирдобида қоласан. Қараш ва қадриятларингиз бир хил бўлиши лозим. Бу қадриятларнинг энг асосийси нима эканини биласанми, Мич?

– Нима?

– Тұрмушинг сен учун аҳамиятли эканлигига бўлган ишончнинг.

У бурнини тортди-да, бир лаҳзага кўзларини юмди.

– Шахсан мен, – хўрсинди у кўзини юмганча, – тұрмушнинг аҳамияти катта, деб биламан. Унинг нималигини ўз бошингдан ўтказиб кўрмасанг, жуда кўп нарса йўқотасан.

Морри мавзұни ўзи учун дуодек янгровчи шеърдан иқтиbos келтириш орқали якунлади: “Бир-бірингизга меҳр-муҳабbat кўрсатинг, йўқса ҳалокатга юз тутасиз”.

– Битта саволим бор, – дейман Моррига.

Қоқсуяк бармоқлари билан кўзойнагини ҳар нафас олганида кўтарилиб-тушаётган кўксига босади.

– Қандай савол экан?

– Айюб китоби ёдингиздами?

– Инжилдагими?

– Ҳа, ўша. Айюб – яхши инсон, лекин Худо унга азоб юборади. Эътиқодини синаш учун.

- Ёдимда.
  - Уни ҳамма нарсасидан жудо қиласи: уйи, молдавлати, оиласи...
  - Соғлиғи.
  - Ҳа, унга дард юборади.
  - Эътиқодини синаш учун.
  - Ҳа, эътиқодини синаш учун. Менга бир нарса қизиқ...
  - Нима?
  - Шу ҳақида фикринги қандай?
- Моррини кучли йўтал тутади. Қўллари қалтираб, икки ёнига судралиб тушади.
- Менимча, – дейди у жилмайганча, – Ҳудо бироз ошириб юборган.

## Ўн биринчи сесанба: жамиятимизда мавжуд анъаналар ҳақида сұхбатлашамиз

**K**аттиқроқ ур.

Моррининг орқасини қоқаман.

— Қаттиқроқ.

Яна ураман.

— Елкасига яқинроқ қисмига... ҳа, сал пастроғига.

Пижама иштон кийиб олган Морри ётоқда ёнбошлаб ётибди, оғзини ланг очиб, юзига ёстиқ босиб олган. Физиотерапевт менга ўпкада йиғилиб қолган заҳарни қотишга үлгурмасидан олдин қандай қоқиб ташлашни күрсатаётганди. Морри нафас олишда давом этиши учун эндилікдә ушбу мұолажаны мунтазам бажарып түриш зарур эди.

— Мени... уриб-уриб олиш истагинг... борлигини доим... сезардим, — ютоқиб нафас олди Морри.

— Бўлмасамчи, — ҳазиллашдим мен териси бўрдек оппоқ тусга кирган орқасига муштлашда давом этарканман.

— Мана бу иккинчи курсда менга Б қўйганингиз учун! Қарс!

Хонада асабий кулги кўтарилди — одатда таги чин нохуш ҳазилларга шундай куламиз. Агар ҳаммамиз бунинг ўлим олди жисмоний машқлари эканини билиб турмаганимизда, ушбу кичик саҳна ёқимли туюлиши мумкин эди. Бу пайтга келиб, Моррининг дарди сўнгги манзил — унинг ўпкасига етиб қолай деганди. У ҳаво етишмаслигидан бўғилиб ўлишини башорат қиласарди: бундан даҳшатлироқ якунни тасаввуримга сиғдиролмасдим. Баъзан Морри кўзларини юмганча оғиз ва бўрун орқали ичига ҳаво тортишга үринар, ташқаридан қараган одамга гўёки у бутун бошли лангарни кўтаришга чиранаётгандек кўринарди.

Октябрнинг ilk кунлари. Ташқарида совук тушиб

қолган, бутун фарбий Ньютон шаҳарчасини барг-хазонлар юми қоплаган. Моррининг физиотерапевти эрта тонгда келарди, мен одатда ҳамширалар ва бошқа мутахассислар уни кўриқдан ўтказишга келганида хонадан чиқиб турардим. Аммо ҳафта кетидан ҳафта ўтиб бораркан, вақтимиз поёнига етиб бораётгани сабабли ортиқ кекса профессоримнинг яланғоч танасини кўришдан уялмай қўйгандим. Унинг ёнида бўлишни хоҳлардим. Бутун жараённи ўз кўзим билан кўришни хоҳлардим. Ўзимга ўхшамасдим, лекин Моррининг уйида сўнгги ойларда содир бўлаётган воқеалар ҳам одатдагидан мутлақо фарқ қиласарди-да.

Шундай қилиб, ётоқда ётган Моррини текшириб кўраётган физиотерапевтнинг ишини кузатдим: қовурғаларининг орқа қисмига қайта-қайта муштлаб, ундан ўпкадаги тиқин юмшаяптими, деб сўрарди. Шифокор бироз нафас ростлаш учун тўхтаганида, мендан ҳам унинг ҳаракатларини такрорлашга уриниб кўришни сўради. Рози бўлдим. Юзини ёстиққа босиб ётган Морриним табассум қилди.

— Жуда қаттиқ урма, — деди у. — Қариб қолганман, ахир.

Мен шифокор кўрсатмасига биноан ётоқни айланиб, Моррининг орқаси ва ён томонларига ура бошладим. Моррининг ётоққа михланиб қолиши мумкинлиги ҳақидаги фикр юрагимни тилка-пора қиласар, қулоғим остида унинг сўнгги ҳикматли сўзлари жарангларди: “Ётингдан турмабсан, демакки, сен мурдасан”. Ёнбошга ғужанак бўлиб ётган ҳолида унинг кичрайиб, заифлашиб қолган нимжон жисми кўпроқ ёш боланинг гавдасига ўхшарди. Бўрдек оқариб кетган терисини, тўкилиб адо бўлай деган оппоқ соchlарини, жонсиз осилиб турган қўлларини кўрдим. Шунда қоматимизга чиройли шакл бериш учун қанча вақтимизни тош кўтаришу ўтириб-туришларга сарфламайлик, алалоқибат, табиат буларнинг барини пучга чиқариши хаёлимдан ўтди.

Шифокор айтганидек, Моррининг орқасига қаттиқ-қаттиқ урарканман, бармоқларим остида унинг сүякларини ўраб турган шалвираган этини ҳис қилдим. Аслида Моррини қўйиб, унинг ўрнига деворни мана шундай муштлагим келарди.

— Мич? — деди Морри ютоқиб нафас оларкан. Мен орқасига муштлашда давом этаётганим сабабли унинг овози үзилиб-үзилиб чиқарди.

— Ҳа?

— Қачон... мен сенга... Б... қўйгандим?

Морри одамлар табиатан эзгуликка мойил бўлишларига ишонарди. Шу билан бирга, улар нималарга қодирлигини ҳам англарди.

— Кишилар фақат уларга нимадир хавф туғдирсагина худбин бўлиб қоладилар,—деди у кейинроқ,—жамиятимиз эса доим хавф-хатарга тўла. Иқтисодимиз ҳам. Ҳатто ўз ишига эга одамлар ҳам таҳлика остида яшайди, чунки улар ишини йўқотишдан қўрқади. Хавф остида қолганингда эса фақат ўзинг ҳақингда қайғуришни, пулга сифинишни бошлайсан. Барчасининг негизи жамиятимизда мавжуд анъаналарга бориб тақалади, — хўрсинди Морри. — Мен буни қабул қилолмайман.

Мен бош ирғадим ва унинг қўлини сикдим. Биз эндиликда тез-тез қўл ушлашиб ўтирадик. Мендаги яна бир янги ўзгариш шу эди. Авваллари мен қилишга уяладиган ёки ирганадиган ишлар энди одатий ҳолга айланганди. Найчаси Моррининг танасига уланган ва носранг пешоб билан тўлган катетер қопчаси оёғим остида, курси ёнида турарди. Бир неча ой олдин, эҳтимол, бундан жирканган бўлардим; лекин эндиликда бу қопча ва ҳаттоки, Морри тувакка ҳожат чиқарганидан кейин хонада анқийдиган ҳидга ҳам эътибор бермай қўйгандим. Морри бу вақтга келиб бир жойдан иккінчи жойга ҳаракатланиш, ҳожатхона эшигини ёпиш ва ҳожатхонадан чиқишида ҳид кетказувчи спрейни сепиш баҳтидан маҳрум

бўлганди. Бутун ҳаёти ётоқ ва курсида ўтаётганди. Агар менинг ҳаётим ҳам шу тарзда ангишвонадек жойга зичлаб жойлаб қўйилганида, хонамда бундан яхшироқ ҳид таралишига ишонмайман.

— Ўз анъаналарингни ярат дейишим, — деди Морри, — сени жамиятдаги мавжуд барча қоидаларни назар-писанд қиласликка ундашимни англатмайди. Масалан, мен кўчага яланғоч чиқмайман-ку ёки қизил чироқда йўлни кесиб ўтмайман. Бу каби кичик қоидаларга амал қилишим мумкин. Лекин каттароқ масалаларда — фикрлаш тарзи, қадриятлар — танлов ўзимизники бўлиши лозим. Ҳеч кимса ёки ҳеч бир жамият бу нарсаларни сен учун белгилаб беришига йўл қўйма. Мисол сифатида, менинг ҳолатимни олиб кўр. Уялишим керак бўлган нарсалар — юра олмаслигим, кетимни артолмаслигим, баъзан тонглари уйғониб, тўйиб йиғлашни хоҳлашим — умуман уяладиган ёки хижолат бўладиган нарсалар эмас. Хушбичим бўлмаган аёллар ёки бой бўлмаган эркаклар ҳолати ҳам шундай. Аслида, фақат жамиятимиз бизни булар уятли эканига ишонтирган. Сен бунга лақقا тушма.

Мен Морридан нега ёшроқ пайти бошқа бирор ерга кўчиб кетмаганини сўрадим.

— Қаерга?

— Билмадим. Жанубий Америкагами, Янги Гвинеягами, худбинлик АҚШдагидек чуқур томир отмаган бирор ергада.

— Ҳар бир жамиятнинг ўз муаммолари бор, — деди Морри қошларини кўтариб, эндиликда у елка қисмоқчи бўлганида, қош учирарди. — Қочиб кетиш ечим эмас, менимча. Ўз анъаналарингни яратиш устида ишлашинг кера. Қулоқ сол, қаерда яшашимиздан қатъи назар, биз инсонларнинг энг катта камчилигимиз — бу калтабинлигимиз. Биз нималарга қодирлигимизни кўра олмаймиз. Инсон ўз имкониятларини кўра билиши, забт этиши мумкин бўлган ҳар қандай чўққига тирмашиб

кўриши керак. Лекин атрофинг “Хозироқ ҳаммасига эга чиқишим керак” дегувчи кимсаларга тўла бўлса, бу ҳолат мамлакатда ҳамма нарсага эга бир тўда бойлар ҳамда ночорларни бош кўтариб, бойларнинг мулкини ўғирлашдан тийиб турувчи ҳарбийларнинг вужудга келиши билан якунланади.

Морри ортимдаги деразадан узоқ-узоқларга тикилди. Баъзан йўлдан ўтаётган юк машинасининг шовқини ёки шамол ғувуллаши эшитилиб қоларди. Бир лаҳза қўшниларининг уйларига қараб турди-да, сўзида давом этди.

– Муаммо шундаки, Мич, одамлар бир-бирига ўхшаш томонлари ниҳоятда кўплигини тан олгиси келмайди. Оқ танли ва қора танлилар, католиклар ва протестантлар, аёллар ва эркаклар. Агар ўхшашликларимизни кўра олганимизда эди, ҳаммамиз битта улкан оиласа бирлашган ва бу оила учун ўз оиласиз учун қайғурганимиз каби қайғурган бўлардик, эҳтимол. Ишон, жонинг узилаётганида гапларим ҳақиқатлигини англаб етасан. Ҳаммамизнинг ибтидомиз бир хил – туғилиш ва интиҳомиз ҳам бир – ўлим. Шундай экан, қанчалик бир-биримиздан фарқ қилишимиз мумкин? Инсоният оиласига ўз ҳиссангни қўш. Инсонларга ҳиммат кўрсат. Ўзинг севган ва сенга муҳаббат қўйганлардан иборат кичик жамият ярат.

У секингина қўлимни сиқиб қўйди. Мен ҳам унинг қўлини сиқдим – бироз қаттиқроқ. Байрам мусобақаларида болғани зарб билан уриб, дискнинг устун бўйлаб кўтарилишини кузатганингиз каби мен ҳам жисмимда тараалган илиқлик Моррига ўтиб, унинг кўксидан бўйнига, кейин эса ёноқлари ҳамда кўзларигача кўтарилганини ҳис қилдим. У жилмайди.

– Ҳаётимизнинг ilk кунлари – чақалоқлигимизда яшаб қолишимиз учун бошқалар ғамхўрлигига муҳтож бўламиз, тўғрими? Ҳаётинг сўнгида ҳам, менинг ҳозирги ҳолатимга тушганингда, яшаб қолишинг учун бошқалар

ёрдамига эҳтиёж сезасан, тўғрими? – унинг овози пасайиб, шивирлашга ўтди: – Сенга бир сирни очаман – шу икки давр оралиғида ҳам бошқаларга муҳтожлигимизча қолаверамиз.

Ўша куни тушдан кейин Конни билан О. Ж. Симпсон устидан ўқиладиган ҳукмни томоша қилиш учун ётоқхонага ўтдик. Вазият ўта таранг эди: воқеанинг асосий қаҳрамонлари – ўзининг адвокатлари армияси қуршовидаги эгнига кўк костюм-шим кийиб олган Симпсоннинг ҳам, уни тезроқ панжара ортига тиқиш иштиёқида ёнаётган прокурорларнинг ҳам нигоҳи суд ҳайъатига қадалганди. Суд ҳайъати аъзоларидан бири “Айбсиз деб топилди” ҳукмини ўқиб эшииттирганида, Конни “Ё Худойим!” деб қичқириб юборди.

Симпсон адвокатларини бирма-бир қучоқлашини томоша қилдик. Шарҳловчиларнинг ҳукм нимани англатиши, нималар содир бўлаётганини изоҳлашга уринишларини тингладик. Суд биноси ташқарисидаги кўчада қора танлилардан иборат оломон қувонч билан ҳукмни нишонлаётганди, ресторонларда эса бўлаётган воқеалардан лол қолган оқ танлилар телевизор экранларидан кўзларини узолмасди. Қотилликлар ҳар куни содир бўлса-да, бу ҳукм бутун мамлакатни ларзага солганди. Конни коридорга чиқиб кетди. Шу кўргани етарли бўлди унга.

Моррининг кабинети эшиги ёпилгани эшитилди. Телевизорга михланиб қолгандим. “Бутун дунё шуни кўряпти ҳозир” дедим ўзимга ўзим. Кейин эса қўшни хонадан таниш тарақлаш қулоғимга чалинди – Моррини аравачасидан кўтариб олишаётганди. Жилмайдим. “Асрнинг энг шов-шувли суд иши” ўз ниҳоясига етаётган бир пайтда кекса профессорим ҳожатхонада ўз ишини бажаарарди.

1979 йил. Брандейс спортзалида баскетбол ўйини ўтказилмоқда. Жамоасининг натижаси яхшилигидан

рухланган томошабинлар ўриндиғидаги талабалар “Биз доим бириңчимиз! Биз доим бириңчимиз!” деб күйлашга киришади. Морри шу талабаларға яқын жойда ўтирибди. У талабаларнинг ҳайқириқларидан ҳайратда. Ва бирдан навбатдаги “Биз доим бириңчимиз!” ҳайқириқлари остида ўрнидан туриб, “Иккинчи бўлишнинг нимаси ёмон?” деб бақиради.

Талабаларнинг нигоҳи у томонга қадалади. Улар күйлашдан тўхтайди. Морри эса юзида ғолибона табассум билан жойига қайтиб ўтиради.

## Күргазмали қуроллар: учинчи қисм

**Т**унги хабарлар жамоаси Морриникига учинчи ва охирги маротаба ташриф буюрди. Бу галги күрсатувда руҳият мутлақо ўзгача эди. Одатий суҳбатдан кўра кўпроқ қайғули видолашув саҳнасини эслатарди. Тед Коппел келишидан олдин бир неча марта қўнғироқ қилиб, Морридан қайта-қайта “Суратга олиш жараёни сизни чарчатиб қўймайдими?” деб сўради.

Моррининг кўрсатув охиригача туриб бера олишига ишончи комил эмасди.

— Ҳозирда ҳар дақиқа ўзимни ҳорғин сезаман, Тед. Тез-тез нафасим бўғилиб қолади. Агар баъзи сўзларни айттолмай қолсам, ўрнимга нима демоқчи бўлганимни изоҳлаб турасизми?

— Албатта, — деди Коппел. Кейин эса табиатан қатъиятли бўлган телеюлдуз: — Агар кўрсатувда қатнашгингиз келмаса, айтинг, буни хижолатли ери йўқ, Морри. Ҳар қандай ҳолатда ҳам хайрлашгани бораман ёнингизга, — дея қўшиб қўйди.

Гўшакни қўйгач, Морри айёrona жилмайди.

— Ва ниҳоят, унинг ҳам қалбини эритдим.

У ҳақ эди. Коппел Моррини “дўстим” деб атай бошлаганди. Кекса профессорим, ҳаттоки, телебизнес вакилларининг қалбида ҳам раҳм-шафқат уйғотишга муваффақ бўлганди.

Жума куни пешиндан кейин ўтказилган суҳбатда Морри бир кун олдин кийган кийимида ўтирди. Бу пайтга келиб, у уст-бошини ҳар икки кунда алмаштиарди ва ҳали икки кун тўлмагани сабабли белгиланган тартибни бузгиси келмади.

Аввалги икки Коппел-Швартс кўрсатувидан фарқли

равишида бу галги тасвирга олиш ишлари фақатгина Моррининг кабинетида олиб борилди. У хонада турган курсига банди эди. Кекса профессорим билан ўпишиб кўришган Коппел китоб жавони ёнига қисилибгина жойлашди, акс ҳолда, кадрга сиғмай қоларди.

Суҳбатни бошлишдан олдин Коппел Моррининг дарди қанчалик оғирлашганини сўради.

— Аҳволингиз қандай ўзи, Морри?

Морри bemажол қўлини кўтарди — зўрға қорнигача кўтарилилди. Ундан юқорига кўтаришга мадори етмасди. Коппел саволига жавоб олганди.

Тасвирга олиш ишлари бошланди: учинчи ва сўнгги суҳбат. Коппел Морридан “ўлимингиз яқинлашгани сари қўрқувингиз ортиб боряптими?” деб сўради. Морри “йўқ” деб жавоб қайтарди. Аслини олганда, ҳозир қўрқув аввалгидан анча камайганди. У ташқи оламдан тобора узилиб бораётганди: аввалгидек газета ўқиб беришларини сўрамас, почта орқали келаётган хатларга ҳам унча эътибор бермас, буларнинг ўрнига кўпроқ мусиқа тинглар ва деразадан барглар ранги ўзгаришини томоша қиласди.

Морри ALS’дан азиятчеккан бошқа кишилар борлигини ҳам биларди; улардан айримлари машҳур шахслар эди, масалан, буюк физик, “Вақтнинг қисқача тарихи” китоби муаллифи Стивен Хокинг. У томоғидан очилган тешик билан кун кечирар, компьютер синтезатори ёрдамида гапирав ва кўз ҳаракатларини илғаб олувчи сенсор ёрдамида кипприк қоқиш орқали ҳарф терарди.

Морри унинг матонатига қойил қолар, бироқ ўзи бу тарзда яшашни хоҳламасди. У Коппелга ҳаёт билан хайрлашиш вақти қачон келишини билишини айтди.

— Тед, ҳаёт мен учун мулоқот дегани. Ўз ҳис-туйғуларимни ифода этиш, бошқалар билан суҳбатлашиш, қайғу ва қувончларига шерик бўлиш тириклигимни англатади. — Морри чуқур нафас олди. — Булар поёнига етганда, Моррининг ҳам паймонаси тўлади.

Улар худди қадрдонлардек сұхбатлашишди. Олдинги икки сұхбатдагидек, Коппел “кетни артиш синови” ҳақида сүради – афтидан, ҳазиломуз жавоб күтганди. Бироқ Моррінинг жилмайишга ҳам ҳоли қолмаганди. У фақат бوش чайқаб қўйди:

– Ҳозир ҳатто тувакда ҳам қаддимни тик тутиб ўтиrolмайман. Ҳар ёнга оғиб кетавераман, шу сабабли мени ушлаб туришади. Ишимни тугатгач, кетимни артиб қўйишади. Аҳволим шу даражага келиб қолган.

У Коппелга осойишталиқда жон беришни хоҳлашини айтди. Ва ўзининг янги ёзилган ҳикматли сўзи билан бўлишди: “Жуда эрта кетишга ошиқма, лекин жуда узоқ ҳам қолиб кетма”.

Коппел тушкун кайфиятда бosh ирғади. “Тунги хабарлар”нинг дастлабки сони олинганидан бери атиги олти ой ўтган бўлса-да, ҳозирги Морри Швартс деярли мурдага айланганди. Кўрсатув томошабинлари ўлим ҳақидаги минисериал кўраётгандек эди, Морри уларнинг кўз ўнгига сўлиб борарди. Бироқ унинг жисми нураб боргани сари шахс сифатида олдингидан-да ёрқинроқ порларди.

Сұхбат охирлаб қолганда, тасвирда Моррининг бир ўзини қолдиришди, Коппелнинг эса фақат овози эшитилиб турарди. Коппел кекса профессоримдан “сизнинг муҳлисингизга айланган миллионлаб телетомошабинларга айтадиган бирор сўзингиз борми?” – дея сўради. Коппел буни хаёлига ҳам келтирмаган бўлса-да, унинг саволи ўлимга ҳукм қилинган шахсга сўнгги сўзини айтишга имкон бераётгандек янгради.

– Меҳр-шафқатли бўлинг, – шивирлади Морри. – Бир-бирингизга таянч бўлинг. Агар шу нарсалар бизга сабоқ бўлганида эди, дунё яшаш учун яхшироқ жойга айланган бўларди. – Сўнг бир нафас тин олиб, қўшимча қилди – “Бир-бирингизга меҳр-муҳаббат кўрсатинг, йўқса ҳалокатга юз тутасиз”.

Сұхбат яқунланды. Лекин негадир тасвири видеокамерани ўчирмади ва охирги саңна ҳам тасвирға түшди.

— Баракалла, суҳбатни яхши ўтказдингиз, Морри, — деди Коппел.

Морри базур жилмайды.

— Құлдан келганча ҳаракат қилдим, — деди кейин.

— Ҳар доимгидек.

— Тед, хасталик рұхимга чанг солмоқда. Лекин уни синдиrolмайды. Жисмимни барбод қилиши мүмкин. Рұхимни эмас.

Коппелнинг күзлари ёшга тұлди.

— Жуда яхши инсонсиз, Морри.

— Шундай деб ўйлайсизми? — Морри күзини шифтга тиқди. — Ҳозир У билан музокара олиб боряпман. Үндан қайта-қайта: “Фаришталарингдан бирига айланаманми ёки йўқ?” деб сўраяпман.

Морри Худога мурожаат қилишига илк бора иқрор бўлди.

## Үн иккинчи сешанба: .. кечиримлилик ҳақида суҳбатлашамиз

– Жонинг узилмасидан аввал ўзингни, кейин эса бошқаларни кечир.

“Тұнғи хабарлар” күрсатуви тасвирга олинганидан бир неча кун ўтганди. Осмоннинг қовоғи солиқ, ёмғирли кун бўлгани сабабли Морри кўрпага бурканиб олганди. Мен эса курси пойига ўтириб, унинг ялангоёқларини уқалаётгандим. Улар буришиб, қадоқ бўлиб кетган, тирноқлари эса сарғайиб қолганди. Кафтирга ёнимда турган кичик идишдан бироз малҳам олиб, Моррининг тўпиқларини уқалай бошладим.

Бу ойлар давомида ҳамширалар ишини кузатиб, ўрганиб олган муолажаларимдан яна бири бўлиб, Морри ҳақида имкон қадар кўпроқ хотира қолсин, деб уқалашни ҳам бўйнимга олдим. Хасталик туфайли Морри оёқ бармоқларини қимирлатиш қобилиятидан ҳам мосуво бўлганди, бироқ оёқлари ҳали ҳам оғриқ сезар, уқалаш эса оғриқни енгиллаштиради. Шунингдек, Морри инсонларнинг унга тегинишини ёқтиради. Бу пайтга келиб, уни хурсанд қиласидиган ҳар қандай ишни бажаришга тайёр эдим.

– Мич, – деди у кечиримлилик мавзусига қайтар экан,  
– кек сақлаш ва ўжарлиқдан фойда йўқ. Бу нарсалардан,  
– Морри хўрсинди, – бу нарсалардан қанчалик пушаймон эканимни билсанг эди. Мағрурлик. Манманлик. Нега бизни афсуслантирадиган ишларга қўл урамиз?

Кечиримлиликнинг аҳамияти ҳақида савол бергандим. Фильмларда ўлим тўшагида ётган оила бошлиғи бу дунёни тарқ этиш олдидан ўзаро ярашиб олиш мақсадида оқ қилинган ўғлини чақириш саҳнасини кўргандим. Морри ҳам ўлими олдидан “мени кечир” дейишни хоҳловчи

бирор ким бормикан, деб қизиқдим.

Морри бош ирғади:

— Анави ҳайкалчани кўряпсанми? — кабинетидаги жавоннинг энг устки токчасида турган бюст томонга боши билан ишора қилди.

Ҳеч унга эътибор бермаган эканман. Бу бўйнига бўйинбоғ тақилган, бир тутам кокили пешонасига тушиб турган қирқ ёшлардаги эркакнинг бронздан ясалган бюсти эди.

— Бу мен, — деди Морри. — Бир дўстим ясаган, 30 йиллар олдин. Исли Норман эди. Бир пайтлар у билан ажралмас дўст эдик. Чўмилишга борардик. Бирга Нью-Йоркка борардик. Кэмбриждаги уйига меҳмонга борганимда, ертўлада шу бюстни ясаганди. Бир неча ҳафта шу устида ишлаган — уни мукаммал чиқишини хоҳлаганди.

Ҳайкалчанинг юзини диққат билан ўрганиб чиқдим. Ёш, соғлом, уч ўлчамли Моррининг сұхбатимизни кузатиб туришини кўриш жуда ғалати эди. Ҳатто бронзада ҳам унинг нигоҳида инжиқлик акс этиб турарди; дўсти унинг руҳини ҳам ҳайкалда ифодалай олибди, деган фикр хаёлимдан ўтди.

— Энди ҳикоянинг кўнгилсиз қисмини айтсам, — деди Морри. — Норман рафиқаси билан Чикагога кўчиб ўтди. Бироз вақт ўтиб, хотиним Шарлотта жиддий операцияни бошидан ўtkазди. Норман ҳам, унинг рафиқаси ҳам бир оғиз хабар олай демади. Улар бу ҳақида билишарди. Шарлоттанинг аҳволини сўраб бирор марта ҳам қўнғироқ қилишмаганидан жуда кўнглимиз оғриди. Шундан кейин улар билан алоқани үздик. Йиллар ўтиб Норман билан бир неча марта кўришдик ва у ҳар сафар ярашишга ҳаракат қилди, лекин мен буни рад этдим. Унинг изоҳларидан кўнглим тўлмади. Мағрурлигим туфайли дўстимни кўксидан итардим.

Унинг овози бўғилди.

— Мич... бир неча йил олдин... у саратондан вафот этди.

Үйласам, дилим хун бўлади. У билан кўришолмадим. Шу сабабли кечира олмадим ҳам. Ҳозир бундай қилганимдан жуда азобланаман.

У яна йиғлай бошлади – жимгина, сассиз. Боши орқага суяб қўйилгани учун кўзёшлари лабига етиб келмай, юзининг ён томонига юмаларди.

– Афсусдаман, – дедим мен.

– Ҳаммаси жойида, – пичирлади у. – Йиғлаш уят эмас.

Унинг оёқ бармоқларига малҳам суришда давом этдим. У эса хотираларга чўмганча, яна бир неча дақиқа кўзёш тўқди.

– Биз кечиришимиз керак бўлганлар фақат бошқалар эмас, Мич, – ниҳоят шивирлади у. – Ўзимизни ҳам кечиришимиз керак.

– Ўзимизни?

– Ҳа, вақтида қилмаган ишларимиз учун. Қачонлардир амалга оширишимиз лозим бўлган, лекин бажарилмай қолиб кетган ишлар учун. Амалга оширилмаган ишлар учун пушаймонлик гирдобида қолиб кетмаслик керак. Менинг ёшимга етиб, ҳозирги ҳолатимга тушганингда, пушаймонликдан фойда йўқ. Доим ўз мутахассислигим бўйича каттароқ натижаларга эришишни хоҳлардим; кўпроқ китоб ёзгим келарди. Авваллари бундай қилолмаганим учун ўзимни койирдим. Бу бефойдалигини энд-энди англаб етаяпман. Муроса қил. Ўзинг ва атрофингдагилар билан муроса қил.

У томонга энгашиб, ёшларини сочиқча билан артдим. Морри тўсатдан кўзини очди, сўнг яна юмди. Унинг нафас олиши атрофга эшитилиб турарди, худди хуррак отаётгандек.

– Ўзингни кечир. Бошқаларни ҳам кечир. Кутма, Мич. Ҳаммага ҳам рози-ризолик сўраш учун менга берилгани каби етарли муҳлат берилмаслиги мумкин. Омад ҳаммага ҳам кулиб боқавермайди.

Сочиқчани чиқинди қутисига ташладим ва яна унинг

пойига қайтдим. Омад? Бош бармоғимни унинг қотиб қолган этига босдим, у буни сезмади ҳам.

– Қарама-қаршиликлар тортишуви ёдингдами, Мич? Сени турли томонларга тортувчи күчлар?

– Эсимда.

– Мен вақтим тугаб бораётганига ачинаман, лекин у менга хатоларимни тузатиш имконини бераётганидан қувонаман.

Бироз муддат иккаламиз ҳам жим қолдик. Ёғаётган ёмғир томчилари деразага уриларди. Моррининг орқасидаги ҳибискус бутаси ҳали ҳам сўлмаганди – кичрайиб қолган, лекин ҳали бақувват эди.

– Мич, – шивирлади Морри.

– Лаббай? – Ўз машғулотимга шўнғиб, унинг оёқларини уқалашда давом этдим.

– Менга қара.

Бошимни кўтариб, у томон юзландим: кўзларида кескин ифода акс этганди.

– Нега ёнимга қайтганингни билмайман. Лекин бир нарсани айтишни хоҳлардим... – У жимиб қолди, нафаси бўғилди. – Агар менда яна бир ўғил фарзандли бўлиш имкони бўлганида, у сен бўлишингни истардим.

Бармоқларим билан жонсизланиб бораётган оёқлар бармоғини эзғилаганча, нигоҳимни олиб қочдим. Бизрлаҳза дилимни қўрқув эгаллади: унинг иқрорини қабул қилиш ўз отамга хиёнат қилишдек туюлди. Бироқ бошимни кўтариб Моррига қараганимда, унинг ёш тўла кўзлари билан жилмайиб турганини кўрдим ва англадимки, бундай лаҳзаларда хиёнатга ўрин қолмайди.

У билан видолашибга тўғри келиши юрагимга қўрқув солганди.

– Мен дағн үчун ўзимга жой танладим.

– Қаерда экан у жой?

– Бу ердан узоқ эмас. Ҳовуз яқинидаги тепалиқда, дарахтлар остида. Сокин. Фикрлаш учун яхши жой.

— Ўша ерда хаёл сурмоқчимисиз?

— У ерда ўлиб ётмоқчиман.

Морри қиқирлаб кулади. Мен ҳам унга қўшиламан.

— Мени кўргани келиб турасанми?

— Кўргани?

— Шунчаки, суҳбатлашгани келиб тур. Сешанба кунлари. Ҳар доим сешанба куни келасан-ку.

— Ҳа, биз сешанба одамларимиз.

— Шундай. Сешанба одамлари. Суҳбатлашгани келасанми, шундай қилиб?

Охирги кунларда у шу қадар тез заифлашиб бораётгандики.

— Менга қара, — дейди у.

— Қараб турибман.

— Қабримга кўргани келасанми? Муаммоларинг ҳақида сўзлаб бергани?

— Муаммоларим?

— Ҳа.

— Унда сиз ҳам муаммоларимга ечим топиб берасизми?

— Қўлимдан келганча ҳаракат қиласман, албатта. Ҳар доимгидек.

Ўзимни ҳовуз ёнидаги тепаликда — унинг қабри ёнида тасаввур қиласман. Морри жойлаштирилиб, устига тупроқ ташлаб кўмилган ва қабртоши ўрнатилган бир парча ер. Эҳтимол, бир неча ҳафтадан кейиндир? Ёки бир неча кундан кейинмикан? У ерда қўлларим билан тиззаларимни қулоқлаганча, бўшлиқقا тикилиб ўтирганимни кўз олдимга келтираман.

— Барибир у ҳозиргидек бўлмайди-да, — дейман. — Гапларингизни эшитолмайман.

— Қандай гапираман...

У кўзларини юмиб, жилмаяди.

— Кел, бундай қиласми. Ўлганимдан кейин сен гапирасан. Мен эса эшитаман.

## Ўн учинчи сесанба: мукаммал кун ҳақида суҳбатлашамиз

**М**орри ўлимидан сўнг жасади кўйдирилишини хоҳларди. У бу ҳақида Шарлотта билан маслаҳатлашиб, шу энг мақбул усул, деган қарорга келди. Морри дағн маросимини ўтказишни қадрдон дўсти – Брандейс университети раввини ал-Акселродга ишониб топширди. Ал-Акселрод Моррини кўргани келганда, Морри унга ўз жасадининг кўйдирилиши тўғрисидаги режасини айтди.

– Кейин Ал...  
 – Лаббай?  
 – Мени ҳаддан ортиқ кўйдириб юбормасликларига кўз-қулоқ бўлгин-а.

Раввин ҳанг-манг бўлиб қолди. Энди Морри ўз жасади ҳақида ҳазил қилишга ўтганди. Ўлими яқинлашгани сари у ўз жисмига шунчаки арзимас қобиқ, руҳ сақланадиган оддий идиш сифатида қарай бошлаганди. Барibir танаси қуриб, фақат фойдасиз тери ва устухонга айланиб бораётгани сабабли ундан воз кечиш у қадар қийин эмасди.

– Биз ўлим билан юзма-юз келишдан жуда қўрқамиз, – деди Морри унинг ёнига жойлашганимдан кейин.

Унинг ёқасидаги микрофонни тўғрилаб қўйдим, лекин у яна тушиб кетаверди. Моррини йўтал тутди. Ҳозирга келиб у деярли тўхтовсиз йўталарди.

– Ўтган куни бир китоб ўқигандим. Унда ёзилишича, шифохонада bemor вафот этиши билан уни дарҳол чойшабга ўраб, люкка ўхшаш нарсанинг ёнига олиб боришар, сўнг пастга ташлаб юборишарқан. Улар мурдани тезроқ кўздан йўқотиш ҳақида ўйлади. Одамлар ўлимга юқумли касалликдек қарашади.

Мен микрофонни унинг ёқасига қотириш билан овора эдим. Морри қўл ҳаракатларимга бир қараб олди.

— Ўлим юқумли эмас. У ҳам ҳаёт каби табиий ҳодиса. У биз тузган келишувнинг бир қисми.

Морри яна йўтала бошлади, мен ортга тисарилиб, доимидек ҳар қандай жиждий фалокатга тайёр ҳолда кутиб турдим. Охирги пайтларда Морри тунларни минг азобда ўтказаётганди. Даҳшатли тунлар. У атиги бир неча соат ором олар, кейин эса кучли йўталдан нафаси бўғилиб уйғонарди. Ҳамширалар ётоқхонага югуриб келиб, елкасига урар ва ўпкасидаги балғамни кўчиришга уринарди. Ҳамширалар уни одатдагидек нафас олдиришига муваффақ бўлганида ҳам (бу энди фақат кислород юборувчи ускунга орқали амалга ошириларди), бундай кураш Моррининг тинка-мадорини қуритар ва у куни билан беҳол ётарди.

Унинг бурнига кислород найчалари ўрнатилганди. Уларни кўргани кўзим йўқ. Менга найчалар чорасизлик ифодасидек туюларди. Уларни юлиб олгим келарди.

— Ўтган кеча... — Морри секингина шивирлади.

— Хўш, хўш? Ўтган кеча?

— Мени кучли йўтал хуружи тутди. Соатлаб давом этди. Ўлиб қолсам керак, деб ўйладим. Нафас ололмайман. Бўғилиб қолгандим. Бир пайт бошим айлана бошлади... шунда қалбимда қандайдир бир осойишталик ҳисси пайдо бўлди ва мен кетишга тайёрлигимни ҳис қилдим.

Морри кўзларини катта-катта очди.

— Мич, бу бетакрор туйғу эди. Содир бўлаётган ҳодисани қабул қилиш ҳисси, қалб осойишталиги. Ўтган ҳафта кўрган тушим ҳақида ўйладим — унда қандайдир кўприқдан номаълум томонга ўтаётгандим. Манзил қандай бўлишидан қатъи назар, у томон боришга тайёр эдим.

— Лекин бормадингиз.

Морри бир лаҳза тин олди. Сўнг секингина бош

чайқади:

— Йўқ, бормадим. Лекин бора олишимни аниқ ҳис қилдим. Тушуняпсанми? Барчамиз излаётган нарса айнан шу. Ўлим ҳақлигини хотиржам қабул қилиш. Агар охир-оқибат ўлимни хотиржам қарши олиш қўлимиздан келишини билсак эди, ана ундан кейин чиндан қийин ишни қилишни ҳам бир амаллардик.

— Қайси иш?

— Ҳаёт билан муроса қилиш.

У орқасидаги дераза токчасида турган ҳибискус бутасини олиб келишимни сўради. Бутани кафтигма қўйиб, унинг юзига яқин келтирдим. У жилмайди.

— Ўлиш — табиий жараён, — такрорлади у. — Биз ўзимизни табиатнинг бир қисми сифатида кўрмаслигимиз сабабли ўлим бизни саросимага солади. Биз инсонмиз, демак, табиатдан устунроқмиз, деб ўйлаймиз.

Морри бутага қараб жилмайди.

— Аслида ундей эмас. Дунёга келган ҳар бир нарса вақти келиб ўлади. — У менга қаради: — Фикримга қўшиласанми?

— Ҳа.

— Яхши, — шивирлади у, — инсон бўлишнинг мукофоти ҳам бор. Шу ғаройиб ўсимлик ва ҳайвонлардан фарқимиз, мана, нимада. Токи бир-биримизни яхши кўриб, меҳр-муҳаббат ҳиссини хотирамизда сақлар эканмиз, ўлганимиздан кейин ҳам бутунлай йўқликка ғарқ бўлмаймиз. Сен қолдирган меҳр-муҳаббат ўлмайди. Сендан қолган хотиралар ўлмайди. Ҳаётлигингда меҳр-муҳаббат ва ғамхўрлигингдан баҳраманд бўлганларнинг қалбида яшаща давом этасан.

Унинг овози титради. Бу унинг бироз тин олиши кераклигини англатарди. Бутани дераза токчасига қайтиб олиб бориб қўйдим-да, ўчириш учун магнитофон томонга юрдим. Ўчиришимдан олдин Моррининг сўнгги сўзлари тасмага муҳрланишга үлгурди: “Ўлим – ҳаётнинг интиҳосидир, муносабатларнинг эмас”.

ALS қасаллигини даволашда бироз олға силжиш күзатилаётганди: ҳали синов босқичида бўлган янги дори чиқарилиши кутилаётганди. Дори хасталикни бутунлай даволамаса-да, унинг ривожланишини бир неча ойга секинлаштирарди. Моррининг янгиликдан хабари бор, аммо унинг дарди секинлашадиган босқичдан аллақачон ўтиб кетганди. Бундан ташқари, дорининг сотувга чиқарилишига ҳали яна бир неча ой бор эди.

— Мен учун эмас, — қатъян рад этди у.

Шу дардга чалинганидан бери Морри бирор марта ҳам тузалиб кетиш умидида ёнмади. У ашаддий реалист эди. Бир марта ундан:

— Кимdir сеҳрли таёқчасини силкитиб, сизни тузатиб қўйса, вақт ўтиб яна аввалги Моррига айланармидингиз?  
— деб сўрадим.

У бош чайқади.

— Ортга қайтишим ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Мен ҳозир тамомила ўзга одамга айланганман. Ҳаётта бутунлай бошқача кўз билан боқаман. Жисмимнинг қадрига етишни ўрганганман, олдинлари унга жиддий эътибор қаратмасдим. Инсонга тинчлик бермайдиган муҳим саволларга, ҳаёт-мамот жумбоқларига жавоб топишга бўлган муносабатим ҳам ўзгарган. Биласанми, ҳамма гап шунда. Муҳим саволларнинг жавобини топишга бир киришдингми, тамом, уларни шунчаки қолдириб кетолмайсан.

— Қайси саволларни муҳим деяпсиз?

— Менинг тушунишимча, улар муҳаббат, бурч, маънавият, ҳаёт моҳиятини англаш тўғрисида. Агар бугуннинг ўзида соғайиб қолсам ҳам, ана шу саволлар фикримни банд этган масалалигича қолаверади. Бутун умрим давомида шундай бўлиши керак эди.

Моррини соғлом кўринишда тасаввур қилишга уриндим. Устидаги чойшабларни итқитиб, курсидан даст туришини ва иккаламиз ташқарига сайрга

чиқишимизни кўз олдимга келтиришга ҳаракат қилдим. Худди бир пайтлар университет ҳовлисида бирга сайр қилганимиздек. Уни охирги марта тик оёқда кўрганимга ўн олти йил бўлгани ялт этиб хаёлимдан ўтди. Ўн олти йил-а?

— Агар бир кунга соппа-соғ бўлиб қолсангиз, — сўрадим мен, — нима қиласдингиз?

— Йигирма тўрт соатгами?

— Йигирма тўрт соатга.

— Ўйлаб кўриш керак... Эрталаб ўрнимдан турардим, бадантарбия машқларини бажаардим, ўрама ширин кулча ва чой билан ёқимли нонушта қиласдим-да, сузишга борардим, кейин эса дўстларимни мазали тушликка таклиф қиласдим. Уларни битта-биттадан ёки жуфт-жуфт бўлиб келишга чақиравардим, шунда ҳар бирининг оиласи, муаммолари ва қадрдан дўстлигимиз ҳақида бемалол сұхбат қуравардик. Кейин бирор чорбоғда сайр қилишга чиқардим, дарахтлар рангини, қушларни томоша қиласдим. Ўзим анчадан бери кўролмаган табиат гўзаллигидан баҳра олардим. Оқшом тушгач, ҳаммамиз биргаликда кечки овқатга макаронли таомлар ёки ўрдакни тотли пиширадиган бирорта тамаддихонага борардик — ўрдакни яхши кўраман. Овқатдан сўнг туни билан рақс тушардик. Ҳолдан тойгунимча, у ердаги моҳир рақкосаларнинг ҳаммаси билан маза қилиб ўйнардим. Кейин эса уйга бориб, мириқиб ухлардим.

— Бор-йўғи шуми?

— Ҳа, шу.

Унинг истаклари шу қадар жўн, шу қадар оддий эдики. Ростини айтсам, ҳафсалам бироз пир бўлди. У Италияга боришни, президент билан овқатланишини, денгиз соҳилида чопқиллаб ўйнашни ёки хаёлига келган ҳар қандай экзотик нарсаларни татиб кўришни хоҳлайди, деб ўйлагандим ўзимча. Ойлаб ётоқда қолиб, ҳатто оёғини ҳам қимиirlатолмай ётгандан кейин қандай қилиб шунчалик

оддий кундан лаззат топиш мүмкін?

Кейин эса ҳамма гап шунда эканини англадим.

Үша куни кетишим олдиdan Морри мендан “Бир мавзуни күтартсам майлими?” деб сүради.

— Уканг ҳақида гаплашмоқчи әдим, — деди у.

Вужудимни титроқ босди. Шу мавзу фикру хаёлимни банд этганини Морри қандай сезди экан, билмайман. Бир неча ҳафтадан бери Испанияга құнғироқ қилиб, үкам билан боғланолмай юргандым; бир дүстининг айтишича, у Амстердамдаги шифохонага қатнаётган экан.

— Яхши күрган инсонинг ёнида бўлолмаслик оғирлигини биламан, Мич. Лекин унинг истакларини ҳам тушунишинг керак. Балки, у ишларингни ташлаб, унинг ёнига боришингни хоҳламас. Балки, бу нарса унга оғир юқдек туялар. Мен ҳамма танишларимга одатий ҳаёт тарзингизни давом эттиринг, мен ўлаётганим туфайли беҳаловат бўлманг, дейман.

— Лекин у укам-ку, — дедим мен.

— Биламан, — деди Морри. — Шуниси оғриқли-да.

Жингалак малла соchlари бошида коптоқдек шишиб турган саккиз ёшли Питер кўз олдимга келди. Ҳовлидаги майсазорда жинси шимларимиз тиззасини ўт доғларига булғаб кураш тушаётганимиз ёдимга тушди. Питернинг тароқни микрофондек тутиб, кўзгу олдида қўшиқ айтаётгани, болалигимизда уйдагилар бизни кечки овқатга топишолмасин, деб чордоқда беркиниб, қисилиб ўтирганларимиз кўз олдимдан ўтди.

Кейин эса оиласиздан узоқлашиб кетган, кимёвий муолажалардан юз чаноқлари бўртиб, озғин ва нимжон кўринишга келиб қолган йигит кўз олдимда гавдаланди.

— Морри, — сўрадим мен, — нега у мени кўргиси келмаяпти экан-а?

Кекса профессорим хўрсинди.

— Муносабатлар маълум бир формула асосида қурилмайди. Улар меҳр билан музокара олиб бориш,

ҳар иккала томоннинг истак-хоҳишлари, эҳтиёжлари, имкониятлари ва турмуш тарзини инобатга олиш орқали шакллантирилади. Бизнесда музокаралар ғолиб чиқиш учун олиб борилади. Тадбиркорлар ўзлари учун манфаатли бўлган шартларга эришиш мақсадида музокарага киришади. Балки шу нарса миянгга ўтириб қолгандир. Мұхабbat эса бошқача. Мұхабbat бу ўзганинг аҳволи ҳақида худди ўзингники каби қайғуришингдир. Бир пайтлар уканг билан муносабатларинг жуда илиқ бўлган, энди эса йўқ. Сен ўша дамларни қайтаришни хоҳлайсан. Муносабатларинг узилиб кетишини истамайсан. Лекин одамзоднинг қисмати шу. Ришталар үзилади, тикланади, үзилади, тикланади.

Мен Моррига қараб, ажал нақадар яқин эканини англадим. Ўзимни бутунлай чорасиз ҳис қилдим.

— Укангнинг кўнглига яна йўл топасан ҳали, — деди Морри.

— Сиз буни қаердан биласиз?

Морри жилмайди.

— Мени топиб келдинг-ку, тўғрими?

— Бир неча кун олдин ажойиб бир ҳикоя эшитгандим, — дейди Морри.

У кўзларини юмиб, бир лаҳза тин олади; мен унинг гапида давом этишини кутаман.

— Хўш, ҳикоя уммонда мавжланиб сузиб, фараҳли умр кечираётган кичик тўлқин ҳақида. У шамол ва мусаффо ҳаводан роҳатланиб сузиб юрганди, бироқ олдидаги бошқа тўлқинларнинг қирғоққа зарб билан урилаётганини кўргач, кўнглига ғулу тушди.

— Эй Худойим, бу қандай даҳшат, — ўйлади тўлқин. — Мана, қандай фалокат кутиб турибди мени!

Унинг ортидан бошқа бир тўлқин етиб келди. У биринчи тўлқинни ғамгин ҳолатда кўриб, үндан сўради:

— Нимадан бунча хафасан?

Биринчи тўлқин унга жавобан деди:

— Ҳеч нарсани түшүнмаяпсан, шекилли! Ҳаммамиз қирғоқ билан түқнашиб, парча-парча бўламиз! Биздан асар ҳам қолмайди! Бу даҳшат эмасми?

Иккинчи тўлқин унга жавоб қиласди:

— Йўқ, ҳеч нарсага түшүнмаётган сенсан. Сен тўлқин эмассан, уммоннинг бир бўлагисан.

Мен табассум қиласман. Морри яна кўзларини юмади.

— Уммоннинг бир бўлаги,—такрорлайди у,—уммоннинг бир бўлаги, холос.

Унинг нафас олишини кузатаман: нафас олади – чиқаради, нафас олади – чиқаради.

## Ўн тўртинчи сешанба: хайрлашамиз

**X**аво совуқ ва нам эди. Зинапоялардан Моррининг уйига кўтарилаётib, аввалги ташрифларимда илғамаган майда-чўйдаларга ҳам эътибор бераётганимни сездим. Тепалик шакли. Ўнинг тош урилган деворлари. Пастак, ҳамиша яшил буталардан иборат йўлак четидаги девордараҳтлар. Мен шошмасдан, оёғим остида текисланиб қолаётган ҳўл хазонларни босиб, секин юриб борардим.

Бир кун олдин Шарлотта қўнғироқ қилиб, Моррининг аҳволи оғирлашганини айтганди. Бу билан у “сўнгги кунлар етиб келди” демоқчи эди. Морри ҳамма учрашувларини бекор қилиб, жуда кўп вақтини уйқуда ўтказаётганди: бу ҳечам Моррига ўхшамасди. У ҳеч қачон ухлашга иштиёқманд бўлмаган, айниқса, гаплашиш учун тайёр суҳбатдошлар бўлганда.

— У сизни келсин деяпти, — деди Шарлотта. — Лекин, Мич...

— Лаббай?

— У жуда дармонсизланиб қолган.

Кириш эшигига олиб чиқувчи зинапоялар. Эшикнинг ойнали қисми. Мен бу нарсаларни секин, кузатувчан нигоҳ билан хотирамга сингдириб бораардим, гўёки уларни илк марта кўраётгандек. Елкамга осилган сумкадаги магнитофонни пайпаслаб кўраман, кейин эса тасмаларни ҳам олганимга ишонч ҳосил қилиш мақсадида сумканинг ичини очиб кўраман. Нега бундай қилдим – билмайман. Тасмаларни доим ёнимда олиб юраман-ку.

Эшикни Конни очди. Табиатан хушчақчақ Конни бугун ғамгин кўринарди. Деярли шивирлаб саломлашди.

— Унинг аҳволи қалай? – сўрадим мен.

— Унчалик яхшимас, — дея лабини тишлади у. — Бу ҳақида үйлашни ҳам хоҳламайман. Шундай яхши одам-а?

— Биламан.

— Кулфат-ку бу!

Шарлотта коридордан чиқиб келиб, мени қучоқлади. Соат эрталабки 10 бўлаётган бўлса-да, Морри ҳали уйғонмабди. Ошхонага ўтдик. Стол устида қаторлашиб турган оқ телпакли жигарранг пластик аскарчалар – дори идишчаларини кўриб, унга ошхонани йиғиширишга кўмаклашдим. Кекса профессорим нафас олишни енгиллаштириш учун морфий қабул қиласарди.

Ўзим билан олиб келган озиқ-овқатларни музлаткичга жойладим: шўрва, сабзавотли пишириқ, туна салати. Яна овқат кўтариб келганим учун Шарлоттадан узр сўрадим. Морри бу каби егуликларни чайнолмай қолганига анча бўлганини иккаламиз ҳам билардик, аммо бозорлик қилиб келиш одат тусига кириб қолганди-да. Баъзан кимингнидир йўқотаётганингда, майда-чуйда одатларга ҳам чўкаётган одам хасга ёпишганидек амал қиласарсан.

Морри ва Тед Коппелнинг ilk сухбати тасвирга олинган меҳмонхонада кутиб ўтиредим. Столда ётган газетани ўқий бошладим. Миннесотада икки болакай отасининг қуроллари билан ўйнай туриб, бир-бирини отиб қўйибди. Лос-Анжелес кўchalаридан бирида ахлат қутисидан чақалоқ топилибди.

Газетани жойига қўйиб, бўм-бўш каминга тикилдим. Пойабзалим билан паркет полни оҳиста депсий бошладим. Ва ниҳоят, эшик очилиб-ёпилгани, кейин эса Шарлоттанинг мен томон келаётган қадам товушлари қулоғимга чалинди.

— Бўлди, — деди у майин овозда. — У сени кўришга тайёр.

Мен ўрнимдан қўзғалиб, одатий жойимизга томон юрарканман, коридор охирида, йиғма курсида оёқларини чалиштириб ўтирганча китоб ўқиётган бегона аёлга кўзим

тушди. У ўлим тўшагида ётган bemорлар касалхонасидан келган ҳамшира бўлиб, Морридан йигирма тўрт соат бохабар бўлиб турувчи навбатчи жамоа аъзоси эди.

Моррининг кабинетида ҳеч ким йўқ эди. Бундан бир оз гангиб қолдим. Кейин иккиланибгина ётоқхонага қайрилдим, ҳа, мана у, ётоқда чойшабларга ўраниб ётибди. Мен уни бу ҳолда олдин фақат бир марта кўргандим: у уқалаш муолажасини олаётганида. Яна унинг “Ётоғингдан турмабсан, демакки, сен – мурдасан” деган ҳикматли сўзлари миямда акс-садо берди.

Юзимда зўраки табассум билан хонага кирдим. У тепасигасариқранглитунгикўйлаккийиболган, кўкрагидан пастки қисмига эса кўрпа ёпиб қўйилганди. Унинг кўрпа остидаги танаси шу қадар озиб-тўзиб кетгандики, менга бир нафас у ерда нимадир етишмаётгандек туюлди. Унинг кичрайиб кетган жуссаси ёш боланикидек келарди.

Моррининг оғзи очиқ, юзи териси оқариб, ёноқ суякларига ёпишиб турарди. Нигоҳи менга тушиб, гапиришга уринди, аммо бўғиздан фақат хириллаган товуш эшитилди.

— Мана, қаерда экансиз! — дедим мен бўм-бўш ичимда қолган бор кучимни тўплаб.

Унафасчиқарди, кўзларини юмди, кейин эсажилмайди. Шу жилмайиш ҳам уни ҳолдан тойдираётгандек эди.

— Қадрдон... дўстим, — деди у ва ниҳоят.

— Ҳа, дўстингизман, — дедим мен.

— Бугун аҳволим... унча яхшимас.

— Эртага ўзингизга келиб қоласиз.

У қийинчилик билан яна нафас чиқарди ва зўрға бош ирғатди. Чойшаб тагидан нимадир қилишга қаттиқ уринаётгани кўриб, қўлинини чиқармоқчилигини англадим.

— Қўлимдан тут, — деди у.

Кўрпани тортиб, унинг бармоқларини маҳкам ушладим. Улар қўлларим орасида йўқ бўлиб кетди. У томонга энгашдим, юзим юзига тегай деб турарди..

Бириңчи марта уни соқоли олинмаган ҳолда күришим эди. Энди ўсиб келаётган оппоқ мўйлари Моррининг юзида шу қадар бегона туюлардики, худди бирор унинг ёноқлари ва иягига бир текис қилиб туз сепиб чиққандек эди. Жон ҳамма аъзоларини тарк этаётган бир пайтда янги ҳаёт бошлашга қувватни қаердан олди экан бу соқол?

- Морри, — чақирдим мен.
- Мураббий, — мени тўғрилади у.
- Мураббий, — дедим мен.

Вужудимни титроқ босди. У тўхтаб-тўхтаб гапирди: нафас олиши – ҳаво, чиқариши – сўзлар. Ингичка, титроқ овозда сўзларди. Ундан малҳамларнинг ҳиди келарди.

- Сен... яхши одамсан.
- Яхши одам.
- Мана бу еримдан, — деди у шивирлаб, қўлимни юраги томонга олиб бораркан. – жой олгансан.

Бўғзимга нимадир тиқилди.

- Мураббий?
- А-а?

– Мен қандай хайрлашишни билмайман.

У ҳали ҳам кўксизда турган қўлимни оҳистагина уриб қўйди.

– Мана... шундай... хайрлашамиз.

Морри оҳистагина нафас олар, мен унинг кўкрак қафаси кўтарилиб-тушишини ҳис қилиб турардим. У кўзимга тик қараб:

- Сени... яхши кўраман, — деди хирилдоқ овозда.
- Мен ҳам сизни яхши кўраман, мураббий.
- Яхши кўришингни биламан... Яна бошқа... бир нарсани ҳам биламан.
- Яна нимани биласиз?
- Ҳар доим... яхши кўрганингни...

Унинг кўзлари қисилди, кейин эса у йиғлай бошлади. Юзи худди ҳали қандай йиғлашни билмайдиган чақалоқникидек бужмайди. Мен бир неча дақиқа

уни бағримга босиб турдим. Осилиб қолган терисини, соchlарини силадим. Кафтаримни унинг юзига босдим, қуриган эти остида ёноқ сұяклари яққол сезилиб турарди. Доритомизгичдан сиқиб чиқарилаётган томчилардек майда күшләридан кафтим намланди.

Нафас олиши бир маромга түшгач, томоғимни бир қириб олдим-да, унинг ҳолдан тойганини, шу сабабли кейинги сешанба келишимни ва үнгача ахволи бироз яхшиланиб қолишига умид қилишимни айтдим.

– Раҳмат, – деди Морри ва кулишга уриниб, енгил пихиллаб қўйди. Барibir кулгиси ҳам ғамгин чиқди.

Келганимдан бери ёпиқлигича турган, магнитофон солинган сумкамни қўлимга олдим. Буни нега олиб келдим ўзи? Ундан фойдаланмаслигимизни билгандим-ку. Морри томонга эгилиб, уни ўпид қўйдим. Зора унга бир лаҳза бўлса-да завқ бағишиласа, деган умидда юзимни унинг юзига одатдагидан узоқроқ босиб турдим.

– Бўпти унда, – дедим қаддимни ростлар эканман.

Намланган кўзларимдан ёш чиқмаслиги учун киприк қоққанимни кўриб, унинг лаблари сиқилди ва ҳайратдан қошлари кўтарилди. Ўша лаҳзада кекса профессорим ўз ғалабасидан мамнун эди, деб ўйлайман: ва ниҳоят, у мени йиғлашга мажбур қилганди.

– Бўпти, – шивирлади у.

## Битирув оқшоми

**М**орри шанба куни тонгда оламдан ўтди. Барча яқин қариндошлари унинг ёнида эди. Роб Токиодан учиб келди – отасини сўнгги манзилга кузатиш учун, Жон ва албатта, Шарлотта ҳам Морри билан бирга эди. Шарлоттанинг жияни – “норасмий дафн маросими” да ўқиб берган шеърида Моррини навқирон секвойяга менгзаб, уни тўлқинлантириб юборган Марша ҳам ўша ерда эди. Улар тунлари навбатма-навбат Моррининг ёнида ўтириб чиқарди. Сўнгги учрашувимииздан икки кун ўтиб, Морри комага тушиб қолди; шифокор унинг исталган пайт жони узилиши мумкинлигини айтди. Бироқ у ҳеч кетолмади, туни бўйи ўлим билан курашиб чиқди.

Ва ниҳоят, тўртинчи ноябрь куни – яқинлари биринчи марта уни ёлғиз қолдириб, бир финжон қаҳва учун ошхонага чиқишиганида, у нафас олишдан тўхтади.

Морри бу дунёни тарк этди.

Ўйлашимча, Морри атай шу тарзда жон берди. У бошқаларни қўрқитиб юборишини хоҳламади. Кимдир унинг жони узилишига гувоҳ бўлиб, бир умр шу лаҳза таъқиби остида яшашини истамади. Худди унинг ўзини онасининг вафоти ҳақида телеграмма ёки отасининг жасадини шаҳар моргида кўрганидаги даҳшат бир умр таъқиб қилганидек.

Менимча, у ўз ётоғида ётганини, китоблари, қайдлари ва кичик ҳибискус бутаси унинг ёнгинасида эканини ҳис қилиб турган. У бу дунёни хотиржам тарк этишни хоҳлаганди – худди шундай бўлди.

Дафн маросими тонгига шамол эсиб турар, ҳаво нам эди. Ўт-ўланлар ҳўл, осмон қаймоқранг тусда эди. Биз тепалиқдаги янги қазилган қабр ёнида турардик, ҳовуз

сувининг қирғоққа урилаётгани эшитилиб тұрар, ўрдаклар қанотларини қоқиб сузив юрарди.

Юзлаб кишилар маросимда иштирок этишини хоҳлаган бўлса-да, Шарлотта маросим ихчам ўтишини хоҳлади: фақат бир неча яқин дўйстлари ва қариндошлари келди. Раввин Акселрод бир нечта шеър ўқиди. Болалигида полиомиелит билан оғригани туфайли ҳали ҳам оқсоқланиб юрадиган Моррининг укаси Девид, анъанага кўра, белкуракда қабрга тупроқ ташлади.

Моррининг кули қабрга жойлаштирилгач, ён-атрофни кўздан кечирдим. Морри ҳақэди – ажойиб жой. Дараҳтлар, ўт-ўланлар ва қия тепалик.

“Сен гапирасан, мен эса эшиштаман”, – деганди у ўшанда.

Морри айтганидек, у билан хаёлан сухбатлашиб кўрдим. Бу хаёлий сухбат ростдан ҳам табиийдек туюлди. Беихтиёр билагимга қараб, қўл соатимга кўзим тушди ва бунинг сабабини англадим: кун сешанба эди.

*“Тарк этар онда ҳам куйлади отам,  
Хониш куртакларга ҳадя этди жон.  
(Билардик баҳор ҳам айлашин хиром  
Отамнинг қўшиғин эшиштган ҳамон)...”*

Дафн маросимида Моррининг ўғли Роб томонидан ўқилган шеър, муаллифи – Э. Э. Каммингс.

## Хотима

**Б**аъзан ўтмишга боқиб, кекса профессоримни қайта учратишимидан олдинги “мен”имни – тамомила ўзгача инсонни кўз олдимга келтираман. Ўша инсон билан сұхбат қургим келади. Унга нималарни қидириш ва қайси хатолардан қочиш кераклигини айтгим келади. Унга қарата “Бағрикенг бўл, жамият томонидан тарғиб қилинадиган қадриятлар васвасасига учма, яқинларинг сўзлаётганда, гўёки улар билан сўнгги марта сұхбатлашаётгандек дикқат билан тингла”, дегим келади.

Энг муҳими, мен унга самолётга ўтириб, Массачусетс штатидаги Farbий Ньютон шаҳарчасида яшаётган нуронийни эртароқ – у хасталаниб рақсга тушиш қобилиятини йўқотмасидан олдин бориб кўриши кераклигини айтгим келади.

Биламан, бу қўлимидан келмайди. Ҳеч биримиз ўтган ишларни ўзгартира олмаймиз, аллақачон тасмага муҳрланган ҳаётимизни ҳам қайта яшаш имконсиз. Аммо профессор Морри Швартс менга берган энг муҳим сабоқ – бу ҳаётда “энди жуда кеч” деган тушунчанинг мавжуд эмаслиги. У сўнгги нафасигача ўзини тарбиялашда давом этди.

Моррининг ўлимидан кўп ўтмай, Испаниядаги укам билан сұхбатлашишга мувваффақ бўлдим. Узоқ гаплашдик. Унинг маълум масофа сақлаш истагини ҳурмат қилишимни, мен бор-йўғи ўтмиш хотиралари билан яшаш ўрнига, айнан ҳозир хабарлашиб туришни ва у имкон берганича муносабатларимизни тиклашни хоҳлашимни айтдим.

– Сен менинг яккаю ёлғиз укамсан, – дедим. – Сени йўқотишни хоҳламайман. Яхши кўраман.

Шу пайтгача унга бундай гапларни ҳеч айтмагандим.

Бир неча кун ўтиб, факс орқали хабар олдим. Хабар матни бош ҳарфлар билан ёзилиб, тиниш белгилари пала-партиш қўйилганидан хат укамдан келгани билиниб турарди.

“САЛОМ! ВА НИХОЯТ, ТЎҚСОНИНЧИ ЙИЛЛАРГА ҚАДАМ ҚЎЙДИМ!”, деб бошланарди хабар. У ҳафта давомида нималар қилгани ҳақида ёзиб, бир жуфт латифа ҳам қўшиб қўйганди.

Хабар шундай якунланганди:

*Шу кунларда жиғилдоним қайнаб, ичум кетиб ётибди – мегажин ҳаёт. Кейинроқ гаплашармиз?*

Бемор Думба

Кулавериб, қўзларимдан ёш чиқиб кетди.

Ушбу китоб ғояси асосан Моррига тегишли эди. У китобни “сўнгги илмий ишимиз” деб атарди. Энг яхши лойиҳаларда бўлгани каби бу иш иккимизни анча яқинлаштиради. Морри бир неча ноширлар китобга қизиқиш билдирганини эштиб, жуда қувонганди, бироқ уларнинг ҳеч бири билан учрашиш унга насиб этмади. Китоб учун тўланган бўнак Моррининг тиббий харажатларига асқатганидан иккаламиз ҳам мамнун эдик.

Айтганча, китоб номини Моррининг кабинетида ўтириб, бир кундаёқ ўйлаб топганмиз. У ном танлашни ёқтиради. Морри бир нечта номларни таклиф қилди. Лекин мен ““Моррининг сесанба дарслари’га нима дейсиз?” деб сўраганимда, унинг юзига табассум, ёноқларига қизиллик юргурганини кўриб, шу номда тўхталишимизни англадим.

Моррининг вафотидан сўнг университет давридан қолган китоб-дафтарларим жойланган қутиларни бирма-бир кўздан кечирдим. Улар орасидан Моррининг дарсларидан бири учун ёзган якуний назорат ишимни топиб олдим. Ёзилганига ҳам йигирма йил бўлибди. Муқовасининг олд томонида менинг Морри учун қалам

билан қинғир-қийшиқ ёзилган муроҳазаларим, унинг остида эса Моррининг муроҳазалари қолдирилган эди.

Меники “Қадрли мураббий...” деб бошланган.

Уники эса “Қадрли ўйинчи...” деб.

Негадир ҳар сафар шу битикларни ўқиганимда, уни янада кўпроқ соғинаман.

Ҳаётингизда ҳеч ҳақиқий устозингиз бўлганми? Сиз ҳали ишлов берилмаган тош бўлсангизда, донолик билан сайқалланса, ноёб олмосга айланишингизга ишончи комил бўлган устоз? Агар омадингиз кулиб, шундай устозни учратиб қолсангиз, вақт ўтиб, албатта, унинг ёнига қайтасиз. Баъзан шунчаки хаёлингизда. Баъзида эса шундоққина у ётган ётоқ ёнига.

Кекса профессорим ҳаётининг сўнгги дарслари унинг уйида, у миттигина ҳибискус бутасининг пушти гуллари тўқилишини томоша қилиши мумкин бўлган кабинет деразаси ёнида ҳафтада бир марта ўтиларди. Синф сешанба кунлари йиғиларди. Ҳеч қандай дарсликдан фойдаланилмасди. Фанимиз “Ҳаёт мазмуни” деб аталарди. Унда профессор бошдан кечирган ҳаётий сабоқлар ўқитиларди.

Сабоқлар давом этади.

## **Мундарижа**

<b>Ўқув дастури</b>	<b>3</b>
<b>Ўқув режаси</b>	<b>6</b>
<b>Талаба</b>	<b>14</b>
<b>Кўргазмали қуроллар</b>	<b>18</b>
<b>Учрашув</b>	<b>24</b>
<b>Синфхона</b>	<b>29</b>
<b>Давомат</b>	<b>36</b>
<b>Биринчи сесланба</b>	<b>42</b>
<b>Иккинчи сесланба</b>	<b>48</b>
<b>Учинчи сесланба</b>	<b>53</b>
<b>Кўргазмали қуроллар: иккинчи қисм</b>	<b>59</b>
<b>Профессор</b>	<b>62</b>
<b>Тўртингич сесланба</b>	<b>68</b>
<b>Бешинчи сесланба</b>	<b>76</b>
<b>Олтинчич сесланба</b>	<b>84</b>
<b>Профессор: иккинчи қисм</b>	<b>91</b>
<b>Етгинчич сесланба</b>	<b>97</b>
<b>Саккизинчич сесланба</b>	<b>103</b>
<b>Тўққизинчич сесланба</b>	<b>109</b>
<b>Ўнинчич сесланба</b>	<b>119</b>
<b>Ўн биринчич сесланба</b>	<b>127</b>
<b>Кўргазмали қуроллар: учинчи қисм</b>	<b>134</b>
<b>Ўн иккинчич сесланба</b>	<b>138</b>
<b>Ўн учинчич сесланба</b>	<b>143</b>
<b>Ўн тўртингич сесланба: хайрлашамиз</b>	<b>151</b>
<b>Битирув оқшоми</b>	<b>156</b>
<b>Хотима</b>	<b>158</b>

29090с

## Мич Элбом

# МОРРИНИНГ СЕШАНБА ДАРСЛАРИ

*Мұхарріп:*  
*А. Бобожонов*

*Техник мұхарріп:*  
*И. Хайруллаев*

*Сақиғаловчи дизайнер:*  
*А. Юлдашев*

Нашриёт литцензияси АI № 001. 20.07.2018 йилда берилган.  
«Yosh kuch» нашриёти. Тошкент шаҳри, Содиқов кўчаси. 13-үй.

Босишига 01.03.2021 йилда рухсат этилди.  
Қоғоз бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ . Буюртма рақами № 17.  
Босма табоғи 5,125. Адади 2000.

«Yosh kuch matbuoti» МЧЖда чоп этилди.  
Манзил: Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани,  
Сўгалли ота 84-үй.